


Абали

Ёрқин келгүз

шеърлар, поэмалар, насихатлар



Тошкент – «O‘ZBEKISTON» – 2015

УЎК: 821.512.133

КБК 84 (5 Каз)

A12

Тўпловчилар:

Қалдибек Сейданов, Музаффар Аҳмад

Абай

A12 Ёркин юлдуз: шеърлар, поэмалар, насихатлар /
Абай; тўпловчилар: Қ. Сейданов, М. Аҳмад. – Т.:
«O‘zbekiston», 2015. –248 б.

ISBN 978-9943-28-345-9

Абай Қўнонбой ўғли – козоқ ёзма адабиётининг асосчиси, козоқ халқининг буюк маърифатпарвар шоири, халқлар дўстлигининг оташин куйчиси.

Китобхонларга ҳавола этилаётган ушбу тўпламда шоирнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида бирмунча маълумотлар берилди. Буюк инсонийликни, меҳр-муҳаббатни, соф севги ва садокатни улуғловчи шеърлари, «Искандар», «Маъсуд», «Азим ҳикояси» каби поэмалари, алоҳида чуқур фалсафий аҳамиятга эга бўлган публицистик «Насихатномалар» (45 қорасўз)и ҳам шу китобдан ўрин олди. Албатта, бу дурдоналар сизни бефарқ қолдирмайди.

УЎК: 821.512.133

КБК 84 (5 Каз)

ISBN 978-9943-28-345-9

© Қ. Сейданов, М. Аҳмад, 2015

© «O‘ZBEKISTON» НМИУ, 2015

ҚОЗОҚ ХАЛҚИНИНГ УЛУҒ НАМОЯНДАСИ

Қўнонбой ўғли Абай (Иброҳим) – қозоқ ёзма адабиётига асос солган, ажойиб истеъдод соҳибларидан бири. У XIX асрнинг иккинчи ярмида яшаб, ижод этган қозоқ поэзиясининг ёрқин юлдузидир.

У ҳозирги Шарқий Қозоғистон (аввалги Семипалатинск) вилоятига қарашли, Абай туманидаги Чингизтоғ этакларига жойлашган Тўбиқти уруғларидан бўлиб, 1845 йилнинг 10 августида Қашқа булоқ масканида, ўзига тўқ Қўнонбой оиласида дунёга келади.

Абай Қўнонбойнинг 41 ёшида кўрган фарзандидир. Қўнонбойнинг отаси Ўскенбой ҳам, унинг отаси Ирғизбой ҳам бадавлат кишилардан бўлса, энг улкан бобоси Ўлжой ботир киши бўлган.

Абайнинг асл исми – Иброҳим бўлган. Аммо онаси Улжон уни эркалатиб, ардоқлаб Абай деган. Абай – сўзининг асл маъноси – «авайла», «эхтиёт бўл» дегани.

Абай ўн ёшга қадар ота-онасининг тарбиясида бўлиб, бошланғич маълумотни ўз овулидаги Ғабитхон исмли мул-



ладан олади. Сўнгра Семипалатинск шахридаги мадрасага ўқишга боради. У аввал Абдужаббар, кейинчалик Аҳмад Ризо исми муллаларнинг кўлида ўқиб, уч йил таълим-тарбия олиб, таҳсил топади.

Бу ерда Абай эртақ ва афсоналарни, қисса ва дostonларни кўпроқ мутолаа эта бошлайди. Ҳатто араб, форс ва эски ўзбек тилидаги эртақ, афсона, ҳикоя ва дostonларни ҳам зўр маҳорат билан ўқиб савод чиқаради.

Айниқса, Шарқ классиклари асарларини алоҳида меҳр билан ўрганиб, Фирдавсий, Низомий, Хўжа Ҳофиз, Алишер Навоий, Фузулий ва бошқа шоирларни ўзига устоз деб билиб, уларнинг асарларидан баҳра олади ва ғазалларини ёдлайди.

Дарҳақиқат, улуғ мутафаккирлар ижодини кунт билан мутолаа этиши натижасида, уларнинг дурдоналаридан илҳомланади. Асарларига ижодий ёндашиб, баъзиларига таклидан шеърий асарлар ёзишни машқ қилади. Шунинг учун ҳам у 1858 йили, ўн тўрт ёшида ёзган «Фузулий, Шамсий, Сайқалий» номли шеърида Шарқ шоирларининг номларини алоҳида ҳурмат билан тилга олади, уларга ҳурмат изҳор этади.

Бунинг устига Абай, ўқиш даврининг сўнгги йилларида Семипалатинск шахридаги «Приходская школа» деб номланувчи рус мактабида уч ой ўқиб, рус тилини ҳам мукамал



ўрганишга интилади. Натижада, рус адабиётининг буюк на-
мояндалари бўлмиш А.С. Пушкин, М.Ю. Лермонтов, И.А.
Крилов каби шоирларнинг шеърий асарлари ҳам бўлажак
шоирга алоҳида илҳом бағишлайди.

Абай эндигина ўн уч ёшга кирганда, отаси Қўнонбой
уни эл бошқариш мансабини олиб бериш мақсадида
ўқишдан бўшатиб, ўз овулига олиб кетади. У юртига бор-
ганидан сўнг, 1875 йили Қўнғиркўкча масканида яшовчи
элга бўлис (ҳоким) бўлиб, халқ бошқариш ишига аралаша
бошлайди.

Абай секин-аста ҳаётнинг паст-баландини англаб, ижти-
мой турмушдаги қарама-қаршиликларнинг сирини тушуна
боради. Эл-юрт орасидаги зиддиятларни, зўравонликларни,
ўзаро келишмовчиликларни кўзи билан кўради, ҳаётни
ўрганеди.

Ҳатто, ўз отаси Қўнонбойнинг халққа нисбатан қила-
ётган адолатсизликларини, зўравонлик – хиёнатларини
кўриб, унга тез-тез қарши чиқишга мажбур бўлади. Энди
у ўз отаси, бадавлат Қўнонбойнинг бирдан-бир ёрдамчиси-
гина эмас, балки адолат байроғини баланд кўтарувчи, адо-
латни ёқловчи, ҳақиқий халқ ҳаётини ҳимоя қилувчи инсон
бўлиб шакллана бошлайди.

Шу туфайли у ўз элида, ўз овулида бўлаётган кирдиқо-
рона ишларга, дов-жанжалларга аралишиб, уларни адолатли



ечишга алоҳида эътибор беради. Лекин бу мақсадда у, турли-туман қарама-қаршиликларга, зиддиятларга учраб, кўп нарсага етиша олмайди. Ҳатто ўзи ҳам жабр-жафо чекади.

Ўз элида кенг авж олган зўравонликлар унга ғов бўлиб, Абайга нисбатан турли бўҳтонлар ҳам ёғдирилиб, ниҳоятда азоб-укубатларга қолади. Шунинг учун Абай, 1878 йили бўлисликдан умуман воз кечади.

У ўз даврининг зиддиятларини теран тушунган, ўз замонасининг илғор ғоялари билан кенг қуролланган, ғоят илмли, файласуф шоир сифатида намоён бўлади. Масалан, шоир ўзининг мазкур сатрларида:

*Ўз сўзидан бошқа сўзни уқмайдиган,
Оғзи билан ўроқ ўрган ўнкай қиртинг¹.
Бош-бошига бий бўлган нуқул қийқим,
Мана, кўр, бузмадими элнинг турқин! –*

деб, ҳеч кимдан чўчимасдан, ҳақ гапни очик тилга олади.

Абай «Юрагим менинг қирқ ямоқ», «Молга дўстнинг гами йўқ молдан бошқа» каби шеърини асарларида бойларга, зўравонларга қарши чиқиб, эскиликнинг кирдикорларини ҳам кескин танқид остига олади. Буюк инсоний фазилатларни юқори баҳолаб, адолатсизликни қоралайди. Доимо, қашшоқ-камбағалларнинг тарафдори бўлади.

¹ *Қиртинг* – бемаъни.



Ҳеч нарсанинг фаркига бора олмайдиган, бепарво, саводсиз, нодон инсонларни танқид остига олади. Масалан, у:

*Қозогим, шўрлик юртим, вайрон юртим!
Коронгида йўл топмай, ҳайрон юртим!
Ёмон билан яхшини фарқ қилолмай,
Оғзида ҳам қон, ҳам мой, сарсон юртим. –*

дейди ва кечаю кундуз азоб-уқубатлар чекиб юрган қозок халқининг, оддий меҳнат кишилариининг аянчли турмуш тарзидан хабар беради. Масалан, куйидаги мисраларга эътибор қилинг:

*Тунда уйқунг бузилар, кундуз кулқинг!
Дардингга эм бўлмайди молу мулқинг.
Очқўзсан, тамагирсан, қурумсоқсан,
Бор савлатинг бошингга кийган тулқинг....*

(Миртемир таржимаси)

Халқнинг саводсизликдан, илмсизликдан кўраётган азоб-уқубатларининг асосий сирларини, нодонликларини шу тариқа очиб ташлайди.

Доимо ўқиш ва изланишда бўлган Абай билимини оширишни ҳамма нарсадан афзал билади. У 19 ёшида ўзининг «Алифбо» номли шеърый асарини ёзиб, унда қозок халқини маърифатли, илмли бўлишга ундаган эди.



Абай Семипалатинск шаҳридаги «Приходская школа» мактабида уч ойгина ўқиб, таҳсил олган бўлса-да, кейинчалик ҳам рус тилини яна пухта ўрганишга алоҳида эътибор беради.

Бунинг устига, Петербургдан козоқ саҳросига сургун қилинган исёнкор Е.П. Михаэлис билан яқиндан танишиб, дўст бўлади. Унинг маслаҳатига кўра, рус адабиётининг буюк намояндалари бўлмиш В.Г. Белинский, Н.С. Чернышевский, А.И. Герцен, И.С. Тургенев, М.Ф. Достоевский, Добролюбов, Салтиков-Шчедрин, Л.Н. Толстой, А.С. Пушкин, М.Ю. Лермонтов, И.А. Крылов асарлари билан кенгрок танишади, мутолаа қилади, баъзиларининг шеърий асарларини козоқ тилига ўгириб, халқнинг маънавий мулкига айлантиради.

Ҳатто у, Арасту, Сукрот, Афлотун, Гегель каби машҳур файласуфларнинг асарларидан ҳам баҳраманд бўлиб, Ғарб адабиётининг классиклари Байрон, Гёте каби ижодкорларнинг шеърий асарларини севиб ўқиб, козоқ тилига таржима қилишни кўнглига тугади.

Абай 1884–1885 йилларга келиб, ҳар томонлама билимли, ғоят адолатли тарбия топади. Натижада, унинг кенг дунёқараши шаклланиб, ҳаётга бўлаётган турли-туман ўзгаришларга танқидий кўз билан қаровчи улкан шахсга айлана бошлайди.



Тўғри, шеър ёзишни ёшлигиданоқ машқ қила бошлаган Абай, эл орасидаги адолатсизлик, зўравонликдан нолиб, кўп вақтгача кўлига қалам олмай кўяди. У ёши 40 дан ўтган чоғида, 1886 йилдан бошлаб астойдил ижодий иш билан шуғулланиб, ижод қилишга алоҳида аҳамият беради. Шунинг учун ҳам у: «Ёшим шу ерга етгунча яхши яшадимми, ёмон яшадимми, ҳар қалай, яшадим. Умримнинг кўпи кетиб, ози қолди, бошимдан не-не савдолар кечмади: олишдим, юлишдим, айтишдим, тортишдим – хуллас, бошга тушганини тортидим» – дейди ва: «Мана, энди ёшим қайтиб, қаридим, хоридим, ҳамма қилиб юрган ишларимда маъно йўқлигини, ҳаммаси шунчалик бир гап эканлигини кўрдим, билдим. Хўш, энди қолган умримни қандай қилиб ўтказсам экан?...» – деб, ўзига саволлар беради.

У фақат ижод қилишни асосий мақсад деб билади, ижоди туфайли қозоқ халқининг асл фарзанди сифатида кенг танилади.

Бунинг устига Абай, шеъринг асарлар ёзишга онда-сондагина эътибор бериб, бир неча шеърлар ёзган бўлса ҳам, уларни ўзининг номидан эмас, балки замондоши Кўкбой билан Жусиббек Шайхислом ўғли номидан «Дала уалияти» газетасида эълон этганлигини кўрамыз.

Тўғриси, Абай кўзи очигида ўз асарларининг ўз номи билан чоп этилганлигини кўрган эмас. Лекин унинг илк



«Шеърлар» тўплами, 1909 йили Абай вафотининг 5 йиллиги муносабати билан Какитой Искоқ ўгли томонидан, Петербург шаҳрида чоп этилган бўлса, иккинчи «Шеърлар» китоби 1916 йили Оренбургда Самад Абиш ўгли томонидан, учинчиси эса 1922 йили Тошкент билан Қозон шаҳарларида нашр этилади.

Шоир ижодий фаолиятига алоҳида назар ташласак, унинг ҳаётидаги энг сермахсул ижод этган даври 1886–1889, 1895 йиллар эканлигини кўрамиз. У ҳаёти давомида нодонликларни кўп кўрди. Бу Абайнинг «Илм топмай мақтанма», «Ёшликда илм бор деб ўйламадим», «Бозорга, «Бозорга, қараб турсам, ҳамма борар», ҳамма борар», «Назарга», «Кўкбойга» каби шеърларида ифода топган.

Унинг «Қозоғим, шўрлик юртим, вайрон юртим», «Бойлар юрар молин кўрғалатиб», «Адашганнинг олди жўн», «Кўнглим қолди дўстан ҳам, душмандан ҳам», «Сизга ким илм берар, ёнмай ётиб сўнсангиз», «Дунё ҳам, мол ҳам – илмга кўнгил берсангиз» каби ва бошқа шеъррий асарларида халқни маданиятга, илм ва маърифатга, буюк инсоний фазилятларга даъват этади.

Шунингдек, унинг 45 та катта-кичик ҳикоячалардан иборат, тарбиявий аҳамиятга эга бўлган «Нақлия сўзлари», насиҳатлари қозоқ халқининг ривожланиш та-

рихида алоҳида аҳамият касб этади. У 1889 йили 54 ёшида қозоқ халқининг тарихига оид «Қозоқ халқининг келиб чиқиши ҳақида мухтасар сўз» номли илмий-тарихий мақоласини ёзиб, қозоқ халқининг келиб чиқиши тарихи ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиради.

Абай – ҳассос ижодкор, у доимо келажакка катта умид билан қараб, қозоқ халқининг ҳаёти ёрқин, турмуши фаровон бўлишини орзу қилди ва шунга ишонч билдирди.

Бир умр адолатсизликка, ҳақсизликка, нодонликка қарши курашиб келган Абай, маълум давр бу курашда ўзининг ёлғизлигини ҳам сезади ва авлодларга қарата:

*Чангалзор, чакалакзор ерда ўсдим,
Минг-ла ёлғиз курашдим, гина қилма!*

дейди.

Ўз ўрни келганда шу нарсани алоҳида таъкидлаш лозимки, Абайдан бизгача 200 га яқин шеърый асарлари билан 3 та достони («Искандар», «Азим ҳикояси», «Маъсуд») етиб келган.

Умуман, Абайнинг шеърый асарларида қозоқ халқини илм-маърифатга, инсонийликка даъват этувчи ғоялар билан бир қаторда, соф севгини, дўстлик ва биродарликни

ардоқловчи, чин дилдан жўшиб куйловчи асарлари ҳам мавжуддир. Бу борада унинг «Йигитлар, ўйин арзон, кулги қиммат», «Эй муҳаббат, эй дўстлик», «Қиз сўзи», «Йигит сўзи», «Ошиқ сўзи – тилсиз сўз», «Баъзан тушар кўнглимга», «Ошиқлик ва хуморлик – бу икки йўл», «Сен мени не этасан?...», «Ёшлиқ алангасиб қайдасан?», «Илмидан чиққан сўз» каби шу ва бошқа шеърларини эсласак, 1882–1885 йиллари А.С.Пушкиндан «Татъянанинг Онегинга ёзган хати», «Татъянанинг қирдаги кўшиғи», «Татъянанинг сўзи», «Онегин сўзи», М.Ю. Лермонтовдан «Бородино», «Кам сўзлай, ишонай», «Кўнглим менинг» каби ва бошқа асарларини қозоқ тилига таржима этганлигини ҳам тилга олиш кифоядир.

У ўзининг бадиий жиҳатдан бақувват шеърый асарларида дўстликсиз, муҳаббатсиз ҳаёт бўлиши мумкин эмаслигини эслатиш билан бир қаторда, «ҳаётда инсон инсонни севмасдан, жамият учун астойдил хизмат қилмасдан яхши яшаш мумкин эмас» – деген ғояларни ҳам илгари суради.

Абай ўзининг «Ўлан – сўзнинг подшоси, сўз сараси» деб бошланадиган шеърый асарида, ўз замонасида маза-матрасиз шеърлар ёзиб, «шоирман» деб юрган ижодкорларни ҳам кескин танқид остига олади. Натижада, ўлан сўзга ҳам, шоирларга ҳам алоҳида юксак талаблар қўяди. Масалан у:

*Ўлан – сўзнинг пошшоси, сўз сараси,
Қийиндан қийилтирар эр донаси.
Тилга енгил, юракка илиқ тегиб,
Теп-текис, силлиқ келсин айланаси.*

*Сараланмай булганса сўз ораси,
Бу – оқиннинг билимсиз – бечораси.
Ҳам оқин, ҳам тингловчи кўпи нодон,
Сўз танимас бул юртнинг бир пораси.*

дейди, сўз саънатига алоҳида аҳамият бериб.

Абай буюк шоир бўлиш билан бир қаторда, ажойиб композитор ҳам эди. У қозоқ халқ куйларини севиб, алоҳида ардоклаб, ўзи ҳам бир нечта куй басталаган, уларни ижро ҳам этган ажойиб истеъдод соҳибидир.

Абай ўзининг бир қанча шеърларини ҳам қозоқ халқ куйларига жўр қилиб, ўзи алоҳида ижро этган сермаҳсул қалам соҳиби бўла олди. Ундан қолган йигирмага яқин куй ҳалигача қозоқ кўшиқчиларининг репертуарларидан тушмай келади.

Ана шундай ажойиб инсон, қозоқ халқининг буюк маърифатпарвар шоири, хассос қалам соҳиби – Абай Қўнонбоев 1904 йилнинг 23 июлида, 59 ёшида оламдан ўтади. У яратган ажойиб асарлар, илгари сурган ғоялар ўз халқи орасидагина эмас, балки умумтуркий халқлар ўртасида ҳам, шу

жумладан, қардош ва қондош ўзбек халқи маънавиятида ҳам кенг ўрин олгандир.

Абай ўланлари, ўғит-насиҳатлари, дostonлари ҳар бир ўқувчига ўз отасининг насиҳатидек ўринли ва марoқли эшитилади. Шунинг учун бўлса керак, Абай асарлари ўзбек китобхонлари орасида алоҳида ҳурмат билан тилга олинади. Масалан, ҳассос шоир Миртемир ўзининг «Кўз устига, қош устига» номли мақоласида: «Улуғ Алишерга қўл берган Абай Кўнонбой ўғли, ўз навбатида, қозoқ ёзма адабиётининг бобоси, қозoқ халқининг даҳо фарзанди, улуғ шоири, асл ўғли даражасига кўтарила олди» – дейди ва сўнгра Абайни устоз сифатида таниб, асарларини қозoқ тилида марoқ билан ўқиганлигини алоҳида қайд этади.

Кези келганда шуни уқтириб ўтиш лозимки, Абайнинг ўзбек диёрига кириб келиши, ўзбек китобхонларининг сеvimли шоирига айланиши, XX асрнинг 20-йиллари бошларига тўғри келади. Чунки, бу йилларда Тошкентда қозoқ тилида «Ақ жол», «Жас алаш», «Сана», «Жана ўрис», «Жас қайрат» каби газеталар билан журналлар, «Кедей ай-наси» номли альманах ҳам, чоп этилиб турган. Масалан, 1921 йили «Ақ жол» газетасининг 19 июнь сонисида Абай Кўнонбоевнинг «Абдурахмонга», 1922 йили «Инқилоб» журналида «Одамнинг баъзи пайтлари» номли шеърлари

эълон қилинади. Унинг устига, шу йили Абайнинг «Шеърлар» тўплами Тошкентда қозоқ тилида чоп этилади. Ҳатто ажойиб олим Абдурахмон Саъдий 1923 йили «Ақ жол» газетаси саҳифасида «Абай» номли мақоласини эълон қилиб, унда Абайнинг 1916 йили Оренбург шаҳрида чоп этилган «Абай термеси» номли тўплами билан 1922 йили Тошкентда нашр этилган «Шеърлар» тўпламини ўзаро солиштириб, ҳар иккала тўплам ҳақида фикр ва мулоҳазалар билдиради.

Ўрни келганда шу нарсани алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, 1945 йили улуғ шоир Абайнинг 100 йиллиги Қозоғистон бўйлаб кенг нишонланади, Бу тадбирда Ўзбекистондан бир гуруҳ делегатлар, шу жумладан, Ойбек, Ғафур Ғулом, Абдурахмон Саъдий, Ҳоди Зариф ва Миртемир иштирок қилдилар.

Бу ҳақида Миртемир ўзининг «Шингил эсдаликлар» номли хотира-мақоласида шундай ёзади: «Олмаатага биринчи боришимиз. Абайнинг 100 йиллиги бўлди. Ўшанда Мухтор оға ва Собит оғалар кутиб олганди. Қозоқ табиати, қозоқ юрти нечоғлик асл ва сеҳргар. Нечоғлик оромбахш ва дилрабо! Ҳар сарви соясида ё арча ёнида тўхтаб, хаёл сургинг, ҳар чечак олдида тиз чўкиб ўпгинг келади, ҳар булоқдан ҳовучлаб сув ичгинг, ҳар чўпон ўтовидан қимиз тотиб, суҳбат қургинг келади. Шоир қозоқ ўлкасини ва

унинг буюк намояндаларини шу тариқа хурмат билан тилга олади.

Қозоғистоннинг бой табиати, одамларининг меҳмондўстлиги, Абайга бўлган меҳр-муҳаббати шоир қалбини тўлқинлантириб, у шеърий сатрларга ҳам айланади. Миртемир, Абай хайкали ёнида туриб, ўзининг «Абай бобой» номли ажойиб шеърини яратиш имконига мушарраф бўлади. Масалан, у:

*Олатов чўққисига қўнгандай ота бургут,
Олмаота ўртасида турибди у барҳаёт.
Гўё, ҳамон элига сўзлар ҳикмат ва ўғит,
Ҳамон ўланлар тўқиб, ўқимоқда ўлмас зотдай...*

деб, улуғ Абайнинг барҳаётлигини ёрқин сатрларда меҳр билан жўшиб куйлайди.

Дарҳақиқат Абай, йиллар оша ўзбек китобхонларига ўз шоирларидек сингиб, ўзбек халқининг ҳам ажойиб фарзанди сифатида алоҳида улуғланмоқда. Бу ўринда Абайнинг 1922 йили Тошкентда қозоқ тилида чоп этилган «Шеърлар» тўплами билан, унинг 100 йиллиги арафасида Тошкентда 1945 йили нашр этилган «Шеърлар» тўпамини, унинг устига 1960 йили Қозоғистонда ўзбек адабиёти ва маданиятининг ўн кунлиги муносабати билан ўзбек тилида нашр этилган

«Танланган асарлар»ини, шунингдек, 1970 йили Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти томонидан босилган «Шеърлар ва поэмалар»ини эшлаш кифоядир.

Шоир асарларини ўзбек тилига таржима этишда Уйғун, Миртемир, Аскад Мухтор, Қуддус Муҳаммадий, Жуманиёз Жабборов каби шоирларнинг хизматлари таҳсинга сазовордир.

1995 йили ЮНЕСКО қарори билан шу йилни «Абай йили» деб аталиши улуғ шоирнинг 150 йиллиги бутун жаҳон бўйлаб кенг нишонланишига сабаб бўлди. Натижада, буюк сиймонинг ёрқин қиёфаси жаҳон халқлари орасида, шу жумладан, туғишган ўзбек халқи орасида ҳам алоҳида улуғланди. Шу йили ажойиб таржимон Носир Фозиловнинг «Қозок адабиётининг фахри» сўз бошиси билан «Абай» номли шеърлар, поэмалар ва насиҳатлари таржима этилиб, ўзбек китобхонларига ҳавола этилди. Ҳозирги кунда Абай асарларини таржима қилиш, тарғиб этиш ишларида М. Мирзо, Музаффар Аҳмад, Абдулла Рустамов каби шоир ва таржимонлар, адабиётшунослар ҳормай-толмай хизмат қилмоқдалар.

Бугунги кунда, Ўзбекистонда Абай номи билан аталадиган бир қанча қозок мактаблари бор. Тошкентда Абай кўчаси мавжуд ва у Алишер Навоий кўчаси билан

туташади. 2013 йили Тошкентда Қозоғистон элчихонаси янги биносининг олдида, Абай хайкали ўрнатилди. У халқларимизга қарата: «Азизлар! Бу дунёда дўстликдан кучли ҳеч нарса йўқ. Шундай экан, доимо дўст, инोक, аҳил бўлиб яшанглар!» – деб тургандай гўё.

Қалдибек СЕЙДАНОВ,
адабиётшунос олим

Уерпрап



БУРГУТЧИ

Қор ёққанда бургутчи чиқар овга,
Тошдан тулки топилар пойлаганга.
Яхши от тотув йўлдош – бир ғанимат,
Яхшидир ихчам кийим овчи одамга.

Бирданига йўликса тулки изи
Ахтариб овчи ҳар ён кўз солганда.
Бургутчи тоғ бошида, қўлда бургут
Кетган изни синчиклаб пайқаганда.

Тумағини бургутчи бошдан олар,
Қирон қуш кўзи кўриб интилганда.
Паст учсам тулки ўрлар қутулар деб,
Учади кўз ўйнатиб тик осмонга.

Кўриб, тўхтаб қолади қочган тулки
Қутулмасин билган-чун бўш қочганга,
Оғзин очиб қақақлаб, тишин қайраб,
У ҳам кураш қилади чивин жонга.

Қизикар шунда овчи, завққа тўлиб
От қўяр қарамай ҳеч йиқилганга.



Қирк пичоқ-ла гижиниб турган тулки,
У ҳам ўнғай ёв эмас зўр қиронга.

Саккиз найза қўлида кўз олмасдан
Ботир ҳам ташланади у қурбонга.
Қанот, думи шувиллаб ишқиради,
Кўкдан қирон яшиндай қуйилганда.

Ярк-юрк этиб иккови олишади,
Якка ботир чиққандай жанг майдонга,
Бири хаво, бири ер ёввойиси,
Одам учун ботишар қизил қонга.

Қор – оппоқ, бургут – қора, тулки – қизил,
Ўхшайди гўзал сувда чўмилганга.
Қора сочин кўтариб икки бармоқ,
У ҳам билқ-билқ этмасми сийпаганда.

Оппоқ эт, қип-қизил бет яп-яланғоч.
Қора соч қизил юзни яширганга.
Куёви эр, қайлиғи гўзал бўлиб,
Яна ўхшар тор тўшақда ётишганга.

Яғрини орқасидан билқиллайди,
Қирон буклаб остига дал босганда.



Куши ҳам эгасига хўрозланар,
Олтмиш икки ҳийлали сайд олганда.

Овчининг чехрасига шодлик чиқар.
Тулкини қанжиғага бойлаганда,
Силкиб кийиб тумағни, ҳам носвойни
Бир отасан дилга шодлик жойланганда.


Тоғдан жийда тергандай ола берса,
Бир яшайсан хуморинг ҳар қонганда.
Кўнглида йўқ ҳеч қандай ёмон ниёт,
Ов бўлади кенгашинг қуш солганда.

Ҳеч кимга зиёни йўқ ўзим кўрган,
Хўб қизик иш экан бу шум дунёда,
Сезгиси чуқур ҳамда ақли борга
Бари аниқ кўринар ўйлаганда.

Уқмассан устин қараб ўта берсанг,
Суратин кўролмассан кўп бокмасанг.
Кўланкаси тушади тез кўнглингда
Ҳар сўзни бир ўйланиб салмоқласанг.

Йигитлар, бу сўзнинг ҳеч маъносини,
Билолмассан қуш солиб завқ олмасанг.

(1882)



Порлаган оқ кумушдай кенг манглайли,
Оласи оз қора кўзда нур чакнайди.
Ингичка қора қоши – чизилгандай,
Мен унга ўхшатаман тукқан ойни.
Қирли бурни манглайдан тўғри тушган,
Оқча юз, ол-қизил бет тил боғлайди.
Оғзин очса, кўринар марварид тиш,
Нак кўлда тизилгандай ич қайнайди.
Сўзласа, сўзи одобли ҳам маъноли,
Кулгуси – худди булбулқуш сайрайди.
Юп-юмур, оқ тўрғиндай¹ бўйини бор,
Улвироган томоғин кун чалмайди.
Теп-текис яғирини бор, ийиғи² тик,
Икки олма гавдасида қийшаймайди.
Сўроки узун ҳам эмас, қисқа ҳам эмас,
Нозик бел толчивиқдай буранглайди.
Этидай ёш боланинг билаги бор,
Ажинсиз оқ савсоғи³ ишга ўнғайли.
Қалин ипак сочи бор ипак толдай,
Тўрғиндай тўлқинланиб кўз танлайди.

¹ *Тўрғин* – оқ ипак мато.

² *Ийиқ* – бўйин, елка.

³ *Савсоқ* – қўлнинг бармоқларга ажралган жойи..

Қизда қандай лаззат бор жон тотмаган?
Сулуви бул замоннинг тек ётмаган.
Ўн саккиз-ўн тўққизга келгандан сўнг
Олмаси ўпка¹ бўлар қўл ботмаган.
Буларнинг қай бирининг миназлари²
Ҳеч нарса кўрмагандай буртақлаган³.
Қай бири чехрам яна очилсин деб,
Ўринсиз одамларга илжайган ҳам.
Аввалдан сулув ўрни бизга маълум,
Юрт мақтаган йигитни қиз ёқлаган.
Қай йигит мақтанишга қилиқ қилмай,
Вужуди камтарликла сир сақлаган.
Қай йигит орсизлик-ла уятсинмай
Қўли етмас нарсага тиртақлаган.⁴
Ўринли ишга юриб, ўй⁵ топмаган,
Ё бўлмаса юмуш қилиб, мол боқмаган.
Хосиятли бўлмайди ундай йигит,
Анчайин бекор юриб булғақлаган.

(1884)

¹ *Ўпка* – ўпкадай юмшоқ демоқчи.

² *Миназ* – феъл-атвор, характер.

³ *Буртақламоқ* – нозлана уялмоқ.

⁴ *Тиртақламоқ* – беҳуда ҳаракат қилмоқ.

⁵ *Ўй* – бу ерда ақл-фаросат, одоб маъносида.

* * *

Ёшликдан билим излаб югурмадим;
Хайрин билдим, бироқ, юз ўгирмадим.
Улғайганда қарасам қўлим қурук,
Кечикиб қўл чўздиму, улгурмадим.

Билимсиз қолганимга ким гуноҳкор?
Изласам бўлармидим мунчалик хор?
Одамзод тасаллиси фарзанд экан.
Фарзандимни билимга қўймадим зор...

Мадрасага бердим мен адаб учун,
Билим учун, наинки мансаб учун!
Ўзим ҳам юксакларга қанот қоқдим,
Айб бўлмас орзу учун – талаб учун...

Ким айтар: ёмон бўлдим, йўлдан қайтдим?
Қозоққа ширин-ширин ўлан айтдим;
Ўланда ҳеч ким менга тенг келмади,
Лекин қадрим тополмай, йиғлайман жим...

(1885)



* * *


Йигитлар, ўйин арзон, кулки қиммат,
Иккиси икки нарса – сир ва сумбат.
Тилда эмас, қалбдан дўст бўларлик.
Киши бўлса ярайди қилса суҳбат.

Бир хил одам тинглар уйдан чиққанича,
Бир хил одам қулоқ солар уққанича.
Сўз маъносин тушунарлик бир хили бор,
Мағзин чақар ҳар бир сўзни ўз ҳолича.

Чин юракдан севса экан кимни севса,
Ўз сўзида турса экан ёнса, қуйса.
Бир хил нозик ипак каби бўз болалар,
Арзон бўёқ каби айнир бир нам тегса.

Бўз болага келишади талабчанлик,
Хушфёъллик, хунар билиш ва ишчанлик.
Баъзи йигит сиртидан хуш кўринар,
Қилган иши мақтанчоқлик ва манманлик.

Шу ажойиб кунларингни тотув ўтказ,
Етишмаса бирингники биринг етказ,



Беғараз, иноқ бўлгин, чин кўнгилдан,
Хиёнатли бўлишликни дилдан кетказ.

Бир ерда бирга юрсанг бошинг қўшиб,
Бир-бирингга сўзлагин қалбдан жўшиб.
Бир-бирингни ҳурмат этгил, иззат этгил,
Турмагин бир-бирингдан кўркиб, чўчиб.

Чин дўстлик, суҳбатдошлик улуғ ишдир,
Бунинг кадрин ноқобиллар билмас ҳеч бир.
Чин инсон ордан сўзлаб, кулиб юрмас,
Ўзгаларга зинҳор-зинҳор етказмас сир.

Бадавлат йигитман, деб ҳамон бўлмас,
Енгилтаклик қилсанг сира кўнгил тўлмас,
Эр йигит ўз йўлини топиб юрсин,
Ҳаром томоқ бўлсанг агар, бахтинг кулмас.

Бировни ҳусни бор деб яхши кўрма,
Беқарор нафсинг учун чопиб юрма.
Хотин яхши бўлмайди ҳусни билан,
Хулкини яхши билмай кўнгил берма.

Кўп чидамас арзон мато тездан тўзар,
Ўткинчи енгил ҳавас, дилни бузар.
Кунда кўрган битта бетдан кўнгил колса,
Қилни қирқ ёрган доно доим ўзар.

Юрагингнинг тўлкинин хатдай танир,
Қандайча сездирмайди сўкса томир.
Ёринг учун жонингни фидо қилиб –
Юрагингни билса, албат, қилар сабр.

Ҳа деганда кўринар сулув ортик,
Билгин, кўпи уларнинг бўлар инжик.
«Бетим борда, бетимга ким чидар» деб,
Бири роса бино кўяр, бири тантик.

Ақл керак, иш керак, хулқ керак,
Эр уялар иш қилмас бўлса зийрак.
Шилта, шилқим, лўттибоз бўлса агар,
Ундайларга дўст топилар жуда сийрак.

Хотининг сени суйса, сен уни суй,
Бирга ёниб, бирга шодлан, бир ўтда куй.
Эр ақлли, хотини доно, лобар,
Тотув бўлиб яшаса гуллайди уй.

Йўк бўлса хотинингнинг четдан ёри
Ва бўлмаса хулқининг кирдикори,
Кўнгли тоза, қалби соф бўлса бир гул,
Ҳамон бирга боришар бахт сари.

Безанган, моли кўп, деб бойдан олма,
Йўксил қизи арзон, деб ҳеч хўрлама.
Ори бор, ақли бор, номуси бор,
Ота, она қизидан ғофил қолма.

Уйингга тотув тенгдош келса кириб,
Қовоқ солма сен уни иймантириб.
Эри севган кишини у ҳам севсин,
Хизмат қилсин кўнгли топ-тоза юриб.

Боадаб, очик кўнгил бўлсин ўзи,
Маъноли, дил оғритмас бўлсин сўзи.
Сен уни ҳурмат қилиб сўзлаганда,
Хотинингда бўлмасин унинг кўзи.

Дўст бўлади бугун тотув, эртан ботар –
Қалбингга. Ҳамма иши сени сотар.
Юрагида бузуклик йўк, хиёнат йўк
Чин дўстни кўнгил очик кимса топар.



«Фойда» деб, «мол» деб туғилар эндиги ёш,
Меҳнат қилиб, терин тўкиб ҳеч ишламас.
Ёймачилик қилар ўзи кулки бўлиб.
Олса бермас, ҳамон унинг кўзи тўймас.

Савдо иши қимор каби – олиш; бериш,
Кўп кишининг қилган касби, мана иш.
Бири фойда талашиб, бири алдаб,
Довлашиб, уришиб, синдирар тиш.

Ёш болалар тез орада дўстлашади,
Жуда яқин, иноқ бўлиб олишади.
Бир-бирини қучоқлаб, ҳайкиришиб,
Ўйин битар чоғида солишади.

Биттаси йиғлаб келса уйи томон,
Ота-она шовқин солар ундан ёмон.
Тотувлига қуриб кетсин, ўйини ҳам,
Худди шунга ўхшайди ушбу замон.

Ёмон дўстлик қазийди ўзингга гўр,
Ишонсанг унга, бир кун бўласан хўр.
Ори бор, уяти бор зўрға ишон,
Ўзи зўрнинг бўлади ҳиммати зўр.



Қозоқнинг қайси элининг бор сараси,
Қилт этсанг доим тайёр бир жаласи.
Хулкининг бир белгиси тухмат қилиш,
Йўқ бўлса ҳам беш бериб олти оласи.
(1886)

* * *


Қаридик, ғамга ботдик, уйқу сергак,
Аччиғинг худди захар, ўйинг кўлмак.
Дардлашишга киши йўк сўз уқарлик,
Ким кўнгилни кўтариб бўлар эрмак.

Ёш – қарир, йўк – туғилар, туғилган – ўлар,
Тақдир йўк, ўтган умр қайтиб келмас;
Босган из, кўрган қизиқ қола берар,
Бир худодан бошқанинг бари ўзгарар.

Мард иши ақлга кирмас, бўйни енгар,
Хунарсизнинг қилиғи чала кўрар.
Чин ўйламай берилиб бир иш қилмай,
Эринчок оқибатда кўпга кўнар.

Ёмонлар қилолмайди ҳалол эмгак,
Ғарлик, ўғрилиқ қилиб кулар тоза,
Ҳаром ишдан ёмонлик кўрмай қолмас,
Минг кун синмас, бир куни синар кўза.

Одамзод тирикликни давлат билсин,
Ақл топсин, мол топсин, ҳалол юрсин.



Икковининг бири йўқ, овул кезиб,
Хўрланиб, бекорга кун ўтказмасин.

Нодонлар бўш сўзларга кулоқ солар,
Чин сўзнинг фойдасидан четда қолар.
Рост сўзнинг ҳеч билмайди хосиятин,
Чинни қўйиб, йўқ сўздан лаззат олар.

Ақлик қора қилни қирққа бўлар,
Ҳар нарсага ўзидай баҳо берар.
Нодон киши ҳеч нарса билмай туриб,
Мақтаниб, кўча-кўйда кўкрак керар.

Халққа ичидан ёв, сиртдан кулар,
Тиригида дўстин сўкиб, ўлса йиғлар.
Бир-икки йўли бўлган киши кўрса,
Худо севиб яратган ушбу деяр.

Эл бузилса топади, шайтон ўрناق,
Фаришта пастга тушиб, қайғу емак.
Ўзимнинг истагимдан бўлди демай,
Енгдинг-ку, деб шайтонга қилар кўмак.

Кўлдан келса берарми юрт бошқармок,
Ҳалоллик, ҳаромликни ким тенг кўрар?
Шухрат учун ғайратсиз бўлис бўлмок,
Итдай бўлиб ўзига сўз келтирар.

(1886)

* * *


Қозоғим, шўрлик юртим, вайрон юртим!
Қоронғида йўл топмай, хайрон юртим!
Ёмон билан яхшини фарқ қилолмай,
Оғзида ҳам кон, ҳам мой сарсон юртим!

Қарасам, ажабтовур юзинг сенинг,
Нечун ахир, алдамчи сўзинг сенинг?
Доноларнинг ҳикмати писанд эмас,
Ғофил қолган, адашган ўзинг сенинг!

Тунда уйқунг бузилар, кундуз – кулкинг,
Дардинга эм бўлмади молинг – мулкинг!
Очкўзсан, тамақорсан, қурумсоқсан,
Бор савлатинг бошинга қийган тулкинг...

Бий бўлди қийқим бойлар бош-бошига,
Доғ солди, заҳар солди юрт ошига,
Қўрқаман, асоси йўқ кўр сингари,
Элим унар бузуклар алдашига!..

Оталарга ўхшамай қолди туркинг,
Ёпирай, мунча кетди, элим, хулқинг!
Бирлик йўқ, барака йўқ, бузилди феъл,
Қани йиққан давлатинг, боққан йилқинг?



Элат билан элат ёв бийлик учун,
Оға билан ини ёв сийлик учун,
Қозоғим, ўз-ўзингни ўнгламасанг,
Бадбахт кунга қолмасми тақдир бутун?

Мен нетай, ахир кимга умид боғлай?
Кўрқоқ қуллар юртида не бахт чоғлай?
Бир йўлчи топилмасми сарсон элга,
Мен излай, мен ахтарай, мен сўроқлай...
(1886)

* * *

Бозорга, караб турсам, ҳар ким борар,
Излагани на бўлса шу топилар.
Биров овқат олади, биров маржон.
Ҳар кимга бир хил нарса бермас бозор.

Ҳар кимнинг излаган бир нарсаси бор,
Чамалаб оқчасига шундан олар.
Биров уқмас бу сўзни – биров уқар,
Баҳосин фаҳм қилмай ҳайрон қолар.

Сўз уқар ушбу кунда киши борми?
Демайман сўзим юртга бирдай ёқар.
Ёзган сўнг ерда қолмас тешик мунчок,
Бировдан биров олиб, элга тарар.

Бир кишимас, ёзганим ялпи юрт-ку,
Ғижинмаёқ, чироқлар, уқсанг ярар.
«Ит маржонни на қилсин» – деган сўз бор,
Дили ўтли йигитлар бир ўйланар.

(1886)



* * *

Пошшо худой, сиғиндим
Аввал бошда ўзинга.
Ёв ёқадан олганда
Жон кўринмас кўзима.
Арғин, найман¹ йиғилса,
Ҳайрон қолган сўзима.
Ҳикмат сўзим хор бўлди,
Тўбиктининг ҳезига.
Самородний² сари олтин
Савдосиз берсанг, алишмас
Шалдираган жезига.
Шилдиروق сари қамқа³ни
Садағанг кетгир, сўрайди
Самарқанднинг бўзига.
Касалли тугун ечилса,
Манман бўйин кесилса,
Келиб қолар ўзига.
У ҳам худо бандаси,
Тушмай кетар дерминг
Тангрининг қурган тезига⁴

(1886)

¹ *Арғин, Найман* – уруғ-қабила номлари.

² *Самородный (русча)* – асл ёмби.

³ *Қамқа* – ипак мато.

⁴ *Тез* – бу ерда, тез айланадиган чархпалак, деган маънода.

* * *

Хўп ўйландим, тўлғандим,
Айбларим қўлга олдим.
Хулқ-атворга кўз солдим,
Текширай деб ўйландим.
Ўзимга ўзим ёқмадим,
Энди қайга сиға олдим?
Ўзим истаган хулқ-атвор,
Уларни қалай тия олгум?

Бўйдаги айбим санасам,
Тоғ тошидан оз эмас.
Юрагимни пайқасам,
Игначалик тоза эмас.
Арчиб олиб ташлашга
Тўрда турган соз эмас.
Бари – ўзимникидир,
Тангри солган ноз эмас.

Шунчалар аҳмоқ бўлганим –
Кўринганга қизиқдим.
Адолатли юракнинг
Адолатин бузибдим.
Ақл билан умиддан



Обдон умид узибдим.
Ҳийла, амал, шумликни
Марвариддай тизибдим.

Ялмоғиздай аланглаб
Ор-уятдан кечибман.
Кувлик, шумлик, ҳийлага
Куладиндай¹ учибман.
«Сиз биласиз» деганга
Кунга куйиб, пишибман.
Мақтанмасни мақтаниб,
Дебманки: «Мен – пишиқман».

¹ Куладин – куш номи.

* * *

Интернатда ўқийди
Талай қозоқ боласи.
Ёш ўспирин, кўкўрим,
Гўё қўлнинг саласи¹.
Болам закон билди деб
Қувнар ота-онаси.
Ўйига келмас уларнинг
Шариатга чаласи.
Рус тилини, ёзувин
Билсам дейди талаши.
Прощение² ёзишга
Тиришар келса чамаси.
Инсофсизга не керак
Ишнинг оқу қораси.
Нон топмаймиз демайди
Бўлинса элнинг ораси.
Иждихотсиз³, меҳнатсиз
Топилмас илм сараси.
Оз билганин кўпсинса
Кўп қозоққа эпсинса

¹ Сала – ховуч, кафт.

² Прощение (рус.) – Кечирिश, авф этиш, гунохидан ўтиш.

³ Иждихот (араб) – жаҳд, ғайрат, интилиш.

Кимга тегар панаси?
Ўрис-ку терс айтмайди,
Ёмон бўл деб уларни.
Қони бузук ўзи ўйлар
Қув ёки шум бўларни.
Ўрисда қолар жаласи¹.
Бу ишга ким виноват?
Ё Семейнинг қалъаси?
Ё қозоқнинг оласи?
Ўйида йўқ бирининг
Салтиков ё Толстой.
Ё тилмоч, ё адвокат
Бўлсам деган барида ўй.
Кўнглида йўқ санаси².
Акли кимнинг бор бўлса,
Демас буни тил аччи(к).
Айтингиз-чи, бўлсангиз
Здравомыслящий,³
Ақл айтмасми оғаси?

Фойда ўйлама, ор ўйла,

¹ *Жала* – тухмат, шубҳа, гумон.

² *Сана* – ақл, идрок, заковат.

³ *Здравомыслящий* – соғлом фикр юритувчи, ўйлаб иш қиладиган, ҳалол одам (рус).

Талаб қил ортиқ билишга.
Ортиқ билим – китобда,
Эринма ўқиб кўришга.
Военный¹ хизмат излама,
Ялтироқ кийим кийишга.
Бўш мақтовга тушай деб,
Бекор кўкрак керишга.
Хизмат қилма ўязга²,
Ёнмай ётиб сўнишга.
Қалай сабр қиларсан
Гуноҳсиз кунда сўкишга?
Хунарсизнинг қилиги –
Тўғри сўзин айтолмай,
Яхшиликка ботинолмай,
Хўрлик ила чиришга.
Оз оқчага ёлланиб,
Ўнгмас ишга алданиб
Йўл тополмай юришга.
Олис бўлса-да, излаб топ
Коренной³ ишга киришга.
Ҳалол юриб, ҳалол тур,

¹ *Военный (русча)* – ҳарбий.

² *Ўяз (русча «уезд»)* – уезд ҳокими.

³ *Коренной (рус)* – асосий касб, оилангни бокадиган кўлингдаги хунар, деган маъноларда.

Счётинг¹ тўғри келишга.
Жонингга ёкса эргашиб,
Ялқовланма юришга.
Қийшиқ бўлса – закон² бор
Судьяларга беришга.
У ҳам ўязной эмас-ку
Тенглик қилар дейишга.
Ё юзма-юз таваккал
Занимайся прямотой³.
Енгил кўрма, жаҳд керак
Унга ҳам илм, унга ҳам ўй,
Қаерда, нима қилишга!

(1886)

¹ *Счёт* (рус) – ҳисоб-китоб, яхши амалларинг деган маънода.

² *Закон* (русча) – қонун.

³ *Занимайся прямотой* – тўғрисўз, ортга қайтмайдиған одамларнинг ишини қил, деган маънода.

* * *

Бойлар юрар йикқан молин кўрғалатиб,¹
Ўз юзин, рангин бериб олар сотиб.
Ўнни олиб, тўқсондан таъма қилиб,
Бу юртни қўймаганми худо отиб.
Бориб келса Эртишнинг² сувин тотиб,
Бериб келса битта арз бутаб-чатиб.
Элни олиб, Эдилни олиб гердаяди,
Шишиб-куриб, қавариб келаётиб.
Нари-бери айланса оти ориклаб,
Чикинга белчасидан обдон ботиб.
Шум, сурқиё³, кув, билгич аталай деб,
Худо хумор қилибди ҳолсиратиб.
Кўриқласа, кўрқдими деб қўймаган сўнг,
Чоптиради қалъага бой онглатиб.⁴
Кучли – йиқар, бой – енгар аввалбошдан,
Кўлга тушар силласи обдон қотиб.
Жони аёвли яхшини қоптирай деб,
Ҳар ким бир ит сақлайди ириллатиб.
(1886)

¹ *Кўрғалатиб* – кўриқлатиб, қоровуллатиб.

² *Эртиш* – дарё номи.

³ *Сурқиё* – иккиюзламачи, золим.

⁴ *Онгллатмоқ* – пойлатмоқ, жосус ёки изқувар қўймоқ.

* * *

Кўнглим қайтди дўстан-да, душмандан-да,
Алдамаган ким қолди тирик жонда?
Олис-яқин козокнинг барин кўрдим,
Ёлғиз-ярим бўлмаса онда-сонда.

Фойда учун биров йўлдош бугун тонгда,
Турмайди у бошдан жиға кийшайганда.¹
«Мен бундан нимами ҳам аяйман?» – деб,
Ёнингда ким ҳам турар бу майдонда?

Ҳозирги юртнинг сўзи – ўғри-ғарлик,
Ақлли жон кўрмадим сўзни уғарлик.
Ушбу кунда ушбу элда донага йўқ
Меҳр қониб, маст бўлиб қувонарлик.

Бой юрар мол қизиғин била олмай,
Ёз юбориб, куз отини мина олмай.
Сабилтириб,² ўғирлатиб, из йўқотиб,
Иззаланиб иржаяр кула олмай.

¹ *Жиға* – бошдаги саллага, дубулғага такилади. Жиганинг кийшайиши – бирор қор-қол бўлганини билдиради.

² *Сабилтирмоқ* – кечаю кундуз минмоқ.

Савдогари юрар савдо қила олмай,
Қўлдан бериб, хор бўлиб, ола олмай,
Эл овлоқда хўп дегану, тўпда¹ тонган,
Орсиз юртдан энди кўнгли тўла олмай.

Эслилар бу ишлардан қувонмайди,
Эл озди дер, нодонлар мунгланмайди.
Ола илон, оч бақа гупилдоқлар
Одамми деб улуғдан уялмайди.

Бекликда² биров ўрнак бўла олмас,
У ҳам ҳеч ўғри-ғарни тия олмас.
Қаршилиқ кунда қилган тели-тентак³
Жазо тортмас, ҳеч ким сўроқ қила олмас.

Қардош юрар қора ерга тика олмай,
Бирининг сўзин бири маъқул олмай,
Қуда-томир, дўст-ёрон, хотин-боланг
Улар ҳам сен тарафли бўла олмай.

Бир кучли кўп тентакни йиқа олмай,
Ичда дарди ўт бўлар, чика олмай.

¹ Тўп – кўпчиликнинг олдида, деган маънода.

² Беклик – ҳукумат, бошқарув ишлари.

³ Тели-тентак – ёш тентаклар деган маънода.

Арок ичган, маст бўлган юртнинг бари
На фойда, на зарарни била олмай.

Ёз етилган яйловга қўнолмайди
Куз фасли жанжалсиз бўлолмайди.
Қиш қишлови – у ҳам бир қизил бало,
Ўралса ҳеч бир чорва ўнголмайди.

Ёши кичик улкандан уялмайди,
Сўрамсоқлар¹ нафсини тиёлмайди.
Салом – бу бурч, сўз – қувлик бўлдими, бас,
Ҳар ким сиртдан сўз бўлар, синалмайди!
(1886)

¹ Сўрамсоқ – тиланчи, ландовур, ишёқмас.

* * *

Ўлан – сўзнинг пошшоси, сўз сараси,
Қийиндан қийилтирар эр доноси.
Тилга енгил, юракка илиқ тегиб,
Теп-текис, силлик келсин айланаси.

Сараланмай булганса сўз ораси,
Бу – оқиннинг билимсиз – бечораси.
Ҳам оқин, ҳам тингловчи кўпи нодон,
Сўз танимас бул юртнинг бир бораси.
Сўз боши аввал ҳадис, оят бўлур,
Шираси ҳам маъноси ғоят бўлур.
Пайғамбар ҳам сўзини ўлан қилган;
Ўлан айтай, шоядки кўнглим тўлур.

Ўландай хутба ўқир кекса мулло,
Ўлан айтиб йиғлаган валиюлло,
Ҳамма ҳам, чамасича, ўлан ўқир,
Ўлан билан ёзилган калимулло.

Ўланга ишқимиз бор қадим чоқдин,
Лекин қандай наф бўлар мақтанмоқдин!
Ичи зар, сирти кумуш сўз яхшисин –
Келиштирар ким ҳам бор мўл қозоқдин?..

Сўзни чертиб сўзласанг ҳар ким сийлар,
Мақол кўшиб сўзларкан кекса бийлар.
Оқинлари беакл, нодон экан,
Бекор сўзни теридай нукул ийлар.

Кўлида ҳам кўбизи, ҳам дўмбира,
Ҳаммага мақтов ўқир, қўймас сира.
Ўлан айтиб хайр тилар элни кезиб,
Сўз кадрин ерга урар, бўлиб хира.

Мол учун сўзни безар, виждон сотар,
Мол учун бўйин эгар, молдай ётар.
Мол учун ҳам алдайди, ҳам аврайди,
Э, худо, шу оқинлар қачон котар?

Бойларни мақтай бериб сўз қолмапти,
Ўлан айтиб, мол йиғиб, бой бўлмапти.
Ўланнинг кадри кетди эл ичида,
Қадрини кеткизганлар йўқолмапти...

Кекса бийдек мақолга бурмагайман,
Ё оқиндек хайр тилаб юрмагайман.
Сўзим – ўзга, тингловчи, сен ҳам тузал,
Бехуда гапдан суҳбат қурмагайман.



Эл чопган ботирлардан сўйлаб берсам,
Ошиқлар, маъшуклардан куйлаб берсам,
Анчайин ҳангома деб тинглардингиз.
Сўзларнинг сарасини сўйлаб берсам...


Аммо, ақл чақирилмаган меҳмон эмиш,
Ақли борга бундай умр зиндон эмиш...
Кечиринг, нодонларга тегиб ўтсам,
Бу элда тўғри айтган ёмон эмиш...

Тўғри сўзлик ўланам ўзинг кўркам!
Майли, татимаса ҳам сўйла бардам...
Бу юрт сўз ошиғимас, мол ошиғи,
Розиман, мингдан бири тушунса ҳам...

Ўзи билан ёвлашган юртим, тингла!
Ўзи билан довлашган юртим, тингла!
Дардингга даво бўлсин ўланларим,
Бир-бирини овлашган юртим, тингла!

Нахот сенда қолмаган номус ва ор?
Нахот номус ва инсоф эмас даркор?
Теран ўй, теран илм йўлинг очсин.
Ёлғон ўлан ва сўздан олам безор...

(1887)



* * *

Қалин соч, орқасига тушган ўрим,
Кокилин қоқиб аста юрса пўрим.
Сувсар бўрик, оқ томок, қора қошли,
Кўрдингми сулув қизнинг шундай турин?

Жовдираган қора кўзи ойнадайн,
Юракни ловуллатар кўрган сайин.
Момикдайн оқ бадан, очиқ юзли,
Маржон тишли кўрдингми қизнинг ҳолин?

Хипча бел, сарвиқомат, нозик оёқ,
Бундай соҳибжамол бўлади ноёб.
Пишган олмадайн ширин қизни,
Бўламан ҳар сафар кўргандаёқ.

Агарда кўлинг тегса билагига,
Гупириб қон уради юрагинга.
Юзингни яқинлатсанг дудоғига,
Жимири етиб борар суягинга.

(1888)



* * *

Ёришмас қора кўнглим не қилса ҳам,
Осмонда ой билан кун ёришса ҳам.
Дунёда, сира сендай менга ёр йўқ,
Сенга ёр мендан ортиқ топишса ҳам.

Шўрлик ошиқ сарғайса ҳам, соғинса ҳам,
Ёр тониб, яхши сўздан янглишса ҳам,
Чидайди ризо бўлиб ёр ишига,
Хўрлик билан мазахга солинса ҳам.

(1888)



* * *

Мен ўланни ёзмайман эрмак учун,
Ўтган-кетган гапларни термак учун.
Мен ўланни ёзаман тушунганга,
Авлодимга бир сабоқ бермак учун.
Сўзимни тентак укмас, зийрак уқар,
Кўнглининг кўзи очик, сергак уқар.

Қийшиқ-қинғир йўллардан келма менга;
Тўғри кел, кўп сир очиб ташлай сенга.
Эҳтимол, биринчи гал укмассан ҳам,
Ўлан алифбесидан бошлай сенга.
Айтиб кўяй, ёкмаса шу замоноқ айт;
Янги ўлан сўрамай, овулингга қайт.

Мен ўланда афсона куйламадим,
Олтиндан куйма қизни ўйламадим.
Кексаларга ҳеч ўлим тиламадим,
Ёшларга ёмон бўл, деб сўйламадим.
Жирканмайин, сўз аслин мендан сўра,
Сўзимнинг таги теран, пайқаб қара.

Ота билан олишган – одам эмас...
Саргардон ҳам саёқлар ҳеч кам эмас.



Ватансиз, нодон, молсиз етиб-оргар,
Хотинбоз, куруқ савлат, сир ҳам эмас,
Қозоқда бангилар ҳам чиқиб қолди.
Беҳунар хангилар ҳам чиқиб қолди.

Ўлан кўп, тузсиз ўлан тегди жонга,
Ёлғон гап тегиб кетди бу жаҳонга.
Оқинларга, ялинаман, ақлга кир.
Асл сўз, сайлаб сўйла ёш инсонга.
Ўлан бор – ўланларнинг ўланидир.
Ўлан бор – бемаънидир, бемаънидир.

(1889)



* * *

Қалбингда ўтинг бўлса
Ушбу сўзга бер кўнгул!
Агар ўтинг бўлмаса
Майли тирил, майли ўл!

Танимассан, кўрмассан,
Кўз-ўтингни босса кул.
Имомсизлик намозда
Қизилбошдан¹ қолган ул.

Чувлаган эл не топар
Бошқармаса битта кўл,
Баракали бўлса эл,
Ёқаси яйлов у бир кўл.

Япроқлари чайқалиб,
Ўйнаб турар эсса ел.
Ён-берига гуркираб,
Қуйиб турса оққан сел.

Унинг моли ўзгадан
Ўзгача бўлиб ўсар ул.

¹ Қизилбош – эронийлар.

Баракаси кетган эл
Суви сассик, ботқоқ кўл.

Қушлар қанкиб ёқалаб,
Бола очмас сира ул.
Унинг сувин ичган мол
Ичи кетиб ошмас бел.

Кўл деб, уни ким айтар
Суви қурсин, у – бир чўл.
Единица яхшиси
Эргашган эл шундай ноль.

Единица нолсиз-ок
Бош-бошдоқлик бўлар ул.
Единица бўлмаса
Нима бўлар хамма ноль?

Баракангни қочирма,
Эл тинч бўлса яхши шул.
Тўғри сўзга талашиб,
Оқ ем бўлма, жоним бўл!
(1889)



ЙИГИТ СЎЗИ

Салом бердим, қалам қош,
Сенга қурбон мол ҳам бош.
Соғиниб, сени ўйлаб,
Кўздан оқар қайноқ ёш.

Сендан ортиқ жон туғмас,
Туғса туғар – ортилмас.
Бир ўзингдан бошқага,
Ошиқлигим айтилмас.

Асл одам айнимас,
Ишқ ўтидан қайрилмас.
Кўрмасам ҳам, кўрсам ҳам,
Кўнглим сендан айрилмас.

Кўзим ётга қарамас,
Ёш ҳам менга ярамас.
Тор тўшакда тўшингни
Искармидим яланғоч!

Ийғимда сумбул соч,
Қучоклашсак биз бирпаст.
Лаззат олсак бўлмасми?
Кўз юмилган, кўнгил маст!



Сизда ноз, бизда ихлос,
Шу сўзимнинг бари рост.
Сиздай ёрнинг дунёда,
Лаззатига жон тўймас.

Этинг этга текканда,
Даминг тийиб суйганда.
Тан жимирлаб, бўй эриб,
Ичим ўтдай куйганда.

Юрак эриб ийганда –
Ички сирни туйганда –
Излаб топар шунқорман,
Гўзалимни кувганман.

Жоним, хижронни йўқот,
Қараб тўймайман юз қат.
Иссиқ тийиб борасан,
Бир соатдан – бир соат.

Сиз қирғовул жез қанот,
Гул юзингни бир қарат.
Яқинлай бер ёнашиб,
Хуморимни бир тарат.

(1889)



ҚИЗ СЎЗИ

Келиштириб мақтайсиз,
Ўйласанг на топмайсиз?
Бизда эрк йўк, ўзинг бил!
Алла нега бошлайсиз!..

Биз ҳам одам пайқаймиз,
Биз мардларни ёқлаймиз.
Сиздай асл гез келса,
Қайтиб бошни чайқаймиз.

Ақллисан, сўзинг бой,
Сиз ёлқин чўғ, биз бир мой.
Иссиқ сўз кирди ичга,
Мой турарми эримай.

Қабул кўрсанг кўнглим жой,
Ташлаб кетсанг, ё пирим-ой!
Ит хўр одам бўларми?
Бу дунёда шўрлигингдай.

Тилагимни бермасанг.
Амалим не, ерласанг,
Ўргатмагин бўйингга,
Аниқ яхши кўрмасанг.



Асл ошик эрга тенг,
Қора кўнглим ерга тенг.
Сенсиз менга ёт тўшак,
Бўлар худди гўрга тенг.

Сиз бир шункор шоҳпарвоз,
Ер юзидан олган бож.
Биздай ғариб ҳисобсиз,
Кўйингда юрар муҳтож.

Тол чивикдай ўралиб,
Гул шоҳидай буралиб,
Салмоғингдан янчилиб,
Қолсин хумор бир қониб.

Буни ёздим ўйланиб,
Ўйда бордан тўлғаниб,
Ёкса дилга ўқий бер,
Йигитлар, қўлга олиб.

Буни ўқиса ким таниб,
Юрагида ўт ёниб,
Сўз уқарлик жон топса,
Айтса бўлар куй солиб.

(1889)



* * *


Маст бўлади бўлисинг
Орқага улуғ қоққанга.
Ялтиратиб ўрисинг
Унвонли чакмон ёпганга.

Кунда яхши бўларми
Бир қилиғи ёкканга?
Зарбоф тўнлар тўларми
Ор-уятин сотганга?

Кулимсираб қакқаяр
Тушдим дея мактовга.
Танг қоламан қампайиб
Йўқни борга чатганга.

Уйи маст бўп, қўй сўйди
Суюнчига чопганга.
Овора қилди, ўй солди
Уйда тинч ётганга.

Ҳеч нарса эмас юпанар,
Ақл кўзи-ла боққанга.
Ёш боладай қувонар
Бир таъмли ош топганга.



Кўзи борлар кулади
Шундайда к..ин очганга.
Бўйидаги хислатни
Бекор тўкиб-сочганга.

Кувонарлик қиз эмас
Ялтироқ нарса таққанга.
Ўзгаларни, биз эмас
Туширмоқчи қопконга.

Шу ҳам ҳисоб бўларми
Ор ва обрў топганга?
Миянг бўлса, йўлама
Бўш иликни топганга.

Бир беш нодон, ўнгмассан
Ўнта бошни қўшганга.
Шошил, ёмон бўлмассан
Ёмонликдан қочганга.

У «бўлдим-ов!» дейверар,
Кет ўйнатиб ҳар жонга.
Аланглаб ҳам қарайди
Кўз олартиб осмонга.



Жойи маълум чўчканинг,
Туртганига чўчима.
Бир илимдан бошқанинг
Касали кўп ошганга.

Ундан умид ким қилар,
Йўл топар деб шошганда?
Ундай одам йўлиқар
Кўп ўтма-ёк тўсганга!¹

(1888)

¹ «Тўсик» деган маънода.

КУЗ

Сур булут, ранги совук, тўлар осмон,
Далани кучоғига босар туман.
Тўйганданми, билмайман, тўнганданми,
Уюр-уюр йилкилар чопар ҳар ён.

Майсазор йўқ, тараса, елларда соч,
Тиланчидай куп-қурук ҳар бир ёғоч.
Гўдаклар шовқин солмас, югуришмас,
Чўл ёниб кетган каби кип-яланғоч.

Бировлар – пўстин тикар, териси мўл,
Бировлар – жулдур чакмон, кезади чўл;
Бой учун кийгиз босар гала чўри,
Бировлар куни учун олади йўл.

Турналар тўп-тўп учар тушлик ёкка,
Сарбони бор карвонни бошламоққа.
Қай овулга бормагин, ғусса тўлик,
Ел ўшкириб чопади тоғдан-тоққа.

Кўнгилсиз қора совук, кирда юрсанг;
Биров келиб қарамас ёлғиз ўлсанг.

Гўдаклар оч, инграшар кампир ҳам чол,
Итлар ҳам оч увлашар қайда кўрсанг.

Ёз ўтди айрон ичиб яйловларда;
Олов йўк, бу чок кора ўтовларда.
Шўринг курсин, қозоғим, шўринг курсин,
Молинг мўл, оч кезасан қишловларда.
(1888)



* * *

Ёз кетди, кишнинг боши, дала бежой,
Қора ел сўкиб турар бир-икки ой.
Қор тушгунча яйловни фойда кўриб,
Қишловдан ҳамон нари ўтирар бой.

Гадоё шўрлик юради пода бокиб,
Ўтини йўқ исинса олов ёкиб.
Хотин урчук йигирар, юнг савалаб,
Чакмон тўқир совуқда елка кокиб.

Жулдур ўтов ичида музлар гўдак,
На қуюқ, на суюғи... бўзлар гўдак.
Чурук кийгиз остида титрар бобо.
Тушида гўшт кўрганини сўзлар гўдак...

Қари қўй сўйдирар бой бахиллига,
Оч юрибди камбағал ақллиги.
Уришмайин ярим коп кий берса ҳам,
Қўйчи бойнинг каттакон сахийлиги...

Бўронда ҳам тўнгмайди бой боласи,
Овлоқ жойи – қозоқнинг кенг даласи.
Қарол ўғли бош букар хизматида,
Писанд эмас кўз ёши, оҳ-ноласи.



Соядай ҳам ўрни йўк бой уйида,
Сорқўтга ҳам ишонмас шу кўйида,
Лекин узоқ кетолмас, чораси йўк,
Ё раббий, ҳар ким кулсин ўз тўйида!

Бой бўлса ўз ўғлидан кўнгли тўлик,
Ҳар дам мақтар: азамат, жуда бўлик...
Ошин эплаб ичолмас, ит боласи, .
Қарол ўғли оч ётар, ранги сўлик...

Қаролига бермайди бой парча нон,
Хизматга ҳам хайри йўк, ёвуз хайвон,
Меҳри йўк, инсофи йўк, имони йўк,
Нега одам яратдинг, қодир мавлон!

Қароли оч ўлса не, бой ўзи тўк,
Ҳақ танимас, бағринга қадалсин ўк!
Ёш бола, кампир, чолни тентиратмай,
Ҳеч бўлмаса бир қиш боқ, инсофи йўк!

(1888)



КЎКЛАМ

Кўклам келса, қолмайди кишниг изи,
Кулф урар кўкаламзор ернинг юзи;
Жон киради борлиққа, табиатга,
Она янглиғ жилмаяр куннинг кўзи,

Кулишар, ўлан айтар йигит-яланг,
Ўтовда ўтиролмас қари-қартанг;
Жон-жонивор, одамизод яйраб кетар.
Кушларнинг кўшиғидан ҳаво жаранг.

Қирдаги, сойдаги эл аралашар,
Қўй кўзилаб, оёққа ўралашар,
Қиш бўйи бир-бирини кўрмаганлар,
Кучоклашар, ўйнашар, ҳол сўрашар.

Туя бўзлар, от кишнар, кўра шов-шув,
Капалаклар гул излаб учар дув-дув.
Етти рангли гиламдай яшил тусда –
Сулув қиздай буралиб оқади сув.

Кўл ёқалаб учишар ўрдак ҳам ғоз,
Уя излаб югурар бола шоввоз;
Учқур отни эгарлаб кўлга тушсанг,
Чакмоқдай тез ов олар бўз довулбоз.



Қанжиғада ўлжаси – овчи қайтар,
Сулув қизлар нозланиб, салом айтар.
Қуш гўштига мос тушар нордон қимиз,
Баданингни болкитар, жимирлатар.

Кўкламдай кийинишар келинчаклар,
Чаккасида гунафша, бойчечаклар,
Қирда тўрғай сайраса, сойда булбул,
Гул билан тўлиб кетар – тул этаклар.

Дехконлар қўш қўшади, экар экин,
Ҳафта ўтмай кўқарар экин-тикин,
Савдогарлар мол юклаб, туя қўмлаб,
Олис-олис йўллардан келар секин.

Оламга безак берган қодир мавлон,
Ер – она, қуёш – ота, нури жаҳон,
Онадай эмиздирар кўксидан ер,
Отадай меҳр тўқар ёруғ осмон.

Булут ўтса ариллаб оқади сой,
Кечаси чаман юлдуз ва тўлин ой,
Не қилсин қоронғида ярқирамай,
Қуёш чиқар чоғида ҳолига вой.




Куёш – ошиқ ерни кўп севар эмиш,
Ер ишқида ўртаниб, қуяр эмиш,
Ошиқ йигит уфқдан кўринганда,
Юлдуз ва ой севгини кўяр эмиш.

Ошиқ куёш тун бўйи кутар эмиш,
Висол пайтин пойлаб кўз тутар эмиш,
Сахардан оғуш очиб севганини,
Муҳаббат оловида ўртар эмиш...

Қиш бўйи ер – куёшни излар мушток,
Кута бериб сочлари бўлармиш оқ;
Кўклам ва ёз васлига қониб тоза,
Гул очилиб, тўлишармиш, етмай кучок.

Куёшга тўғри боққан – кўр бўлади,
Куёш кулса оламга нур тўлади.
Не билай, ўзим кўрдим, куёш ҳар кеч –
Олтин чодирига кириб дам олади.

(1890)



* * *

Сулувлар сараси,
Кўзимнинг қораси!
Қийнайди жонимни –
Муҳаббат яраси...

Қозоқнинг доноси, –
Улуғи, оғаси,
Дер: «Унга тенг келмас –
Ҳеч одам боласи...»

Йиғлайман, бўзлайман.
Дардимни сўзлайман,
Сен учун сўзларнинг
Гавҳарин излайман.

Дардимни кўзгайман,
Ҳажрида тўзмайман.
Ўзи ҳам билмасми,
Гапни кўп чўзмайман.

Ўзи хўп билади,
Ҳар замон келади;
Сир бермай, сўз демай,
Бағримни тилади.




Оқади кўз ёшим;
Йўк ёлғиз мунгдошим,
Куяман, ёнаман,
Айланар шўр бошим.

Шунчалар ситамми?
Шунчалар аламми?
Юракда ўти йўк –
Одам ҳеч одамми?

Кўркингнинг доғи йўк,
Доғ тушар чоғи йўк;
Арзимни айтайин,
Хоҳ тушун, хоҳи йўк.

Оқ манглай, қалин соч,
Соч деган бир қулоч,
Қирмизи яноқлим,
Қароғим, юзинг оч!

Сув бўлиб оқишинг
Ҳам қия боқишинг –
Оромим олибдир,
Токай жон ёқишинг?



Расо бўй, хипча бел,
Қайрилар эсса ел;
Токай мен оҳ урай,
Қароғим, бери кел!

Сен кулсанг – ёз бўлур,
Ҳасратим оз бўлур.
Қулиб қўй, очилиб,
Токай бу ноз бўлур?

Дардингда юраман,
Азоблар кўраман,
Мол тугул, йўлингда –
Бошни ҳам бераман.

Гул хидинг анқийди,
Кўркинг нур чалқийди;
Узоқдан кўрганда –
Суягим балқийди.

Мақташга сўзим йўқ,
Сўзлашга юзим йўқ;
Қуёшдай гўзалим,
Қарашга кўзим йўқ.



Сенсан – жон лаззати,
Кўрк – тангри давлати;
Сулувни севмоклик –
Пайғамбар суннати.

Кулок сол додимга,
Оху фарёдимга;
Кўнглимни очдим мен –
Сен паризодимга.

У ёғни ўзинг бил;
Майлига, бағрим тил,
Узун гап қисқаси –
Кетганман сенга зил.

Йиғлатмай бекарор,
Зероки, бўлсанг ёр;
Қулишинг, келишинг,
Қилади кўп хумор.

Тайсалган – йигитмас,
Жавоб айт бу нафас...
Худоё, юрагим
Ёнишин қилгин бас!..

(1891)



* * *

Талай сўз бундан бурун кўп айтганман,
Тегин ўйлаб, кўп қайғу еб айтганман.
Ақллилар орланиб уялган-чун,
Ўйланиб, тузаларми деб айтганман.

Қозоқнинг бошқа юртдан сўзи узун,
Бирининг бири тездан укмас сўзин.
Кўзнинг ёши, юракнинг қони билан
Эритишга бўлмайди ички музин.

Дўстим-ай, ҳаволанмай сўзга тушун,
Ўйлан-чи сиртин кўйиб, сўзнинг ичин.
Иржангламай тингласанг ниманг кетар,
Чиқарган сўз эмас-ку жинни учун.

Адашиб аланглама йўл тополмай,
Берирок тўғри йўлга чиқ қамалмай.
Ё илм йўқ, ёинки меҳнат ҳам йўқ,
Энг бўлмаса кетдинг-ку мол боқолмай.

(1895)



* * *

Севги тили – сўзсиз тил,
Кўз билан кўр, дилдан бил,
Бир караш, ё бир имо –
Етар... Боғланар кўнгил!

Билардим бу тилни мен,
Овлардим кўп дилни мен:
Унутдим: бу тил сирич,
Ва сочи сунбулни мен...

(1894)



* * *

Баъзи ўсмир замондошлар хафа қилар,
Уқуви йўқ, ҳар қадамда хато қилар.
Ор-номуси, тоқати йўқ, ишончи йўқ,
Тайини йўқ, фақат кайфу сафо қилар.

Ёмон билан яхшини фарқ қилса, кошки,
Ёки дину диёнатин билса кошки;
Қасам ичиб, лоф уриб излагани
Бир от билан ошдан нари жилса кошки.

Бундай ёшлар ўз юртининг кўрнамаги,
На ўқийди, на бир хунар ўрганади.
Меҳнат қилмай, бир амаллаб мол топмоқчи,
На имону на инон бор, сургалади.

Унда уни алдайди у, бунда буни,
Жон берсанг ҳам, топилмайди сўзнинг чини.
Гумдон бўлса, элга қиттак зиён келмас,
Бир семизроқ от бўлади унинг хуни.

(1894)



* * *

Оч киши тинчланарми тўймагунча,
Тўқ киши то ёрилиб ўлмагунча?
«Бир тўйсанг – чала бойлик» деган қозок,
Эт топса – қўймас ҳолдан тоймагунча...

Меҳнатсиз, ҳаракатсиз, шўрлик қозок!
Овқат излаб тентирар, гадо – кашшок.
Тушларига киради кимиз ҳам гўшт.
Йўқчилик гирдобига тушган шундоқ!

Бўлсайди кимиз текин, ҳам гўшт арзон,
Ундан ҳам ширин овқат қилар армон...
Тер тўкиб, кун кўрмоқлик – одат эмас,
Тиланчилик, эй тангрим, қандай ёмон!

Ҳоли йўқ ўз уйида ўт ёқишга,
Тентирар қарамайин қора қишга;
Бир суягу бир оёқ кимиз берган –
Дарров боғлаб солади мол боқишга.

Не илож, ётга ёллан, мол топиб кел...
Молинг бўлса, сийламай туролмас эл...
Ёшлиқ ўтган беҳуда ва бемеҳнат,
Ёшлигинг ўтган изсиз мисоли ел!



Хунари бор – ҳеч кимга қарам бўлмас!
Эринчак ҳеч қачон ҳам одам бўлмас!
Эшак думини ювсанг ҳам, ҳалол меҳнат,
Ҳалол меҳнат – ҳеч қайда гуноҳ эмас!

Ўғри бўлиб яхши тўн киёлмассан,
Бир ўргансанг нафсингни тиёлмассан;
Давлат кетар, ор билан номус кетар,
Аммо, чивин жонингни киёлмассан.

Баъзига қувлик билан давлат битар,
Баъзилар то ўлгунча тилаб ўтар.
Меҳнат қилмай топганинг – давлат эмас,
Қор сувидай бир зумда оқиб кетар.

Қасам урган қувлардан нари юргин!
Тиниб окмас сувлардан нари юргин!
Бу юртда тиланчи кўп, эринчак мўл,
Меҳнат севмас... Улардан нари юргин!
(1895)



* * *

Ёшлик ўтди, билдингми?
Йигитликка келдингми?
Йигитлик ўтди, кўрдингми?
Кексаликка кўндингми?

Ким билади, шум така,
Не гуноҳлар қилгансан.
Не қилмишлар билгансан,
Қай кўчага киргансан,
Не йўллардан юргансан.

Ким билади, шум така,
Тугал бадбахт бўларсан,
Оғилда ўлган туядай,
Сен ҳам ҳаром ўларсан.
(1895)

* * *

Соатнинг чиқиллаши эмас эрмак,
Ҳамиша умр ўтганин у билдирар.
Дақиқа – бир инсоннинг умри демак,
Ўтди – ўлди, тақдир йўқ қайта келар.

Соатнинг ўзи ўғри – чиқиллар у,
Умрни билдирмасдан ўғирлар-у.
Тияноқ йўқ, суянч йўқ, келди – кетди,
Қайта айланмас, бурилмас мужмал вақт бу.

Ўтган умр белгиси ўша шивир,
Кўнгилни кунда синдир, ёки тиндир.
Ақл аниқ пайқайди қилиғингни,
Кувдай қоқдинг беҳуда гумбур-гумбур.

Кун йиғилиб ой бўлди, ўн икки ой – йил,
Йил йиғилса – қартайиб қолганинг бул.
Ишонган суянч даврон ёлғон бўлса,
Ёлғони йўқ эй Тангрим, кенгчилик қил!
(1896)

РАҲИМЧОЛГА

Сулув отнинг кўрки – ёл,
Одамзоднинг кўрки – мол.
Умр сурган кишига,
Давлат – кизик, бола – бол.

Бол бўлгудай бола бор,
Бол бўларми Раҳимчол?!
Буйтиб берган болангни,
Берган Худой, ўзинг ол.
(1896)

* * *

Молга дўстнинг ғами йўқ молдан бошқа,
Оларида чора йўқ алдамасга.
Қаерда пулни кўрса топинади,
Одамлар лаънат ўқир ундай пастга.

Мол ёяди шуҳратин билдирмокка,
Кўз-кўз қилар мол билан куйдирмокка.
Ўзи чўчка, ўзгани ит деб ўйлар,
Сув шўрва, суяк билан суйдирмакка.

Ақлли, хушфеълли ва орли деб,
Мақтамайди ҳеч кимни бу кунда кўп.
Шу кунда мол қаерда, гўнг ичида.
Олтин берсанг, беради гўнгидан еб.

Шуни ўқиб ўйлай бер бўлсанг зийрак.
Кучингни сот, ор сотиб нега керак?
Уч нарса одамзоднинг хосияти,
Зўр ғайрат, ёркин ақл, илик юрак.

(1896)

* * *

Курук хов-хув бақирган
Кулоққа ан¹ми шу?
Хунарсиз хайқирган
Кишига шонми шу?

Онт урган нодонлар
Не деса – жўнми шу?
Бўш ўтган хор кунлар
Умрга сонми шу?

(1897)

¹ Анг – қўшиқ.

* * *

«Мен бўламан!» – деманглар,
Гердайиб оёк босганга.
Икки кўзинг олайиб,
Қараб қолсин осмонга.

Бир олимдан бошқанинг
Бари-да касал мақтовга.
Ундай одам йўлиқар
Кечикма-ёқ бир ғовга.



* * *

Мен салом ёзаман
Қароғим, эркама.
Қайғунгдан озаман,
Борганлар айтарма?

Кун бўйи кутаман
Келар деб хабаринг.
Қайғурмай нетаман,
Бизга йўқ назаринг.

Кўнглимнинг юпанчи,
Сен эдинг бозорим.
Сенсиз йўқ қувончим,
Тўзади рухсорим.

(1897)

* * *

Эркам-ай, мен индамай юраман кўп,
Ўйлама: ўтсиз, ўйсиз, совук жон деб.
Юракдаги оловни кўздан ёшдай
Оқизсам – у нимага бўларди сеп?

Онт урган эл кўзига тик қарайман,
«Шу ишқимни сўкар-ов» деб ўйлайман.
Юрагимни мазаклаб-кулиб юрган
Орсизларни «дўстим» деб нега аяйман?

Ичимда қайғу билан кўз ёшим жам,
Одам йўқ, кимга дардим айтай десам.
Аёл киши – гулга тенг, уни севдим,
Кўзидан ёши томса – дардимга эм!

Кўнглинг учун тайиндир жойим менинг,
Душманлигинг йўқдир-ов менга сенинг.
Агар менинг ичимни ёриб кўрсанг,
Йиғиларни унутиб, чўчир эдинг.

(1898)



* * *

Хаста юрак уради хеч шошилмай,
Чарчаб қолган вужудни бошқаролмай,
Баъзан иссиқ қон босиб кетар уни,
Бедор ўтган тунларда тинчиёлмай.

Қоронғи, сангров ўйни қайғу енгган,
Эркалик ва дўстликни оғирсинган.
Акли йўқ ўша орсиз чувиллокни
Кунда кўриб, гавдаси хўб жирканган.

Ўтганни тирилтириб, тағин чўллаб,
Ушбу кунни кун демас айблаб, қаргаб.
Гоҳо тилар бахт билан яна тинчлик,
Гоҳ қайғу, гоҳ азобни юрар излаб.

Гоҳо ўйлар йиғлаш-чун қайғу-зорин,
Нотинч кунда эслайди дарднинг барин.
Гоҳ унисин яширар кўздан нари,
«Йўқотар» деб мазахлаб бетнинг орин.

Хаста юрак уради секин, бежо,
Ичга тикқан дардини билдиролмай.
Гоҳо уни иссиқ қон босиб кетар,
Гоҳо бирпас тин олар ун чиқармай.

(1898)



* * *

Эсингда борми ёш кунинг?
Кўкракда шиддат, бошинг бўш.
Қайғусиз, ўйсиз, маст кунинг,
Кимни кўрсанг – бари дўст.

Муҳаббат, қизик, бахт, дунё,
Кўринар ҳаммага тенг гўё,
Умид якин, кўнгил оқ –
Бўларми шундай қизик чок?

Худо-ёв, қайда шул йиллар –
Муҳаббат, қизик мўл йиллар.
Оҳиста-оҳиста чекиниб,
Олислаб кетди курғирлар!

Ялинасан, йиғлайсан,
Соғинасан, йўқлайсан,
Қизиклар кетди, дўст кетди,
Ета олмайсан, тўхтайсан.

Кўзимга ёш бер, йиғлайин,
Чидам бер, сабр қилайин!
Ярали бўлган юракка
Даво бер, ямаб синайин!

(1899)



* * *

Юракда кўп ғазна бор, бари яхши,
Худди денгиз тубидай, қараб бок-чи:
Шул юракдан илиқлик, дўстлик билан
Булоқ каби, оламга таралмоқчи.

Жон чўллайди ўзинг-ла танишгунча,
Биридан бири улашиб олишгунча.
Хуморланар севишар юрак топиб
Қитиқсиз қизик ила бош қўшганча.

Юртнинг сўзи: тақдирга одам кўнар,
Бир онт урган эрксиз ерга келар,
Сенинг ўша қизигинг, қувонишинг
Сароб каби йўқолиб тугалланар.

Баайни хазинани бир ёв олар,
Юракнинг хазинаси қуриб қолар.
Жиддий ақл юракка буйруқ бериб,
Уни бир ўзи ўзгача йўлга солар.

Юрт айтган ўша замон келса керак,
Мен банда ҳам иложсиз кўнсам керак.
Кизиғи зўр хайратда қолган дўстлар,
Сиз ўлдингиз, мен дағи ўлсам керак!

(1899)



* * *

Юрагим менинг қирк ямок,
Хиёнаткор оламдан.
Қандай қилиб бўлсин соғ,
Кўнгил қолган ҳаммадан.

Гоҳо ўлди, гоҳ бўлди ёв
Кимни севса бу юрак!
Бари душман, йўлга ғов,
Суянишга йўқ тиргак.

Етиб келди қарилик ҳам,
Уни тўсар куч қайда?!
Дўст бўлмас қалби беғам,
Ундан бизга йўқ фойда.

Эй, юраги дардли одам,
Қалбимдан сен хабар ол:
Унда не бор,
қандай ғам
Тилга кирар,
қулоқ сол.

(1899)



* * *

Ошиқлик излаб тентима,
Оз кун овора неси иш?
Қара ўзингинг ортингга,
Ўтган умр – худди туш.
Ёр бўлса, бўлсин ўлгунча?
Қувонч ҳам, ғам ҳам ўткинчи!
(1896)

* * *

Нурли осмонга интилиб ўсгансан сен,
Гурурланиб, қайғулардан безгансан сен.
Худди шундай баҳор чоғи майсаларнинг
Куёш сари рағбатини сезгансан сен.

Шундан бери кўп раҳмсиз йиллар ўтди,
Ўроқ они, йиғим-терим они етди.
Иссиғини, совуғини – барин кўриб
Мунглиғ кўнгил қайишмасдан ғайрат этди.

Оғир ўйлар азобида қийналиб жон,
Қайғу, ҳасрат чеҳрангга из солмиш аён.
Дони тўлик бошаклардай, у ўйлар ҳам
Сенинг бошинг эгмак истар ерга томон.

Тирик жон-ку ўлмакликка рози бўлмас,
Гўёки у бир умрга яшар, ўлмас.
Ажал келиб човут солса, жонни олса,
Умр қайда, сен қайда – бир ўйласанг, бас.

Одам зоти бугун одам, эрта – тупроқ,
Бу кун умр яшнаб турар, алдов – бирок.
Эрта ўзинг қаердасан, билармисан,
Ўлмак учун туғилгансан, ўйла, чирок.

(1899)



* * *

Бўгинсиз тилинг,
Бўғувли сўзинг.
Ишончдир одам ўғлига.

Кишининг сўзин
Уқиб ол ўзинг
Қийшиғин тузаб тўғрига.

«Сезувчан кўнгил
Ва иссиқ юрак –
Топаман» – де, қил сабр.

Бир яхши дўст
Жудаям керак –
Фикри ва тили бўлса бир.
(1901)

ЭШАК

(Криловдан бошқача)

Қирк-эллик кўш бир ердан
Қайтган экан карвонлар.
Мол ҳайдаб бориб ҳар элдан
Савдо қилиб юрганлар.

Олтин ортган бир эшак
Шулар билан келарди.
У тўхтаса – юрт тўхтаб,
У елса – юрт еларди.

Тамоми кўш бойлари
Ҳеч ёнидан кетмасди.
Хушомад қилмай бари
Нари-бери ўтмасди.

Ўрта олиб ҳалигини
Бари бирдай сийлар денг.
Бири ўпиб қулоғини
Бири жунин сийпар денг.



Силаб-сийпар, кадрлар,
Берар еми ҳам ортик.
Эшак манмансирайди,
Бўлиб олди жа тантик.

Кўч бўйи юрт қошида,
Ўзга билан ҳеч иш йўк.
Отни тепиб, одамни
Тишласа ҳам сўкиш йўк.

«Худо, ўзинг сақла!» – деб
Жар ҳам, сув ҳам тан олди.
Эркалатди жамоат,
«Жабборқул мирзо» ном олди.

Олтин устида пайти
Эркаланиб кўп юрган.
Хаёлида кўк эшак
«Ҳа, мен зўрман!» деб юрган.

Олтинни бир кун бой олди,
Юрт тарқалди ҳар ёна.
Жабборқул оти йўқолди,
Ахлат ташир у, ана!

Қарасанг-чи бастингга,
Узункулоқ, шалпанг-эй,
Юртнинг эркалатгани
Олтин учун экан-эй!
(1898)

Поэма




МАЪСУД

Ё олло ҳурматингга дўстинг Маҳмуд,
Тилга куч бер, билинсин тўғри мақсуд.
Хорун-Рашид ҳалифа замонида
Бағдодда йигит борди оти Маъсуд.

Шаҳардан бир кун Маъсуд чикди ташга,
Бордими тўғри келиб бирор ишга?
Бир ўғри ушлаб, тўнаб ётган ерда
Гез бўлди бир бечора чол бойқишга.

Чол бойқиш бакиради фарёд солиб,
Айриб олар одам йўк уни бориб.
«Ким ҳам бўлса бир эрлик қилайин» деб
Маъсуд учди ўғрига ғазабланиб.

Маъсудни ўғри чопди қилич билан,
Яхшиёқ жон саклади бир иш билан.
Эсон-омон у чол ҳам кутулибди,
Маъсуддан ёв қочганда уруш билан.



Маъсудга келди у чол кўзин тикиб.
Кўрса бошдан қон оқади мард энтикиб,
Чол ўйлапти: қарзимни мен ўтайин,
Ўйигит экан баҳодир, довьюрак деб.

– Эй ўйигит, не қилсанг ҳам эр экансан,
Кўргайсан эрлигининг баракасин.
Ажалдан, сабаб бўлиб, сен қутқардинг
Шу учун олло сенга умр берсин.

Бой эмасман, ботир ё хон эмасман,
Отоқли, ортиқ бўлган жон эмасман.
Сабаб бўлиб ажалдан қутқардинг сен,
Яхшиликни мен билмас, чол эмасман.

Мен бир жонман дунёда, жаҳон кезган,
Азон билан кетаман шаҳрингиздан.
Эргароқ фалон ерга келиб туриб,
Олиб қол бир мукофот ўғлим биздан.

Пул учун қизиқмасан сен ҳам бир эр,
Сени менга учратди парвардигор.
Бир худонинг ҳаққи учун мен тилайман.
Қабул қил, шартим учун қўлингни бер.



Ўғрига юбормадим мен номусни,
Ким пуллар бундай-бундай килган ишни,
Олло ҳақи дегач, ҳеч амал ҳам йўқ,
«Борайин» деб ваъда этиб қўл олишди.

У ерга йигит туриб эрта борди,
Олдида чол тез пайдо бўла қолди.
Қўлидан ушлаб олиб эргаштириб,
Бир четда турган уйга олиб борди.

У уйда бир гул турар сўлқиллаган,
Бошида уч мева бор билқиллаган,
Бири оқ, бири қизил, бири сарик,
– Танлаб шундан бирини олгин, – деган.

Оқин олсанг ақлинг жондан ошар,
Сариғин олсанг давлатинг сувдай тошар.
Агар қизил мевани олиб есанг,
Хотин-қизда жон бўлмас сендан қочар.

У йигит чол сўзига кулоқ солди,
Кўзини пастга тикиб оз ўйланди.
Оқи билан сариғини олмайман деб,
«Қизил мева ейман» – деб қўлга олди.



– Мен бераман, тонмайман айта туриб,
Пушаймон бўлмай кейин юриб-юриб,
Оқ билан саригини олмаганинг,
Маъносини менга айт яқин кўриб.

– Мен бўлсам агар оқин емоқчидим,
Ақли бўлай элдан бўлак дедим.
Мен ақли эмас, у балки мени,
Йўлга солса, ўргатса керак дедим.

Ақлик жон топилмас менга сирдош,
Айниқса сўзга нодон бўйин бермас,
Адолатсиз, ақлсиз, орсизларни,
Кўра туриб кўнгилда тинчлик турмас.

Одам дардли бўлмасми ғусса тортиб,
Ширин уйку келмайди тунда ётиб,
Юрагимнинг дардига эм тополмай,
Ширин ош ичолмайман дамин тотиб.

Саригин еб, мен бўлсам бойнинг ўзи,
Оғзида халойиқнинг бўлдим сўзи.
Фалончидан бир нарса олсак-чи деб,
Тикилар жон битканнинг менга кўзи.




Юрт қарғар юртдан ортиқ бойлик учун,
Пуллайди биров тушин, биров ичин.
Не қилса ҳам нодонлар олмоқ истар.
Моли қурғир куйдириб юртнинг ичин.

Меҳнатсиз мол сўрамоқ хайрчилик,
Ақлли эрга ордир ундай қилик.
Уни ўйлар бу кунда одам борми?
Фойда ўйламай қилади ким тотувлик?

Берсанг қолар нимаси унда орнинг,
Бермасанг ўзинг ҳам ит бирга бўлдинг.
На ўзинг ит, бўлмаса бор элинг ит,
Даъвосиз бир балога миниб қолдинг.

Қизилни есам мени аёл суяр,
Одамликка юрмаса не жон куяр.
Аёллар ҳам кўп жон-ку, дўстим бўлса,
Деб эдим бир фойдаси менга тияр.

Эркакнинг гар эркакда бўлса қасди,
Хотин, она, қизи йўқ кимнинг боши?
Хон қаҳҳор қора киши қасдлик қилса;
Шунда аёл бўлмасми ҳимоячи.



Аслда одам боши соғ бўларми?
Уйида текширилмас дов бўларми?
Эри аччиқ айтса, хотин юмшок айтиб,
Ўтирса бурунгидай ёв бўларми?

Шуни ўйлаб кизил мева мен танладим,
Берсангиз емоқ бўлиб бел бойладим,
Тўсатдан мен бу сўзни айтганим йўқ,
Бошидаёқ ўйлаб тегин авайладим.

Бу сўзга солиб турди чол қулоғин:
– Бўлмаса топиб айтдинг ё чироғим,
Ақл, давлат, авваддан сенда экан,
Умрингдай узун бўлсин бахтинг, жоним.

Бу чол бўлак чол эмас, Хизир эди,
Эпин топиб йигитга тўғри келди.
Сўзига ва ақлига, қилиғига,
Рози бўлиб ҳақиға дуо қилди.

Хизирдан Маъсуд дуо хўп олипти.
Сўнгидан Шамси жаҳон аталипти,
Маъноси: бу дунёнинг куни деган,
Етишиб бизга ибрат сўз қолипти.

(1887)



ИСКАНДАР

Искандарни ҳамма ҳам билармикан?
Айтиб берсам ишонмай кулармикан?
Филипп пошшо фарзанди, донғи кетган,
Ҳеч баҳодир унга тенг келармикан?
Ёши ҳам йигирма бир, расо бўлди;
Филипп ўлди, ўрнига пошшо бўлди.
Ўз давлати, ўз юрти кам кўриниб,
Кўшни эллар бошига бало бўлди.

Искандар кўшин йиғиб, йўлга тушди,
Қанча мулк, қанча давлат қўлга тушди;
Дарё-дарё оқди қон, ёнди боғлар,
Искандарнинг босқини мўлга тушди.
Тиз чўкди талай хонлар қаршисида,
Тиз чўкди не султонлар қаршисида.
Асир тушиб, кул бўлди саноксиз эл,
Тиз чўкди не инсонлар қаршисида...

Шаҳаншоҳ, деб шуҳрати гап-сўз бўлди...
Давлати ошган сайин – очкўз бўлди,
Кўйни тўлди, кўзи ҳеч тўйгани йўк,
Ер юзин олмадим, деб дилсўз бўлди.
У яна кўшин йиғиб йўлга тушди,



Яна давлат, иклимлар қўлга тушди;
Ҳеч қайда тополмади қўниқ, ором,
Дарё кечди, йўли бир чўлга тушди...

Олис чўлга дуч келди у ногаҳон,
Қақраган ҳам яланғоч қум ҳар томон,
Қанча тежаб ичса ҳам ўтмади сув,
Чўл тафтида коврилар мол ва инсон,
Бир қатра сув дардида қўшин сарсон,
Бедармон, чала жинни ва чала жон.
Қанчалар қолиб кетди бу саҳрода,
Не иложки, ер – қаттиқ, йироқ – осмон...

Жаҳонгирнинг оти ҳам кулаб ўлди,
Дўст ёлин кучиб ғамга ошно бўлди.
Ўрнидан туриб бокса, олисларда –
Бир шуъла барқ урмоқда... Ҳайрат тўлди.
Шаҳаншоҳ шуъла томон тўғри юрди.
Саҳронинг қок белида нима кўрди?
Оқиб келиб қумларга сингмоқда сув,
Искандар от устидан сувга урди.

Тоза қониб дер эди: «Не ҳикмат бу?
Чўл аро қандай ширин ва салқин сув...



Сув бошида бадавлат эл бор ўхшар,
Ҳамманг ичиб, дармон йиғ ва юзинг юв!
Дармон йиғиб, сув бўйлаб кетишим бор,
Сув бошида – қалъага етишим бор.
Бош эгмаса – қиличим бошидадир,
Шаҳрин ҳам тош-талқон этишим бор».

Жар солиб, сув ёқалаб юриб кетди, –
Йўлда қўнмай, кўп кун от суриб кетди.
Қўшини совут кийган, ўнкай ботир,
Йўл-Йўлакай базмини куриб кетди.
Ҳайрон бўлинг Искандар бардошига,
Юра-юра етипти тоғ бошига,
Ғойиб бўлди шу ерда сув оқиши,
Разм солиб қаради ҳар тошига.

Қарасаки, ажойиб қалъа турар,
Искандар от бошини дарҳол бурар.
Тутқасин тортар олтин дарвозанинг,
Очолмай, қаҳри қистаб, ҳар ён юрар.
Ҳеч қачон бундай хўрлик кўрмаганди,
Ҳеч дарвоза олдида турмаганди;
Ғолиб бўлиб ўрганган асов қўнгил –
Хўрланарман, деб хаёл сурмаганди.



Қаҳри қистаб, қоқишга тушди ногоҳ,
«– Дарвозангни оч!» деди Искандар шох,
«– Ижозат йўқ, бу – тангри эшигидир!»
Қоровулнинг жавоби солди садо...
«– Билмайсанми, Искандар деган менман.
Ер юзини урушда енгган менман.
У – худо, мен – подшо, нима бўпти,
Энг сўнгги қалъа учун келган менман!»

« – Мақтанишга ҳожат йўқ, зўравонсан,
Ҳам зўравон, ҳам очкўз, тўймас жонсан.
Миқти бўлсанг – нафсингга кучинг етсин,
Бу дарвоза очилмас, бил, аён сан!»
« – Кўп кездим, тўғри келди ранг-баранг ер,
Қалъаларга чанг солдим мисоли шер;
Қалъангни-ку очмайсан, ҳеч бўлмаса,
Халқимга кўрсатайин, бир сийлов бер!»

Шу замон келиб тушди тугун – рўмол;
Овоз келди: «Жаҳонгир! Сийловни ол! –
Сен сўраган сийловнинг худди ўзи.
Жўнаб қол, йўлда очиб назаринг сол!»
Кўнгли тўлиб, тугунни қўлга олди;
Тўхтамай, қўшин томон чошиб қолди.

Очсаки, рўмол тўла – қоқ суяклар...
«Бу қандай масхара?» – деб ақли толди.

Жаҳаннамдай тутоқиб кетди бирдан,
Ҳеч маъни ололмади ушбу сирдан.
Наъра чекди: «Менга шу равомиди, –
Суяк деган топилар ҳамма ердан!»
Ҳам тугунни ирғитди бетоқат қўл...
Арасту яқин келди – ақли зағ мўл:
«Шоҳо, – деди, – бу тортиқ бежиз эмас,
Хосиятли суяк бу – хабардор бўл!»

Арасту сўзлар экан, тингламас ким?
Искандар ҳам ноилож ўтирди жим.
« – Кўрайлик, суякми ё олтин оғир.
Тарозуни келтиринг!» – деди ҳақим.
Тарозуни шу замон келтирдилар;
Бир ёнига кумуш, зар тўлдирдилар;
Бир ёнда суяк оғир босиб турди;
Ҳаммаси ҳайрон қолиб ўлтирдилар.

Йиғилди кўшинда бор олтин буткул,
Босарди суяк ётган палла нукул.
«Ҳазинам етмади-ку! Суяк оғир...



Чорасини топ!» деди энг кейин ул.
Ҳақим олди ердан бир сиким тупрок
Ва суякнинг устига сочди шу чоқ.
Бир дамда олтин оғир босиб тушди;
Искандар яна ҳайрон, хаёл тарқок.

Шаҳаншоҳнинг бағрини тирнар оғу,
Чидолмайин ҳақимни чақирди у:
«Мўъжизани тушунмай, қотди бошим,
Маъносини айтиб бер, эй Арасту!»
«Кўз суяги – бу суяк! – деб бошлар сўз, –
Тирикликда ҳеч қачон тўймайди кўз,
Бир сиким тупроққа ҳам тўяр – ўлса,
Ғазабланма, шаҳаншоҳ, бўлма дилсўз!»

Ўйлаб-ўйлаб подшоҳ бошин букди,
Кўзлари косасига ботиб – чўкди.
Йўл солди ўз юртига қўшин тортиб,
Ўлгунича ўзини ўзи сўкди.
Сўз тамом, адоқ бўлди хангома ҳам,
Беҳуда гап ўйлама буни ҳеч дам.
Ору номус сотма умр бозорида –
Очкўз бўлма, одаммас очкўз одам!



Мақтанишнинг хайри йўқ, яхши билгин,
Донолардан ўрганиб, амал қилгин.
Ўз баҳонгни ўзингдан ким сўрайди,
Яхши бўлсанг – ёруғлик сочиб келгин!
(1901)



АЗИМ ҲИКОЯСИ

Бир сўзим бор «Минг бир тун»дан ўкиб кўрган,
Ўлан қилиб шу сўзимни айтгим келган.
Бўлган экан оға-ини икки йигит
Бағдодда Мустафо ва Сафо деган.

Иккови ҳам етим эди, ота ўлган,
Меҳнаткаш, етиммиз деб бўш юрмаган.
Тикувчи, каштачи эди кичик ини,
Мустафо суратчилик илмин билган.

Иккови икки айрилмоқ ғамин еган,
Бир четга кетмоқ бўлар юрт кўрмаган.
Мол топгани сўнг излаб топмоқ бўлиб,
Шарт қилиб, бир-бирига ваъда қилган.

Икковин икки ёққа тақдир бўлган,
Жонлар эди қаторидан ийманмаган.
Чинмочинга Сафоси кета турсин,
Мустафо Болсурага йўл бошлаган.

Мустафо бўйдоқ, йўқсил бўлиб юрди,
Касбида камол топиб, бахти кулди.
Оздан сўнг хотин олиб, ҳовли тиклаб,
Шаҳарда у бойларнинг бири бўлди.

Пул топиб, кийим тузаб, корни тўйди,
Қоғозга безак чизиб, сураг ўйди.
Худойим кечиктирмай бир ул бериб,
Муллалар отин унинг Азим қўйди.

Йил изидан йил ўтди, Азим ўсди,
Вақт етиб, мадрасага бориб тушди.
Оз йилда яхши илм касб этди-ю,
Юзи нурли йигитнинг кўнгли жўшди.

Ўқишдан сўнг ушлади ота йўлин,
Оширди мартабасин, касбу корин.
Шул кунлар ажал етиб, Мустафо ўлиб,
Йиртиқ-етим бўлмасдан топди ўрнин.

Отанинг ҳаракатин ушлай олди,
Ҳунарини кўрганлар қойил қолди.
Олувчилар кўпайиб бунинг ишин,
Санъати юксалгандан хўп юксалди.

Бир куни лавкаси¹да ўтирганди,
Тўрғин тўн, олтин камар бир чол келди.
Не қилса ҳам ҳурматли одам-ку деб,
Азим туриб, эгилиб салом берди.

¹ *Лавка (русча)* – дўкон, иш ўрни, маъносида

Чол ҳам алик олди-ю, омонлашди,
Ёнига яқин келиб саломлашди.
– Ёт элнинг одамиман, эй чироғим,
Не ҳаракат киласан? – деб сўрашди.

– Ёшимдан етим эдим кўнгли синик,
Ҳунарим ортик эмас ундай улуғ.
Меҳнат қилиб тер тўкиб, кун кўраман,
Ишим шу – суратчилик, бўёқчилик.

– Нодон десам, қилиғинг, тусинг яхши,
Яхши касб-ку меҳнаткаш эрнинг нақши.
Куни бўйи тешилиб ўтирсанг, айт,
Не топар бу унумсиз ишдан киши?

Бу сўзга Азим туриб аччиқланди,
– Ғалати сўзлайсиз, – деб шошилади. –
Отамнинг касбидан мен хор бўлмасман,
Оч қолмасман, бўлмасам ҳам бойлар олди.

– Хор кўрмасман ҳам, болам, зўрламасман,
Тешилган сени кўриб хор демасман.
Кимё фанин ўргатай сенга ўзим,
Мисдан алтин ясайсан, алдамасман.



Чин хунар бу, зўр касб бу – кўзинг етса,
Ярамайди ҳар кимга буни ўргатса.
Ўзи ўнғай, баракали, ортик хунар,
Оз иш билан кўп олтин ҳосил этса.

Мен ўзим юрганим йўқ молдан кечиб,
Айтаман, болам, сенга меҳрим тушиб.
Тайин бўл, эртага кел мисинг билан,
Кўнглим гумонларни тарқат, ечиб.

Аввало, ҳақлигимга етсин кўзинг,
Шарт килдим-ку ўргатмоқ бўлиб ўзим... –
Эрта кун шу ўринда топилмоққа,
Иккови ваъда боғлаб айтди сўзин.

Чол кетди, бола ҳайрон уйга қайтди,
Кўрганин онасига келиб айтди.
Кимё илми бор дерлар, она эса
Бошин чайқаб, қайғуриб, ичин тортди.

– Олиб бор-да, мис пақирни олдига сол,
Олтин чикса, бўлар-ов бир талай мол.
Ёлғизим, не қилсанг ҳам саломат юр,
Жодугарлик қилмасин онт урган чол!



Бола деди: – Тангрим қоқса, банда нетар?
Ёлғон бўлса, билинади, хор бўп кетар.
Чин бўлса-ю, ваъдага мен бормай қолсам,
Гофил дерлар, чехрамга изза етар.

Не қилса-да, бола шу кун чала ухлади,
Ўтрик қайси, рост қайси – тополмади.
Мис пақирни қўлига олди-ю у,
Лавкасига кундагидан эрта борди.

Чол ҳам ваъда бўйича тез кела қолди,
Бир идишдан кўмир билан кўрик олди.
Ускунасин ўрнига қўйиб бўлгач,
– Мисинг қани, болам? – деб дигир солди¹.

Мис пақирни синдирди талқон қилиб,
Кўмирга солди мисни дўкон қуриб.
Мис биқирлаб эриган бир пайтда чол,
Чўнтақдан ушоқ қора олди кириб.

Олди-да у дорисини мисга солди,
Биқирлади, билқиллаб мис чайқалди.
Озми-кўпми булғалоклаб не биландир,
Совигандан сўнг олтиндай қўлга олди.

¹ Дигир солмоқ – овоз қилмоқ, хой-хуй солмоқ.

Болага берди кейин олтинини,
– Шаҳарийнинг¹ саробига² солгин буни.
Олтинмас бу, деб биров айтса, болам,
Амал йўқ, алдамчи деб билгин мени!

Олтинни ол-да кўрсат халққа бориб,
Менинг сўзим чин бўлса Тангри ўнғариб³,
Манов боғча ичидан топиб олгин,
Агар мени изласанг кўнглингга олиб.

Азим учди олтинни ола солиб,
Не бойларга кўрсатди буни обориб.
– Самородний⁴ сори олтин экан-ку деб,
Ким кўрса, шуни айтади анг-танг қолиб.

Уч минг уч юз тиллага кетди сотиб,
Онасига опкелди. Ҳайрон қолиб
Онаси: – Шу кишини чақир, – деди, –
Кетсин, – деди, – уйимиздан таъм-туз тотиб.

Бояги ҳув боғчага Азим келди,
Чол ҳам чиқди, у шу ерда ўтирганди.

¹ *Шаҳарий* – шаҳарда яшовчилар, деган маънода.

² *Сароб* – олтиннинг софлигини текширадиган асбоб, деган маънода.

³ *Тангри ўнғариб* – худо бериб, деган маънода.

⁴ *Самородный* – соф, ёмби олтин (русча сўз).

– Эй, отам-а, қилган ишинг рост экан-ку,
Қўноқ бўлиб бизнинг уйдан таъм тот, – деди.

Қўш ховуч тилла берди Азимга чол,
Деди: – Сенинг молингдир, бу мендаги мол.
Ёзилишиб, сирлашиб ўтирайлик,
Ҳар турли қимматбаҳо ичкилик ол.

Сирлашсак, суҳбатлашсак овлоқ афзал,
Сўйлашиб, топайлик биз нашъа бу гал.
Онангни ҳам бир ёқларга юбор, болам,
Сиримизга бўй тиқиб юрмасин сал.

Кун ботмасдан йўл қараб юрма бизга,
Қош қорая келарман мен ҳам сизга.
Ичмоқ-емоқ орасида айтар гап қўп,
Уйингизда жон бўлмасин сендан ўзга.

Азим кезди бозорни хўп тентираб,
Ҳар турли ичкиликлар олди сўраб.
Олтинларни кўргандан сўнг онаси ҳам
Кетди қўшни уйга томон ишонқираб.

Арок, емиш – ҳар турли неъмат тайин,
Қувонди бор олтинни олгандайин.



Уйига бошқа ҳеч бир жонни қўймай,
Ўзгача безантирди уй афзойин.

Кўз боғламай, шипиллаб чол ҳам келди,
Азим ҳам эшик очди, тайин эди.
Азимни боласидай кўриб, яйраб –
Яшнаб чол ёруғ юз-ла уйга кирди.

Чол кириб уйни текис оралади,
Бир Азимдан бошқа жон тополмади.
Соддадил, қалби тоза болапақир
Кўнглига чол қилиғин ҳеч олмади.

Жўшиб-қўшиб сўзлаётир чол бидинглаб,
Азим турар қўл қовшириб, сўзин тинглаб.
Ошни ҳам еб, қўлни ювиб бўлгандан сўнг,
«Ичкиликни обке» дея қўйди имлаб.

Аввалдан бу бор иш элнинг одатинда,
Немисми – рус, ким бўлмасин, қай халқнинг-да,
Фойда-ку деб, тансоғлиқ деб ичадилар,
Мевадан сўнг хамр¹ тортарлар ош ортинда.

¹ *Хамр (арабча)* – маст қилувчи ичимлик

Подносга¹-бутилкаю²-ароқ тўлди,
Бир-икки яхши рюмка³ тайин бўлди.
Бор ва йўқни сўзлашиб, шовқин солиб,
Олишиб пиёлани, тўқнаш қилди.

Ёймашувоқ⁴ шум чолнинг ичи ёнди,
Кўпроқ ичган Азим, тез маст бўп қолди.
Бир аёқ⁵ кўлдан-қўлга деган бўлиб,
Жодугар стаканга дору солди.

Шум жодугар тун ўртаси бўлгандан-оқ,
Шу йўл билан талай жонни йиққан, э воҳ!
Дору кўшган аёқни ичгандан сўнг,
Чалқасидан йиқилди Азим шу чоқ.

Шунда чол ҳуштак чалиб овоз берди,
Тўрт йигит тобут олиб уйга кирди.
Азимни шу тобутга солиб дарров,
Кўтариб ташқарига улар юрди.

Азимни маст қилган чол шод кулади,
Эшиқни ёпаман деб ҳаяллади.

¹ Абай ишлатган русча сўзлар таржимасиз берилди: поднос – патнис.

² Бутилка – шиша идиш.

³ Рюмка – шиша, стакан, қадах.

⁴ Ёймашувоқ – очик юзли, деган маънода

⁵ Аёқ – идиш.

Ортини жим-жирт килиб онтурган чол,
Тўртовни эргаштириб тез жўнади.

Денгизнинг ёқасида қалин камиш,
Ичида бир кема бор чолга таниш.
Азимни шу кемага солиб, улар
Тумшуғин четга буриб бошлар сузиш.
Ёнида ўттизми-кирк йўлдоши бор,
Қалъадан тонг отгунча кетди олис.

Тонг отди. Шунда кампир уйга келди.
Ўғлига бир гап бўлган! – Ичи билди.
Зор килиб, ўй-вой солиб, иш битирмай,
Тақдирига тан берди – нетсин энди?!

Азим келди эсига эрта тушда,
Ўз бошин хавф-хатарли кўрди ишда.
Кўл-оёғи боғловли ёлғиз ётар,
Темир четан кафасдай турар устда.

Ирғалиб ўрнидан аранг турди,
Тепасида онт урган чолни кўрди.
– Оқсоқол одам шундай қиладими?
Онамдан мени айириб бу не? – деди.



– Кўзингни оч, эсингни йиғ, энди ўйнама,
Мени, сен ўз диндошим деб ўйлама.
Мен ўтга сиғинаман, динимга кир,
Менда борнинг баридан хавф айлама!

Агарда кўнмас бўлсанг – нодончилик,
Ҳар кун тайин сен учун юз бир чивик.
Минг жонинг бўлса ҳамки қутулмассан,
Топилмас энди менда майда қилик.

Бола деди: – Диним учун жоним қурбон,
Жондан кўрқиб мен ўтинга бошим урмам,
Диним ҳақдир, ишим оқдир, ўлсам шаҳид,
Кўрқади деб, умидинг уз сен онтурган!

Боланинг у бор кийимин ечиб олди,
Юз қамчидан орқасига дурра солди.
Инқ этиб бир товушини чиқармади,
Азим оз-моз талмовсираб, ночорланди.

Бу ишни хуш кўрмади қодир субҳон,
Кўк бузилиб, ер юзин босди тўфон.
Боғланган бола тутқун қолаверди,
Кемада овора эди кўп оломон.

Тун бўйи ухламади Азим мизғиб,
Сув шариллаб қуйилар, кема изғиб.
Чарчаб қолди ўттиз кул йиқилгудай,
Шарпиллаб, тонг отгунча сувлар тўкиб.

Ўттиз кул ақлашди бошни қўшиб,
Ўламиз деб ўйлади жондан кечиб.
Бир четдан бир ёкага келаётган
Қари итни ушладилар олдин тўсиб.

– Оксоқол, иш қиласиз ўйланмасдан,
Жондан кўркиб қочмас эдик қора тошдан.
Худо суймай бизга солди ушбу ишни,
Қўлини еч, ризолик ол манов ёшдан.

Қўлини еч, ризолик ол, кишанни буз,
Тезроқ айт, кўнасанми, вақт тигиз.
Бу сўзга кўнмай қолсанг, ўлдирамиз,
Сени сувга ташлаймиз ўттизимиз.

Шунда чол манов сўзга анг-танг қолди,
Не қиларин билолмай хўп ўйланди.
Ўттизининг вазоҳатин пайқагач, у
Боланинг қўл-оёғин еча солди.



«Чироғим!» – деб бўйнидан кучоклайди,
Кўзидан ёши оқиб, гоҳ порлайди.
– Чироғим, мастлик билан қилибман, – деб,
Аввалги сўздан тониб, яна алдайди.

Азим ёш, оқ феълли бир йигит эди,
Ўйлади: ўтрик эмас, ана, ийманди.
Мастлик билан қилган бўлса, қилгандир деб,
Ёшлик қилиб, у чолга яна ишонди.

– Мастлик билан қилган бўлсанг, кечдим, майли...
Қари ит ҳам «чироғим»лаб қийшанглайди.
Ел тиниб, кун ярақлаб боягидай,
Яратган кузатади, кўз ташлайди.

Болани силаётир уфлаб-эплаб,
Хушомадлар қилади чол жилманглаб.
Ўттиз кул ҳам: «Манов тек жон эмас-ку», – деб,
Хизмат қилар ҳоли еткунча тарванглаб.

Бир маҳали чол дедики: – Болам, тўхта,
Мисни олтин қилар дори – анов ёкда.
Олис эмас, оз кун юриб, бориб келсак,
Олиб келсак шу доридан кўп-кўп катта.



Бола айтди: – Ўзинг бил! – деб бу сўзига.
Чол қувонди теккан каби эрк ўзига.
Оёғида тикка туриб хизмат қилар,
Ҳийла, шумлик келтирмайди ҳеч юзига.

Чол жўнади болани эргаштириб,
Шипиллаб бир маконга борди етиб.
Бир барабан¹ турган экан, қокқан эди,
Ўраб олди елмоялар² дупурлатиб.

Уч елмоя ушлади йўриғига³,
Озиқ ортди бирининг қўмлиғига⁴.
Икковига эгар солиб миниб олиб,
Барабанни қолдирди ўринига.

Елмоялар келади елдай эсиб,
Бир тарафни шум чолнинг кўзи тешиб,
Боладан сўрайди у: – Кўрдингми, – деб, –
Булдираган булут турар аланглашиб.

¹ Барабан – улкан ноғора, довул.

² Елмоя – тез чопадиган туя.

³ Йўриқ – йўлда миниш учун, деган маънода.

⁴ Қўмлик – туянинг ўркачи, сирти, жўтаси.

Ул ўзи – булут эмас, Қофнинг тоғи¹,
Бир бўлак улкан тоғнинг берги бағри.
Берги тоғнинг бошида шу дори бор,
Қирондай олиб қайтамиз ипак бовли.

Тун бўйи йўл юрдилар, бўлди чошка,
Кўринди яркираган уйда нарса.
– Бу нима? – деб сўраганди, тура кочди,
Қофир ҳаял қилмади сира салча.

– Бу нима? – деди яна Азим шўрли,
Қочганинг не қилганинг, бунча сирли?
– Чироғим, бу жудаям хатарли ер –
Бир қасдгўй, жодугар девнинг ўрни.

Шуни айтиб, чол саваб² юраверди,
Бир ўзан чикди йўлда, шуни ўрлади.
Ўзан бўйлаб ўрлаганча юравериб,
Нак пешин вақтида бир тоққа келди.

¹ *Қоф тоғи* – Кўхи Қоф (Кавказ) тоғлари. Бу ерда умуман тоғ, тоғли ўлка маъносида.

² *Саваб* – камчилаб, шошилинич.

Бир жартошга¹ келди-да, туша колди,
Озик ортилган моянинг корнин ёрди.
Ичини ёриб, ичдаги ичак-корнин
Ўпка-боврин тозалаб, борин олди.

Шунда чол Азимга аркон, ханжар берди,
– Моянинг ичига кириб сен ёт! – деди.
Ичини тикиб, мен кетиб яшринаман,
Тоғ бошида Семурғ бизни кўрди.

Мен кетгач, бу ерга хув Семурғ келар,
Мояни илиб учиб чўқкига элтар.
Бир ерга қўнган пайти сен ёриб чик,
Одамзоддан ийманиб учиб кетар.

Чўқкида бор қоп-қора ушок тупроқ,
Қопга тўлдир кечикмай сен илдамроқ.
Қоп тўлганда арқонга боғлаб тушир,
Шошма ечиб олгунча, тўхта бирок.

Шундан кейин арқонингни тошга бойла,
Сўнг сирғаниб ўзинг тушар ерни сайла.

¹ *Жартош* – тикка жар ёнидаги улкан тош.

Арқондан ушлаб олиб сирганиб туш,
Ярамайди қилмаслик шуйтиб хийла.

Қоп олди, ханжар олди шунда Азим,
Уқиб олди янглишмай чолнинг сўзин.
– Чироғим, айтганларни ёдда тут, – деб
Боринча¹ чол ҳам унга қилар таъзим.

Азим ҳам ҳаялламас бўйин тежаб²,
Таваккал деб туя ичра кирди, ажаб.
Тангрининг бир ёзгани икки бўлмас,
«Эрнинг иши – таваккал» – бор шундай гап.

Азим киргач, моянинг ичин тикиб,
Шум чол ҳам яшринди бир толга кириб.
Қорни тикилган мояни илди-кетди,
Ҳув тоғлардан, осмондан Семурғ келиб.

Семурғ кўнди мояни тоққа обориб,
Эр Азим чиқиб келди ичин ёриб.

¹ Боринча – иши битгунча «ха-ха»лаб турди, деган маънода.

² Тежамоқ – бу ерда, бўйинни яшириб, ҳаяллаб турмади, деган маънода.

Одамзодни кўргач, куш чўчиб қолди,
Ўтирди Семурғ куш овлок бориб.

Тирмашиб Азим чиқди тоғ бошига,
Топди тупрок, тўлдирди халтасига.
Қоп тўлгач у арқонга маҳкам боғлаб,
Тоғ бошидан юборди отасига.

Юбориб ҳалиги қопни ерга отиб,
Онтурган чол давлатга қолди ботиб.
Қопдаги қўлга тушгач, динсиз кофир
Арқонни олиб кетди юла тортиб.

Айрилиб арқонидан Азим қолди,
– Арқонни нега олдинг? – деб дод-вой солди.
– Талайни мен шу тоғда қолдирганман,
Шунинг бири бўларсан, – деб чол кетворди.

Чол қарамай-қайрилмай кетаверди,
Азим шум чол динсизлигин аниқ билди.
Кофирнинг қайтмаслигин билгандан сўнг,
Тоғ аро йўл топай деб у интилди.

Кўрди, билди тоғдан тушар йўл йўқлигин,
Шундан кейин кўрай деди қорин ғамин.

Озрок емиш топиб, анов-манов еди
Сўнг ёта кетди кутиб ҳақ буйруғин.


Бир четда Азим ётар. Кун ҳам ботар.
Атрофин тапир-тупур овоз қоплар.
Қараса, учиб юрар кўп аждархо,
Шундаям Азим кўркмай ухлаб ётар.

Ухлаб ётиб, бир маҳал тез уйғонди,
Учиб юрган кўп аждардан чўчиб қолди.
«Ё таваккал!» – деди-ю, биттасининг
Бошини ханжар билан чопиб олди.

Ўзи ҳам бир томонга ирғиб кетди,
Баланд бир оғоч кўриб, шунга етди.
«Баланд ерда бўлайин», деб ниятлаб,
Шу тунда оғоч бошин макон этди.

Ундай-бундай ётиб кўрди, уйқу кани?
Бир ухлаб, сўнг уйғонганда тўрт томони,
Бўшаб қолмиш, атроф бўм-бўш, махлуқлар йўқ,
У таниди ўзи чопган аждарҳони.

Ўйлади у: тирик эмас, йўқдир жони,
Яқинда бориб кўрай ўлган аждарҳони.



Тушди баланд оғочдан у, кўлда ханжар,
Етиб борди аждархога шул замони.

Кўрди, билди: аждар ўлган, тирик эмас,
Сўм танасин Тангри узун яратмиш, бас.
Ханжар билан тасма-тасма қилиб олиб,
Жўн терисин¹ курутди у кунга бирпас.

Тасмаларни боғлаб-эшиб қилди аркон,
Азим эди тадбиркор-у уддабурон.
Бир учини тошга боғлаб, ташлаганда
Тушар ерга етиб борди ипи обдон.

Мард Азим таваккал деб, жондан кечиб,
Арқондан ушлади-да кетди тушиб.
Қоракат еб, мўйил² еб, сувдан ичиб,
Пастга қулаб, югурди. Тирик! Учиб!

Уч кўниб, тўртинчи кун белдан³ ошди,
Шул куни у бир уйга дучорлашди⁴.

¹ *Жўн териси* – жўта (сирт) териси.

² *Қоракат, мўйил* – меваси одам еса бўладиган ўсимликлар.

³ *Бел* – баландлик, довон, тепалик

⁴ *Дучорлашмоқ* – дуч келмоқ

Тоғ бошидан туширган таваккал-ла,
Шул уйга кирмок бўлиб кадам босди.

Қоқмадан¹ кирди ичга кадам босиб,
Бир хонадан иккинчига ўтди ошиб.
Тиллашмокка ҳеч одам йўлиқмади,
Тўрдаги уйга кирди эшик очиб.

Икки сулув қиз ўтирар тўрғи уйда,
Ундай гўзал топилмайди бутун элда!
Иккита қиз шатранж² ўйнар. Билмай кириб,
Бизнинг Азим туриб колди ўрта ерда.

Икки қиз ҳам уни кўрди бош кўтариб,
Одамзодга хайрон боқди қошни кериб.
– Эй йигит, сен чехраси хуш жон экансан,
Жодугарга эргашдингми сўзига кириб?

Азим деди ҳеч бир сўзни яширма-ёк:
– Мен бир ғариб бечораман юрган саёк...
Ўзи кўрган, бошга тушган савдоларнинг
Бирин қўймай айтаверди бошдан-оёк.

¹ Қоқма – қўштавақа катта эшик, дарвоза

² Шатранж – шахмат ўйини.

Икки қиз эштади Азим ҳолин,
Эшитиб, жони ачир билган сайин.
– Сен бизга бовур бўлиб, бирга яша,
Не керакса, қилайлик барин тайин.

– Хўп бўлади ундай бўлса, опаларим,
Бу дунёнинг тортдим мен кўп жафоларин.
Соғинсам, ўз элимга етказарми
Айтсангиз, марҳаматли оталаринг?

– Кўнглингни совутмагин биздай қиздан,
Сизга ваъда бизларга тангри айтгизган.
Чидаганча чидаб кўр ёнимизда,
Қайтмоғинг келар бизнинг кўлимиздан.

Биз сени ёр қилмасмиз, бовур¹ қилармиз,
Дўстлик-ла юрак эрир, яхши билармиз.
Тубинда бунда тура олмасанг сен,
Элингга етказишга интилармиз.

¹ *Бовур* – аслида, жигар, жигар гўшти. Кўчма маънода – кадрдон, жона-жон, кариндош.

«Хўп бўлади» дейишди-да, шарт боғлашди,
Қаттиқ-қаттиқ айтишиб ваъдалашди.
Кўнглида қоралик йўқ, ок ният-ла,
Жуда яқин дўст бўлишга сўз беришди.

Кун чикди. Вужудига кувват энди,
Бу уйда яйраб-яшаб, эркаланди.
– Ён-ёқни қандоқ сайрон қилсанг – эркинг,
Фақат манов бир эшикка кирма, – деди.

Бир кун кизлар йўқ маҳали, ёлғиз Азим
Кўнглида билиш ҳисси ўйнаб бир зум,
Очма деган эшикка яқин келди,
Сўнг очиб, кирди-кетди сўзсиз ва жим...

Кўрсаки: бир ажиб боғ тоққа туташ,
Хув четда ҳовузи бор эрнаги¹ тош.
Булбул сайраб, мевалар пишиб турар,
Таърифига сўз етмас, етмас бардош.

Тош ҳам эмас эрнаги – дурру гавҳар,
Кетгиси келмас одам: марварид, зар.

¹ Эрнак – ҳовуз, иншоотларнинг пастки қисми, таъмали.

Мард Азим томошалаб қараб турса,
Учиб келди ранго-ранг, ажиб кушлар.

(Поэма тугалланмасдан қолган)

Hacuxamrap



БИРИНЧИ СЎЗ

Ёшим шу ерга етгунча яхши яшадимми, ёмон яшадимми, ҳар қалай яшаб келдим, умримнинг кўпи кетиб, ози қолди, бошимдан не-не савдолар кечмади: олишдим, юлишдим, айтишдим, тортишдим – хуллас, бошга тушганини тортиб келдим. Мана энди ёшим қайтиб, қаридим, хоридим, ҳамма қилиб юрган ишларимда маъно йўқлигини, ҳаммаси шунчаки бир гап эканлигини кўрдим, билдим. Хўш, энди қолган умримни қандай қилиб ўтказсам экан? Мана шуниси га ўзим ҳам ҳайронман.

Элу юртга раҳбарлик қилсаммикин? Йўқ, эл мен кўрсатган йўлдан юрмайди. Агар, бошимга ташвиш сотиб оламан, деган киши, ёки ҳали пешонаси деворга бориб тегмаган, белида қуввати, кўкрагида ғайрати бор ёшлар раҳбар бўламан демаса, бизнинг элга раҳбарлик қилишдан худонинг ўзи сақласин!

Мол боқсаммикин? Йўқ, боқолмайман! Керак бўлса, бола-чақа ўзи боқиб олар. Қариган чоғимда ўғрилар, муттаҳамлар учун мол боқиб, кўпи кетиб, ози қолган умримни хор қилиш ниятим йўқ!

Ё илм-фан билан шуғуллансаммикин? Йўқ, ундай десам бу элда илмнинг кадрига етадиган, уни тушунадиган одам йўқ. Билганингни кимга ўргатасан? Билмаганингни кимдан сўрайсан? Кимсасиз чўлу биёбонда олдига матосини ёйиб, кўлига газини ушлаб ўтирган кишидан нима фойда? Ёнинг-да ҳасратлашиб кўнгил ёзадиган киши бўлмагач, илму фан кишини тез қаритадиган бир ташвиш экан, холос.

Сўфилик қилиб, дин йўлига тушсаммикин? Йўқ, бу ҳам бўлмайди! Чунки ундай қилиш учун ҳам тинчлик керак. На кўнглингда, на ҳаётингда осойишталик бўлмагандан кейин, бундай элда, бундай жойда сўфиликка бало борми?

Ёки бола-чақаларимнинг тарбиясига киришсаммикин? Йўқ, бу ҳам тўғри келмайди. Жон деб тарбия қилардим-у, лекин қандай қилиб тарбия қилишни ҳам билмайманда, ахир. Хўш, тарбиялаганда ким бўлсин деб тарбиялайман? Қайси элга кўшайин, қайси томонга йўллайин? Борди-ю, тарбия қилганимда ҳам бола бечоралар ўз илмининг самарасини тинчлик билан кўра оладими? Кўра олса, қаерда, қандай қилиб? Бунга ҳатто ўзимнинг ҳам ақлим етмайди-ю, уларни нима қил деб, қаерга бор деб илм ўргатаман! Буни ҳам эрмак қила олмадим.

Охири шундай қарорга келдим: хаёлимга келган нарсаларни оқ қоғозга ёзаверайин, оқ қоғоз билан қора сиёхни эрмак қилайин. Кимда-ким бундан ўзига керакли сўз топса –

ёзиб олсин, ё ўқисин, кераги йўқ деса – ўз сўзим ўзимники дедим-да, ниҳоят, ёзишга ўтирдим. Энди бундан буён шундан бошқа ишим йўқ.

ИККИНЧИ СЎЗ

Мен болалик чоғларимда бизнинг қозоқлар сартни кўрса: «Онангни эмгур, чулдираган тожик» деб; нўғайни кўрса, уни ҳам: «Туядан кўрққан нўғай, отга минса чарчаб, яёв юрса дам олади» деб масхара қилишарди. Русларни кўрганда эса: «Ўйига келганини қиладиган ўрис... Нима десанг шунга инонади...» деб уларнинг устидан ҳам қулишарди.

Шунда мен худога минг марта шукурки, биздан бошқа халқларнинг ҳаммаси ёмон халқ бўлар экан, дунёда энг яхши халқ бизлар – ўзимиз эканмиз, деб ўйлаб, ҳалиги айтилган сўзлардан жуда завқ қилиб қулар эдим.

Энди бундоқ ўйлаб қарасам, сартлар экмаган экин, улар олмаган ҳосил, савдогарлари бормаган ер – хулласи уларнинг қўлидан келмаган иш йўқ экан. Улар ўзлари билан ўзлари овора бўлиб, шаҳар халқлари бир-бири билан ёвлашмайди, аҳил яшашади. Ўрисларни ҳисобга олмаганда, улар қозоқларнинг ўлигига кафан, тиригига уст-бош етказиб беришади. Қозоқларнинг ўз боласига ишонмаган молларини кира қилиб, ташиб бераётган ҳам шу сартлар. Ўрислар истило қилиб олгандан кейин ҳам, сартлар (ўзбек демокчи)

уларнинг илму урфонларини бизлардан кўра аввал ўрганиб олишди. Катта-катта бойлар ҳам, муллалар ҳам шуларда; хушёрлик, усталик, тежоғлилик, эпчиллик, уддабуронлик ҳам шуларда, сиполик, одоблилик ҳам шуларда.

Нўғайларга карасанг – улар солдатликка ҳам, очликка ҳам, камбағалчиликка ҳам, ўлимга ҳам чидайди. Муллаларини иззат-икром қилиб, мадрасалар қуришга, динни қаттиқ тутишга ҳам қодир. Меҳнат қилиб мол топиш йўлларини ҳам билишади, салтанат, ҳашамат ҳам шуларда. Бизнинг одамларимиз ўзларининг балоинафслари учун нўғайлар эшигида бири чоракор, бири кўшчи бўлиб ёлланиб ишлашади. Бизнинг энг бой деганларимизни ҳам улар: «Сенинг шакши оёғинг билан пичиратирға қўйгон идан тугил, чик ифлос, сасси қозок» деб уйларидадан ҳайдаб чиқаришади.

Хўш, буларнинг бари нималикдан? Буларнинг бари шунданки, улар бир-бирларини қувди-қувди қилмай, тинч-тотув яшаб, меҳнат қилиб, ҳунар ўрганиб, мол-дунё орттириб, бойиб бораётганликларидандир.

Ўрислар ҳақида-ку, оғиз очмасак ҳам бўлади. Бизлар унинг кули ҳам, чўриси, қароличалик ҳам эмасмиз.

Бас, шундай экан, хў бояги мақтанганларимиз, завқ қилиб кулганларимиз, мазах қилиб айтган сўзларимиз қаёққа кетди?

УЧИНЧИ СЎЗ

Қозоқларнинг бир-бирига душман бўлишининг, бирининг тилагини иккинчиси тиламаслигининг, рост сўзи кам, мансабпараст, ялқов бўлишлиklarининг сабаби нимада? Бунга дунёда ўтган барча донишмандлар шундай жавоб қилади: ҳар қандай ялқов киши – кўрқоқ ва ғайратсиз бўлади; ҳар қандай ғайратсиз, кўрқоқ киши – мақтанчок бўлади; ҳар қандай мақтанчок, кўрқоқ киши – ақлсиз, нодон бўлади; ҳар қандай ақлсиз, нодон киши – орсиз бўлади; ҳар қандай орсиз киши – ялқов, киши олдида тиламчи, очкўз, сук бўлади; бундай хунарсиз кишилар ҳеч қачон бировга дўст бўлмайди.

Бу фазилатларнинг ҳаммаси тўрт оёқли молни кўпайтиришдан бошқа нарса хаёлига келмайдиган кишилардан чиқади. Агар инсон экин-тикин, илм-хунар, савдо ишлари билан шуғулланса, бундай ёмон фазилатлар унга доримаган бўлур эди. Мол-дунёнинг кетига тушган ҳар қандай одам, молим кўп бўлса, ўзимники ҳам, болаларимники ҳам ошиб-тошиб ётса, деб ўйлайди. Борди-ю, моли кўпайса, унга қарол ёллаб, ўзлари гўштга тўйиб, қимизга қониб, учқур бедовни қозикқа боғлаб қўйиб, жононлар билан айш-ишрат қилишни ўйлайди... Агарда қишлови торлик қилса – ариза битиб, таниш-билиш қилиб, бойлиги орқасидан бировларнинг қишловини сотиб олса, бир илож



килиб эплаб олса, тортиб олса... Қишловидан айрилган одам эса, бировнинг эшигига бориб ёлланса, ёки омади келмагани учун элдан бош олиб кўчиб кетса – мана, козоқларнинг ўйлаган фикри-зикри шундай.

Шундай фикрдаги одамлар бир-бири билан дўст бўлиш тўғрисида ўйлайдими ҳеч? Қашшоқ қанча кўп бўлса, меҳнат ҳақиси шунча кам бўлади, молдан айрилганлар қанча кўпайса, кишловлар шунча кўп бўлиб қолади, деб мен уни, у бўлса мени, кафангадо бўлса экан, деб бир-биримизга ич-ичимиздан душманлик қиламиз. Сал ўтмай, бу душманлигимиз ичимиздан сиртимизга чиқади: ошкор ёвлашамиз, довлашамиз, тараф-тараф бўлиб уриш, жанжал чиқарамиз. Мана шундай олишувларда обрўйим баланд, қўлим узун бўлсин, деб мансаб, бўлислик, бийлик талашамиз.

Шундан кейин биронта одам боласи бундайроқ, чеккароқ жойга чиқиб, меҳнат қилиб мол топайин демайди, экин-тикин, савдо-сотик ишлари билан шуғулланмайди. Шундай қилиб, улар тараф-тараф бўлиб юрганларнинг бугун биттасига, эрта иккинчисига галма-галдан ўзларини ўзлари сотиб юришади. Ўғриларга тийим йўқ. Агар эл тинч бўлса, ўғриларни ҳам тийиб қўядиган одам чиқарди. Элу юрт икки тараф бўлганидан кейин, уларга ким: «Мен сенинг тарафингни оламан!» деб онт ичиб ваъда берса, булар ҳам

шу томонга суяниб, ўғрилиқ ишларини бурунгисидан ҳам бир неча ҳисса ошириб давом эттиришади.

Баъзилар элдаги энг яхши одамлар устидан: «Зўрлик қилди, молу жонимизни талади» деб тухмат қилиб, сохта хужжатлар йиғиб, аризалар ёғдириша бошлайди. Ниҳоят, жиноий иш кўзгалади. Бечораларни терговга чақириша бошлайди. Бу яхши одамларнинг номзодлари сайловдан ўтиб кетмаслиги ва ҳалиги ёлғон-яшиқ уйдирмалар асосли бўлиши учун, бундай пайтларда кўрмагани кўрдим дейдиган гувоҳлар олдиндан тайёрланиб қўйилган бўлади. Агар айбланган одам ўз бошини кутқармоқчи бўлиб, ёмонлардан ялиниб-ёлворадиган бўлса – одамгарчилиги йўқолади; агар борди-ю, ялинмаса – у ҳолда судланган одам ҳисобланиб, ҳеч қандай хизматга олинмай, бутун умри хавф-хатарда ўтади. Хўш, энди, бўлис бўлиб сайланганларидан кейин эса, ўзи шу мансабга шумлик, ҳаром ният билан эришгани учун, тўғри ниятли кишиларнинг тарафини олади дейсизми? Йўқ, албатта, ўзи каби шум, ҳаром ниятли кишиларни кадрлайди. Чунки, бундай кишиларнинг дўст бўлса фойдаси тегади, қасд бўлса қўлидан зарарли ишлар ҳам келади, деб ўйлайди.

Шу кунларда козоқлар ўртасида: «Иши билан эмас, кишиси билан улуғ» деган мақол пайдо бўлди. Бунинг маъноси шуки: қилган ишинг тузук бўлса эмас, суянган кишинг тузук бўлса – мурод-мақсадингга етасан, демакдир. Одатда,

бўлис уч йилда бир марта сайланади. Сайланган одамнинг биринчи йили – одамларнинг: «Сени ўзимиз сайламаган-мидик?» – деган таъна-таъйиқлари билан ўтади. Иккинчи йили – ўрнига сайланадиган номзод билан олишув бошланади. Учинчи йили эса – сайловлар яқинлашиб қолгач, қайта сайланишнинг иложи бўлмасмикин, деган ташвиш билан ўтади. Хўш, энди нимаси қолди? Қозоқларнинг йилдан-йилга мана шундай бузуқчиликка берилиб, аҳволи оғирлашиб бораётганини кўриб, мен ўзимча шундай қарорга келдим:

Халқнинг бўлисликка сайлайдиган одами энг камида фалон даражада ўрисча илми бор одам бўлсин. Борди-ю, бундай кишилар ораларида йўқ бўлса, ёки бор бўлса ҳам сайланмаса, у ҳолда бўлис ё уезд бошлиғи, ё эса ҳарбий губернатор томонидан тайинланадиган бўлса – чамаси халқ учун мана шуниси фойдалироқ бўлармиди дейман-да? Бунинг сабаби, биринчидан, бу мансабпараст қозоқ ёшларининг илм-урфон ўрганиши учун ҳам фойдалироқ бўларди, иккинчидан эса, тайинланган бўлислар халққа эмас, улуғларга тобе бўлган бўлур эди.

Шундай қилинса, унинг терговларини, сўроқларини ҳисобга олмаганда, ёлғондакам ариза берувчилар озайибгина қолмай, балки йўқолар ҳам эди. Яна ҳар бир бўлисда старшиналар, бийлар сайланиши – халқ учун турган-битгани зарар эканини тажрибада кўриб-билиб турибмиз. Бундан

ташқари, умуман бу «бийлик» қилиш деган гап бизнинг қозоқлар орасида сайланган ҳар бир кишининг қўлидан келавермайди. Бунинг учун бий бўлиб сайланадиган кишилар қадимги «Қосимхоннинг сийқа сиёсати»ни, «Эсимхоннинг эски йўли»ни ва «Тавкахоннинг Қултепа бошидаги кенгашларида таъсис этилган «Етти қонуни»ни билмоқ керак. Билиш билан бирга, у қонунларнинг қайси бири қонунлар тақозосига кўра эскириб қолганлиги ва қайси бирини ҳозирги қонун нуқтаи назари билан ўзгартириш мумкин эканлигини биладиган – шунга фахму фаросати етадиган кишилар бўлиши керак. Аммо, бундай кишилар ҳозирча бизда йўқ.

Қадимда қозоқлар ҳаётини яхши билган одамлар: «Хон кўп бўлса, ёв кўп бўлади, бий кўп бўлса, дов кўп бўлади» деган экан. Бунинг маъноси шундайки: агар бийлар тоқ бўлмай жуфт бўлса, бир-бири билан довлашиб умри ўтади, демакдир. Бундай қилиб бийларни кўпайтиргунча, ундан кўра ҳар бир бўлишдан фақат учтадан бий сайлангани маъқул. Булар, албатта, қўлидан иш келадиган илмли кишилардан бўлишлари керак. Бундан ташқари, уларни «мунча йилгача» деб сайламасдан, мудом сайлашлари, бийликдан тушгудек бўлса ҳам – ёмонлиги элга ошқора бўлгандан кейингина тушадиган, бўлмаса бий бўлиб ишлайверадиган қилиб сайлашлари керак... Ниҳоят, довлашувчи шахслар

бу бийлардан иккитасини танлаб олиб, учинчисини холис килиб сайлашса, агар бунга ҳам кўнмаса, бояги уч бийдан биттасини танлаб, ёки чек ташлаш йўли билан сайлаб олиб, арз-додларини шунга айтса – эҳтимол, жанжалли ишлар осон битган бўлур эди.

ТҮРТИНЧИ СЎЗ

Ҳар бир фаросатли одам кулки деган нарсанинг мастлик эканини, хар қандай маст киши ғофил бўлишини ва бош оғриқ гапларни кўп гапиришини яхши билади. Зотан, бундай бекордан-бекорга кулаверадиган кишининг ё ақли жойида бўлмайди, ё эса куламан деб ишидан, рўзғоридан, номусидан айрилганини ўзи ҳам билмай қолади. Бундай кишилар бу дунёда ҳам, у дунёда ҳам охир бир азоб чекиши бор.

Қайғу-ҳасрат нималигини биладиган, фикр қила оладиган киши бу дунёда ҳам, у дунёда ҳам ортиқ кийналмайди – иши пишиқ бўлади. Одатда, пишиқликнинг таги мўлчилик бўлади. Хўш, энди, агар шандай бўлса, биз доимо қайғу-ҳасратга ёр бўлиб юра оламузми? Доимо қайғу-ҳасратга ёр бўлиб юришга жонимиз тўзим бера оларми экан? Ёки, дейлик, доимо кулмай юра оламузми? Шундай доимо кулмай юришга чидай оларми экан инсон? Йўқ! Мен, доимо қайғу-ҳасрат билан юриш керак, демайман. Аммо ҳеч қайғу-ҳасрат

чекмаслик ҳам мумкин эмас. Демак, кўпроқ ана шу қайғу-ҳасратдан қутулиш учун ҳаракат қилиш керак. Қилганда ҳам – билиб қилиш керак. Чунки ҳар қандай ўринли ҳаракат қайғу-ҳасратни камайтиради. Шундай қилиб, қайғуни ўринсиз кулги билан эмас, ўринли ҳаракат билан камайтириш зарур!

Қайғу-ҳасрат уйига кириб қолиб, ундан чиқолмай қолишнинг ўзи ҳам бир ҳалокатдир. Сен бировнинг ёмон қилигидан кулсанг – роҳатланиб кулма, ачиниб, изза бўлиб кул. Зотан, ачиниб, изза бўлиб қулишнинг ўзи – қайғу-ҳасратдир. Демак, бундай ўринда ўзинг ҳам доимо кулавермайсан, албатта. Борди-ю, яхши одамнинг яхши қилигидан кулсанг, унинг шу яхши қилиқни яхшиликдангина топганини ўзингга ибрат қилиб кул. Яхши-ёмонни кўриб ибрат олмоқ – ҳаётда сени йўлдан озишдан эҳтиёт қилади. Мен ҳамма кулгилар тўғрисида гапириб ўтирмайман. Аммо шу кулгиларнинг ичида бир кулги борки, бундан худонинг ўзи асрасин! Бу кулги худонинг ўзи яратган жойдан – юракдан чиқмай, балки аксинча, мутлақо сохта бўлиб, хўжакўрсингагина кулинади.

Ҳар қандай одам боласи туғилишда йиғлаб туғилади-ю, кейин ўлаётганда норози бўлиб ўлади. Шу икки ўртада дунёнинг у-бу роҳатларини тотиб кўролмай, бирининг кетига бири тушиб, бирига бири мактаниб, не-не эсиз умрини

каёқдаги бўлмағур ишларга сарф қилиб, маъносиз ўтказида, ўлим олдида адо бўлган олтин умрининг ҳатто бир кунини ҳам бутун бисотини, мол-дунёсини сотиб, қайтариб олишнинг иложини топа олмай қолади.

Қувлик ва шумлик билан кун кўриш, кўз сузиб, тиламчилик қилиш бу – бир ҳунарсиз итнинг ишидир. Сен агар одам бўлишни истасанг, аввало, ўз ғайратингга таяниб меҳнат қил, меҳнат қилсанг, кора ер ҳам сендан ўз ноз-неъматини аямайди ва сен ҳеч қачон хор-зор бўлмайсан.

БЕШИНЧИ СЎЗ

Баъзан ичингдаги қайғу-ҳасрат ўзингга ҳам бўй бермай, ташқарига отилиб чиқади: бадан-баданингни жимирлатиб, бўғин-бўғинларингни бўшаштириб, ё кўзингдан ёш бўлиб, ё эса тилингда сўз бўлиб оқади. Мен қозокларнинг бир неча марталаб: «Э, худоё, ҳаргиз ёш боладай беғам қилгайсан!» деб тилак тилаганларини ўз қулоғим билан эшитганман. Бундай дейишларининг сабаби: гўё улар ўзларини ёш болалардан ақллироқ ҳисоблаб, ғамгин кўрингуси келади. Хўш, уларнинг ғамлари нимадан иборат? Буни уларнинг мақолларидан ҳам билиб олса бўлади: «Ярим кунлик умринг қолса ҳам, бир кунлик мол йиғ», «Ўзингда йўқ бўлса, отанг ҳам душман», «Мол – одамнинг жигар гўшти», «Моли кўпнинг – юзи ёруғ, моли йўқнинг – юзи чориқ», «Эр озиғи



билан бўри озиғи йўлда», – «Эрнинг моли элда, хоҳлаганда кўлда», «Еган огиз уялар», «Олағон кўлим берағон», «Мол топган эрнинг ёзиғи йўк», «Бойдан умидсиз – худодан умидсиз», «Қорнинг очса, қорали уйчага чоп», «Сайри йўк кўлдан без, хайри йўк элдан без» деган каби мақоллари жуда кўп.

Хўш, бу мақоллардан қандай маъно чиқади? Бундан маълум бўладики, қозоқлар тинчлик учун, илм-фан учун, адолат учун ғам емас экан, балки аксинча, мол-дунё учун ғам чекар экан; қандай қилиб мол топишнинг йўлини билмас экан; билганлари ҳам молликларнинг молини алдаб ёки авраб олиш, борди-ю, унга ҳам кўнмаса, ёвлашиб олишдан иборат экан. Агар моли бор бўлса, ўз отаси билан ҳам ёвлашишдан уялишмас экан. Ишқилиб ўғрилик, шумлик, тиланчилик, кўйинг-чи, шунга ўхшаш ярамас фазилатлар билан мол топса – буни айбга санамаслигимиз керак экан.

Буларнинг ёш бола ақлидан қаери ортик? Лекин қизиғи шундаки, ёш бола ланғиллаб олов ёниб турган ўчоқдан кўркади, аммо мана булар эса дўзахдан ҳам кўркмас экан; агар ёш бола уялса – қизариб ерга қарайди, аммо булар эса без бўлиб тураверар экан. Шуми буларнинг ёш боладан ортиқлиғи? Кўлимиздаги бор молимизни улашиб бермасак, биз ҳам ўшалардек бўлмасак, юз ўгиришар экан, шумиди бизга керак элу юрт?

ОЛТИНЧИ СЎЗ

Қозокларда: «Хунарнинг боши бирликда, ризкнинг боши тирикликда» деган мақол бор. Аммо улар: бундай бирлик қандай элда қандай қилса бўлади – буни билишмайди. Улар: от ўртада, ош ўртада, кийим ўртада, бойлик ўртада бўлса экан, деб ўйлашади. Ундай бўлса – бойликдан нима фойда-ю, камбағалликдан нима зиён? Ундай бўлса – ошна-оғайнинг йўқолмай туриб, мол топишнинг нима кераги бор? Шуми бирлик? Йўқ! Бирлик – қўрангдаги молда эмас, тушунчангда бўлиши керак. Мол берсанг отаси бошқа, онаси бошқа, дини бошқа, тирикчилиги бошқалар ҳам сен билан тинч-тотув бўлаверади. Агар бирлик мана шундай ҳисоб билан ўлчанса, яъни молга сотиб олинса, бу бирлик-бирлик эмас, аблахликдир! Дўст бўламан деган киши бер демасдан дўст бўлса, тинч-тотув яшаса, туз-насибасини худодан тиласа яхши бўлади. Акс ҳолда, туз-насибасини худодан тиламайди, меҳнат қилмайди ва бир-бирига бало излайди, бир-бирини алдашнинг пайига тушади. Хўш, шу ҳам бирлик бўлдимиз энди?

«Ризк – тирикликда» дейишади. Бу нима дегани? Демак, танангда жонинг бўлса – тириклик шуми? Йўқ. Бундақа тириклик итда ҳам бор. Тирикликни шундай деб тушуниб, шу тушунча билан яшаган одам ўлимни ёт кўриб, охират-




га душман бўлади. Ўз жонинигина ҳимоя қилиб, ёв тегса кочиб, кўрқоқ аталиб, меҳнат қилишдан бош тортиб, эринчоклик қилиб, маҳсимча бўлиб юриш – бу ҳам юқорида айтилган ризққа нисбатан нонкўрлик қилишдир. Тирикликни бундай тушуниш ярамайди; ўзинг тирик бўлганинг билан кўнглинг, кўкрагинг ўлик бўлса, бу тириклик – тириклик эмас, албатта; ўзинг тирик бўлсанг-у, кўкрагинг ўлик бўлса – ақл топсанг мол топмайсан, мол топсанг ақл топмайсан. Ҳалол меҳнатинг билан эринчоклик қилмай мол топиш учун ғайрат қилолмайсан.

Иш вақтида айёр, ош вақтида тайёр бўлиб, сиртинг ялтираб, ичинг қалтираб юриб, тирикман дегандан кўра – бундан худо юборган ҳалол ўлим минг марта афзал.

ЕТТИНЧИ СЎЗ

Бола онадан туғилганда икки турли одат билан туғилади. Бири: есам, ичсам, ухласам демокликдир, албатта; шунингдек, булар таннинг сихат-саломатлиги учун зарур ҳамдир; булар бўлмаса – танда жон ҳам бўлмайди, ўсмайди ҳам, қувватга ҳам кирмайди. Иккинчиси: кўрсам, билсам демокликдир. Бола ёшлигида нимани кўрса – шунга талпинади, ялт-юлт этиб қарайди, кўрган нарсасини кўли билан ушлаб, юз-кўзига яқин олиб бориб суйкагиси, оғзига солиб тишлагиси келади. Карнай-сурнай овозини



эшитса – ён-атрофига аланглаб қарайдиган бўлади. Сал каттароқ бўлганидан кейин эса, ит хурса ҳам, мол мўраса ҳам, биров келса ҳам, йиғласа ҳам ўрнидан тура югуриб чиқиб қарайдиган ва: «У нима?», «Бу нима?», «У нега ундай килди?», «Бу нега бундай килди?» деб кўзи кўрган, кулоғи эшитган нарсаларни сўрайдиган бўлади – ҳеч тин топмайди. Буларнинг ҳаммаси – кўрсам экан, билсам экан, ўргансам экан, деган табиий қизиқиш аломатидир, албатта.

Дунёдаги барча мавжуд ходисаларнинг сирини ҳеч бўлмаса юзакироқ бўлса ҳам билмаслик – одамгарчиликдан эмас. Шунини ҳам билмагандан кейин, бу одам – одам эмас, балки ҳайвондан ҳеч фарқи йўқдир...

Биз ҳали ана шу кучимиз, қувватимиз, ақлимиз етмаган бола кезимиздаги ҳар нарсани: «Бу нима?», «У нима» деб сўрашимиз ва ҳатто шу туфайли овқат ейишни ҳам эсимиздан чиқариб юборадиган пайтларимиз, қизиқишларимиз нега энди улғайиб, ақлимиз киргандан кейин ўз фаолиятини йўқотиб қўяди? Нега энди биз ўша болалик пайтимиздаги қизиқувчанлигимизни улғайиб, ақлимиз киргандан кейин ҳам сўраб, билиб олмаймиз ва илм йўлида ишлатмаймиз?

Дунёқарашимиз кенгаярди, илм бизга жон озиғи бўларди. Тандан ҳам ақл ортиқ, биз ана шу ақлга танни бўйсундиришимиз керак эди. Йўқ, биз бундай килмадик, бундай қилиш бу ёқда турсин, ҳатто ҳар қайсимиз ўз ову-

лимиз атрофидаги машмашалардан нарироқ узоклашиб чиқа олмадик. Ақл-идрок бизни ёш кезимизда ўзига тобе қилиб юрган экан, ёшимиз улғайиб, танимиз кучга тўлгандан сўнг, биз ақл кўрсатган йўлдан юрмадик. Ақлни танга қарам қилиб кўйдик, ҳар нарсага кўнгил қўймадик, кўз билан кўрмадик, кўнгил айтиб турса ҳам – унга ишонмадик. Кўз билан кўрган нарсаларимизни юзасинигина кўриб, унинг ичида нима бор, нима йўқлигига қизиқмадик, уни билмаган кишини бир нарсаси камиб қоладими, дедик. Биров бизга ақл ўргатса: «Ўз билганинг – ўзингга, ўз билганим – ўзимга?», «Киши ақли билан бой бўлгунча, ўз ақлинг билан ёрли бўл» – деган, деймиз. «Бо Худо, кимдан ким ортиқ экан!» деймиз-у, ортиқ эканини билмаймиз, билганлар айтса – ишонмаймиз.

Қалбимизда шуъла, кўнглимизда ишонч йўқ. Фақат кўзимиз билан кўрамиз-у, қаноат ҳосил қиламиз. Хўш, бизнинг ҳайвондан нима фарқимиз бор? Қайтанга ёш пайти-мизда яхши эканмиз: ҳар қалай тушунсак-тушунмасак билсак экан, кўрсак экан, деб қизиқувчи одам боласи эканмиз. Энди шу кунларда ҳайвондан ҳам ёмонмиз. Ҳайвон ўзи ҳеч нарсани билмайди, билишга қизиқмайди ҳам. Энди биз-чи, биз ҳам ўзимиз ҳеч нарсани билмаймиз-у, лекин кези келганда, бизлар ҳам биламиз, деб нодонлигимизни билимдонликка йўйиб, ўлган-тирилганимизга қарамай, қизаришиб-бўзаришиб, бўйин томирларимизни бўрттириб талашамиз.

САККИЗИНЧИ СЎЗ

Шу замонда ким ақл ўрганади, ким насихат тинглайди?

Ҳозир одамларнинг бирови бўлис бўлса, бирови бий. Уларнинг бировдан ақл ўрганаман, насихат тинглайман, деган ниятлари бўлса, аввало, бу лавозимларга сайланмаган бўлур эдилар. Улар бу лавозимларга: ўзимиз улуғ кишилармиз, ўзгаларга ақл ўргатамиз, деб сайланганлар. Ўзлари гўё расмана тузук кишилар-у, энди ўзгаларни – бузилган элни тузатмоқ истайдилар. Улар энди қандай қилиб сенинг ваъз-насихатларингни тингласин? Агар тингламоқчи бўлганда ҳам халқнинг бунга қўли тегармикин? Бошларида ўзларига яраша талай ишлари бор: «Тагин улуғларимиз олдида айбдор бўлиб қолмасмикинмиз, эл орасидаги бузғунчиликларимиз авж олиб кетмасмикин, ёки бекорга чиқим бўлиб, ўрнини тўлдира олмай юрмайлик?» – деган каби, бировни кутқарай, бировни одам қилай, деган ташвишларнинг ҳаммаси шуларнинг бошида. Энди қандай қилиб уларнинг бунга қўли тегсин, ахир?

Бойлар-чи? Уларнинг ҳам ўзларига яраша ташвишлари бор: бир кунлик бўлса ҳам, бошларига давлат қўниб, гўё дунёнинг ярим оғирлиги шуларнинг елкаларида турибди. Ўзларида йўқ нарсаларни мол бериб сотиб олишадди. Кўнгиллари тўқ, ғамлари йўқ, кўзлари осмонда, улар



учун ҳалол-харом, ахл-идрок, илм-фан каби нарсалар мол-дунёдан қиммат эмас. Мол бўлса Аллоҳ таолони ҳам пора билан сотиб олмоқчи бўлишади. Бундай кишиларнинг дини ҳам, худоси ҳам, ақл-идроки, элу юрти, илм-хунари, ор-номуси, яқин-йироғи ҳам – ҳаммаси мол-дунё. Шундай бўлгандан кейин, улар энди қандай қилиб сўз уксин, уқишга қўли тегармиди? Улар молларини суғоришлари, тўйғазишлари, савдо-сотик ишлари билан шуғулланишлари, ҳамма нарса устидан назорат қилишлари, молларини боктириш, ёлғон-яшиқдан сакланиш, қиш ташвишларига тайёргарлик кўриш учун одам топиб, уларни ёллашлари керак. Шу ишларнинг уддасидан чиқиб, ахийри, мен бундай қилдим, деб мактанаман дегунча қанча-қанча замонлар ўтиб кетади! Сира ҳам қўли тегмайди.

Энди ўғрилар, муттаҳамлар-ку, ҳеч ҳам бундай панд-насиҳатларни тингламайди.

Унча-мунча камбағаллар эса, сўз тинглаш бу ёқда турсин, ҳатто ўз кунларини ўзлари зўрға кўриб юришибди. Илм-фан ҳалигидай эл аёнларигаки керак бўлмагандан сўнг, бу бечоралар нима қилсин уни? Яна улар, гўё камбағаллар учун илмнинг кераги йўқ, дегандек қилиб: «Бизларни нима қиласан, бу панд-насиҳатларингни анови гапга тушунадиганларга айт!» деб эл аёнларини кўрсатишади. Буларнинг эса ўзгалар билан иши йўқ. Юқорида айтганимиз бўлислар,



бийлар, бойларнинг ҳам кўнглида ҳеч қандай қайғу-ҳасрат бўлмаса керак.

ТЎҲҚИЗИНЧИ СЎЗ

Мен ўзим козоқман. Лекин козоқларни яхши кўраманми, йўқми – гап ана шунда. Агар яхши кўрсам – уларнинг қилиқларини маъқуллаган, ҳар нечук бойларидан одам яхши кўргудек, кўнгил тўлгудек бирор фазилат истаб топган бўлур эдим. Шунини кўнгилга тутиб, унисини бўлмаса буниси, ёмони билан бирга яхшиси ҳам бор-ку, деб ўзимга тасалли берган ва умид узмаган бўлур эдим. Бироқ бундай ниятим йўқ. Агар ёмон кўрсам – улар билан сўзлашмаган, мажлисдош, сирдош, суҳбатдош бўлмаган, уларнинг олди-га бормаган ва: «Нима қилди, нима қўйди?» демаган бўлур эдим. Борди-ю, ундай қилмаган тақдиримда ҳам, буларнинг ўртасидан кўчиб кетган бўлар эдим. Буларнинг барини тузатишга ҳам, тузалишига ҳам ақлим етмайди, йўқ, сира ҳам етмайди. Нега бундай экан-а? Ахир, ё у томон, ё бу томон бўлишим керак-ку, аслида!

Мен ҳозир тирик бўлиб тирик, ўлик бўлиб ўлик эмасман. Жон ҳам бекордан-бекорга чиқмас экан. Ёки дил хиралигим – шу ўлим ташвишиданми экан? Ёки ўзимнинг хафалигимданми? Ё эса бошқа бир сабабданми? Нима учун бундай – унисини ўзим ҳам билолмайман. Ҳар ҳолда сир-

тим соғ-у, ичим ўлиб қолибди. Жаҳлим чикса – изза бўлолмайман, кулсам – қувонлолмайман, сўзлаган сўзларим бари ўзимники эмасдай, ҳатто ўз кулгим ҳам ўзимники эмасдай, ҳаммаси бегона, аллақимникидай ёт туюлади. Ёш, ғайратли кезларимда қозокларни яхши кўрардим, шунинг учун ҳам улардан умидим қатта бўлиб, кўзим қийиб бир ёққа ташлаб қетолмасдим. Кейинроқ бориб улардан умидимни узган чоғимда эса, бундоқ қарасам, юрагимда ўзга юртга бориб, ёт кишилар билан дўст бўларлик қуч-қувватим, ғайратим, чўғим сўниб қолган экан. Демак, мен энди қуруқ гавдамнигина кўтариб юрган эканман. Асли ўзи бир ҳисобдан шу ҳам яхши, чунки ўлар чоғимда: «Эҳ аттанг, қанчадан-қанча кўрмаган нарсаларим қолиб қетди!» деб ачинмай, орқолдингга қарамай ўласан киши.

ЎНИНЧИ СЎЗ

Баъзи бир одамлар худодан фарзанд сўрайди. Хўш, нима қилади худодан фарзанд сўраб? «Ўлсам ўрнимни боссин, орқамдан Қуръон ўқисин, қариган чоғимда қунимга ярасин» деб тилашади. Шундан бошқа дардлари йўқ.

Хўш, болам ўрнимни боссин, дегани нимаси? Нима, ўзингдан қолган дунё эгасиз қолади дейсанми? Орқангда қолган дунёнингнинг ғамини сен емоқчимидинг?! Бу – ўлим олди моли дунёнингни ўзгандан қизғаниб айтганингми? Ёки се-

нинг бу дунёда ўзгага қиймайдиган ниманг бор экан шунчалик? Фарзанднинг ҳам яхшиси – яхши, ёмони – бошга битган бало бўлади. Сен худодан унинг қанақа бўлишини билиб сўрадингми? Дунёда ўзинг кўрган хор-зорлигинг, ўзинг қилган итлигинг озмиди? Энди яна нимага фарзанд кўриб, уни ҳам расво қилишга, хор-зор қилиб ташлаб қўйишга мунча ҳумор бўлмасанг?

Агар орқамдан Қуръон ўқисин дейдиган бўлсанг, тириклигингда одамларга яхшилик қилган бўлсанг, ким сенга Қуръон ўқимади дейсан? Борди-ю, бу дунёда ёмонликни кўп қилган бўлсанг, боланг ўқиган Қуръон у дунёда сенинг жонингни асраб қолармиди? Тириклигингда ўзинг учун қилмаган ишни, ўлганингдан кейин боланг қила олармиди? Эсингда бўлсин, охират учунгина фарзанд тилаганинг – фарзандим унмай-ўсмай жувонмарг бўлсин, деганинг бўлади. Борди-ю, унсин-ўссин, деб ният қилган бўлсанг, хўш, қозоқларда униб-ўсиб, ота-онасини жабр-ситамдан қутқарадиган бола туғилганми ўзи ҳеч шу чокқача? Туғилганда ҳам ундай ўғлонни сен каби ота, сенинг халқингдай халқ, сенинг элингдай эл парвариш қилиб камолотга етказарми экан?

Агар қариган чоғимда кунимга ярасин десанг – бу ҳам шунчаки бир гап. Лекин, аввало, ўзинг қаригунча яшайсанми, йўқми – бу ёғи ҳам бор. Иккинчидан, худодан ти-

лаб олган фарзандинг сенга меҳрибон, меросхўр бўлиб туғиладими, йўқми – буниси ҳам бор. Учинчидан, молинг бўлса сени ким асрамайди? Агар борди-ю, молинг йўқ бўлса – сени қандай қилиб рози қилиб асраши мумкин? Тилаб олган фарзандинг ҳам сенга молтопар бўлиб туғиладими, ё молсочар бўлиб туғиладими – буниси номаълум, албатта. Хўш, ана борингки, Яратган сенга фарзанд ҳам берди, дейлик. Сен уни ўзинг тарбия қила оласанми? Қилолмайсан. Ўзинг гуноҳ қилганинг қилган, фарзандинг қилган гуноҳларга ҳам шерик бўласан. Авваламбор фарзандингни: «Ана уни олиб бераман, мана буни олиб бераман» деб ўзинг алдайсан. Яна уни алдаганинг учун хурсанд ҳам бўласан. Лекин кейин фарзандинг ҳам ўзингга ўхшаб алдамчи бўлса – айт-чи, кимдан кўрасан? Ўзинг унга: «Фалончини бир бошлаб сўккин!» деб ўргатасан-у, ҳақорат қилинган бечора боланинг койимокчи бўлса, яна сен: «Кўй, унинг ўзи тентак, унга тегманглар!» деб уни мазах қиласан. Шу билан уни безори қилиб ўргатасан. Мактабга берганинда ҳам, мулланинг энг арзонини қидириб топиб, хат таниса, қув, шум бўлса бўлди-да, деб берасан. «Эҳтиёт бўл, фалончининг боласи сени орқангдан сотиб кетади» деб яна унинг қулоғини бурайсан, инсонга бўлган ишончини йўқотиб тарбиялайсан? Шуми берган таълимнинг? Яна шу болангдан қандай қилиб хайр-эҳсон кутасан?

Кейин, мол тилайсизлар. Хўш, нима қиласизлар шунча молни худодан тилаб? Авваламбор молни худодан тиламай-сизлар. Худонинг берганини эсга олмайсизлар. Худо сизга меҳнат қилиб мол топгудек куч-қувват ато қилди. Бирок, нега энди шу куч-қувватни одил иш учун сарф қилмаймиз. Бу куч-қувватни ўз ўрнини топиб сарф қилсин деб илм берди, буни ҳам ўқимаймиз. Ўқисак-ўргансак уқадиган, тушунадиган ақл-фаросат берди, ким билсин, буни қаёққа йўқотганимизни?.. Эринмай меҳнат қилса, ҳормай-толмай изланса, топган-тутганини тадбир билан харж қилса, ким бой бўлмайди дейсиз? Буларни биз керак қилмаймиз. Бор билганимиз: бировдан кўрқитиб олсак, бировдан ялиниб олсак, бировдан алдаб олсак деймиз – мана бизнинг муд-даомиз.

Бу худодан сўраш эмас. Бу – обрўсини, орини сотиб, тиланчилик, талончилик қилиш демакдир. Майли, шундай қилиб ақл топдинг, мол топдинг, бойидинг, дейлик. Энди ана шу бойлигингни сарф қилиб, илм топишинг керак. Борди-ю, ўзинг ўқий олмасанг, бола-чаканг ўқисин. Илмсиз охират ҳам йўқ, дунё ҳам. Мен умримда ҳеч қачон, гарчанд итлик қилиб бўлса ҳам, мол топиб, одамгарчилик йўлида сарфлаган бирорта ҳам қозокни учратмадим: ҳаммаси ҳам молни ит азобида топади-ю, итлик қилиб айрилади. Ўлганида эса, азоб-укубат, оғир меҳнат изи, қайғу-ҳасратдан бошқа ҳеч

нарса ортқизиб кетмайди. Борида: «Бойман» деб мақтанса, йўғида эса: «Менинг пешонамга ҳам илгари мол битган эди» деб мақтанади. Ниҳоят, гадо бўлиб қолгач, хайр-садақа сўрашга, тиланчилик қилишга тушади.

ЎН БИРИНЧИ СЎЗ

Шу замонда қозоқлар нима билан тирикчилик қилишади? Менингча, икки нарса билан:

Биринчиси ўғрилик; ўғрилар ўғрилик билан мол топиш пайида; мол эгалари бўлса чоракорлардан қисиб-қимтиб бойиш пайида, эл аъёнлари эса: ундириб бераман деб даъвогарни, кутқараман, деб ўғрини ейиш билан овора. Қора халқ бўлса: ўғрининг ўғрилигини айтиб мол топаман, ўғрига отимни бериб фойда кўраман, арзон-гаровга нарса сотиб оламан, деб ҳалак.

Иккинчиси бузуқлар, иғвогарлар ҳеч кимнинг хаёлида йўқ нарсаларни кўзгаб, бундай қилсанг бек бўласан, ундай қилсанг бой бўласан, бундай қилсанг ўч оласан, ундай қилсанг номинг чиқади, зўр аталасан, деб бели бақувватроқ одамларни йўлдан оздириш билан овора. Ким йўлдан озса, шунинг қўлтиғига сув пуркаб, охир бир кун керак бўлиб қолади, деб ўйлаб, ўз манфаатини кўзлаш билан банд.

Эл катталари бўлса иғвогарнинг сўзига учиб: «балли-балли», яхши ақл топибсан, мен сени бундай қилиб суяйман,

деб бунга айтиб, мен сени ундай қилиб суяйман, деб унга айтиб, ким кўринганни алдаш, талаш билан кун ўтказади. Қора халқ бўлса: мен шунча жонман, уруғ-аймоғимиз билан сизнинг хизматингизда бўламиз, тарафингизни оламиз, сўйилингизни сўқамиз, деб ким кўпроқ берса – ўша томонга ўтиб, худога ёзиб, ўз бошини, овулини, хотин, бола-чақасини сотиш билан овора. Агар мана шу ўғрилар, муттахамлар, иғвогарлар орамиздан йўқолса эди, унда эл-юрт эс-хушини йиғиб олган, тирикчилик ғамига тушган бўларди. Бойлар молини боқиб, камбағаллар эҳтиёжини излаб, эл меҳнатига берилиб, ўз йўлини топиб олган бўларди. Аммо ҳозир бутун халқ мана шу икки бўлмағур одат билан машғул – буни ким тузатади, ким? Афсус-афсус: қасам, шарт, адолат, ор-номус, андиша каби ажойиб фазилатлардан бир йўла махрум бўлиб қолганимизми-а? Эҳтимол, ўғрини тийиш мумкиндир-у, аммо анови иғвогарлар, бузукиларнинг гапига қулоқ соладиган тентак бойларни ким тияди, ким?

ЎН ИККИНЧИ СЎЗ

...Илм ўрганишни ҳамиша давом эттиравериш керак. Агар кимда-ким уни тўла ўрганмай туриб, шу билганим ўзимга етади, деб бор билимига қаноат қилса – у одамни худо ургани: унинг қилган тоат-ибодати ҳам охиратда қабул бўлмайди. Агарда кимда-ким имонининг қандай

килиб мустаҳкамланишини ва қандай килиб заифланишини билмаса, у ҳолда унинг бошига салла ўраб, биродар аталиб, рўза тутиб, намоз ўқиб юриши – бари беҳуда: бу худди қалин тўламай туриб, сепини сўрагандек бир гап. Парвариш, покизалик, ростгўйлик бўлмаган жойда имон ҳам бўлмайди, чин ихлос билан ўз-ўзини парваришлаб турмайдиган, динга жони ачимайдиган кишини «имони бор» деб бўлмайди.

ЎН УЧИНЧИ СЎЗ

Имон деган нарсани – Аллоҳ таборак ва таолонинг шак-шубҳасиз бирлиги ва мавжудлигига, пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва саллам орқали юборган оятларига бўйсуниб, инонмоқ, деб тушунмоқ керак. Имон икки турли бўлади. Биринчидан: бирор нарсага имон келтирганда, аввало, шу нарсанинг ҳақ, мавжуд эканлигига имон келтирувчининг ўзи шак-шубҳа қилмаслиги, уни ақли билан исбот килиб бериши ва шу тушунчасида барқарор туриши лозим. Буни имони солим деймиз. Иккинчидан: китобдан ўқиб ёки муллалардан эшитиб имон келтирмоқ ва шу ишончда муқим турмоқ керак. Борди-ю, биров ўлдираман деб кўрқитса ҳам ва бу йўлда бошига минг хил балони тўнқарса ҳам – кўнглига шубҳа солмай, иккиланмай, имон-ишончини мустаҳкам тутмоғи лозим. Буни имони тақлидий деймиз.

Бундай имонни саломат сақлаш учун киши довжур, ўзига ишонган, асаблари мустаҳкам бўлиши лозим. Энди имони солим деган кишиларимиз илмсиз бўлса, имони тақлидий деган кишиларимизнинг сўзида қарор бўлмаса: ё алдаганга, ё йўлдан оздирганга ва ёки нафс балосида бирор манфаат ахтариб, окни қора, қорани оқ, ростни ёлғон, ёлғонни рост деб қасам ичадиган кишиларга нима дейсиз? Худой таоло бундайлардан паноҳида ўзи асрасин! Аммо юқорида баён қилганимиз икки турлидан бошқа имон йўқ – буни билиш зарур. Имонга шак келтирган бандаларни Алло таоло афв этмайди ва пайғамбаримиз ҳам шафоат қилмайди, бу мумкин ҳам эмас. «Қилич устида шарт йўқ», «Худой таолонинг кечмас гуноҳи йўқ» – деган қалбаки мақолларга суянган бандаларнинг башараси курсин!

ЎН ТЎРТИНЧИ СЎЗ

Тирик одамнинг юракдан ҳам азиз жойи борми? Бизнинг қозоқларда «юракли киши» дегани – ботир киши дегани. Улар юракнинг бундан бошқа фазилатларини тушунмайдилар. Раҳм-шафқат қилиш, меҳрибонлик, инсон фарзандини ўз бағрим деб тушуниб, уларга ҳам ўзини аягандек аяб қараш – буларнинг ҳаммаси юрак ишидир; шунингдек, ошиқлик, севги-муҳаббат ҳам юрак иши. Юракнинг маслаҳатига амал қилиб гапирилган гап ёлғон чиқмайди.



Юракнинг айтганига кирмай, нафсининг буюрганини қилсанг – сўзсиз адашасан.

Юракнинг айтганига кирмай, нафсининг буюрганини қилсанг – сўзсиз адашасан. Қозокларнинг «юракли» деган кишиси – макташга унча арзимади. Улар: бировнинг айтган гапига кирадиган, ваъдага вафо қиладиган, ёмондан тез юз ўгирадиган, итга ўхшаб кўч кетидан эргашавермайдиган, балки аксинча, адашган кўпнинг жиловидан ушлаб тўғри йўлга солиб юбора оладиган, гарчанд мушкул бўлса-да, адолатли ақл эътироф этган нарсага бўйсунадиган, адолатсиз ақл эътироф этган нарсага, гарчи осон бўлмаса-да, бўйсунмайдиган кишиларни ботир деб ҳисобламайдилар. Балки аксинча, улар фақат қашқир юракли кишиларнигина ботир деб тушунадилар.

Қозокларда одам боласи ақлсизлигидан йўлдан озмайди, балки ақлли гапларни уқиб олишга зеҳни ўтмаганлигидан, ғайратсизлиги ва қарорсизлигидан йўлдан озади. Мен уларнинг кўпчилигининг бирор ишни «билмасдан қилиб қўйдим» деганларига мутлако ишонмайман. Улар гарчанд билиб турсалар ҳам, ножўя ишларга орсизлиги, виждонсизлигидан йўл қўйишади. Ёмонликка бир берилиб кетди-ми, бас, ундан ўзини тортиб оладиган журъат қозокларда камдан-кам бўлади. Уларнинг эл орасида: эр йигит, ботир йигит, пишиқ йигит, деган гапларига ишонмаслик керак.

Улар бу сўзлар билан йигитларни бўлар-бўлмасга мактаб, ҳовлиқтириб, йўлдан оздиришади-ю, охири нима билан ту-гаши ҳақида ўйлашмайди. Худога ҳам, бандасига ҳам хуш келмайдиган, ор-номусни оёқости қиладиган бу ишлардан ўзини соф тута олмайдиган, беҳуда мақтовларга учадиган, ўзининг қилаётган ишини ўзи сезмайдиган йигитни яхши йигит деб бўладими? Сатқани яхши йигит кетсин у! Шу ҳам одам бўлди-ю.

ЎН БЕШИНЧИ СЎЗ

Менинг назаримда, ақлли киши билан ақлсиз кишини ажратиб турадиган битта нарса бор.

Авваламбор, бандаси яратилгандан кейин, дунёдаги мавжуд нарсаларга қизиқмай иложи йўқ. Худди ана шу пайт унинг умрида энг қизиқ даври бўлиб эсида қолади. Шунда ақлли одам келгусида нафи тегадиган бир ишга меҳр қўйиб, ихлос билан ёпишар экан-у, бир кун унинг ана шу қизиққан нарсаси ўзининг севган касбига айланиб, қунига яраб, кўз кўрадиган, кулоқ эшитадиган, кўнгил севадиган бўларкан. Ниҳоят, шундай ўтган умрнинг ўқинчи ҳам бўлмас экан.

Ақлсиз киши нимаики кўрса – шунга ҳавас қилиб ва уларнинг бирортасини ҳам бошини тутолмай, не-не тил-лага топилмайдиган умрини ит азобида хор-зорлик билан ўтказиб юборар экан-у, кейинги ўқинчидан фойда

чикмас экан. У одам ўзини ёшлигида, бу ҳунар бўлмаса, у ҳунар, деб ўзини ҳар ишга қодир сезиб, у шохдан бу шохга учиб-қўниб, гўё ёшлиги абадий тураверадигандай, белининг куввати, кўзининг нури кетиб қаримайдигандай кўринаркан-у, вақти келиб, тушуниб, бирор ишнинг бошини ушлайман, деганда, ёши ўтиб, кучи кетиб, қўлидан ҳеч нарса келмай қолар экан.

Кейин ҳар нарсага бир қизиқиш масаласи. Агар бирор нарсага қизиксанг – бора -бора уни севиб қоларкансан, киши. Бир нарсани севишнинг ўзи ҳам бир дард бўларкан. Ана шу севган ишингга, касбингга етай-етай деб турганинда, одамда қандайдир бир мастлик, мағрурлик пайдо бўларкан. Маълумки, ҳар қандай мастлик кишининг айбини кўпроқ юзага чиқарар, кўзларини шира бостирар, мағрурлантириб юборар экан. Ана шундай пайтда эслик одам эсини йўқотиб қўймай, ақл-хушини бир жойга йиғиб олиб, ўз касби-корининг этагидан маҳкам ушлар экан. Эссиз, овсар кишилар эса боши айланиб, кўзи тиниб, босартусар жойини билмай, ҳовлиқиб, бош яланг, эгар-тўқимсиз отини қамчилайверар экан – мен шуни кўрдим.

Агарда сен ҳам ақлли кишиларнинг сафида бўлгинг келса, ҳар куни бир марта, ё ҳафтада бир марта, ҳеч бўлмаса ойида бир марта ўзингга ўзинг ҳисоб бер! Ўтган умрингни қандай ўтказибсан: на илмга, на жамиятга ва на ўзингга

фойдали бирор иш қилибсанми? Ё эса қандай қилиб ўтказганлигингни ўзинг ҳам сезмай қолибсанми?

ЎН ОЛТИНЧИ СЎЗ

Қозоклар: қилиб юрган бандачилигимни худой таоло хуш кўрадимми, йўқми, деб ўйламайди. Фақат элу юрт нима қилса – биз ҳам шуни қилиб, йиқилиб-сурилиб, ётиб-туриб юраверсак бас, деб ўйлайди. Савдогар ўз насия пулларини сўраб келганда баъзи бир одамлар кўзларини лўқ қилиб: «Борим шу, хўп десанг ола қол, бўлмаса йўқ нарсани сенга қаердан йўндириб бераман?» дейишарди. Худди шунга ўхшаб, булар ҳам Яратганни баъзан шундай савдогарга менгзамоқчи бўлишади. Бирор нарсага ихлос кўйиб, фикр юритиб, машқ қилиб ўрганишмайди. «Билганим шу, қариганимда қандай қилиб ўрганай» дейди. «Менга ўқимадинг деб айтишмаса ҳам бўларди, тилим айланмаса нима қилай» дейишади. Нима, уларнинг тили ўзга халқларнинг тилидан бошқача қилиб яратилганми?

ЎН ЕТТИНЧИ СЎЗ

Бир куни Ғайрат, Ақл, Юрак – ҳар қайсиси ўз хунарини мактаб, айтишиб, тортишиб қолишибди-ю, Илмнинг олдига келиб, ундан ҳакамлик қилишни сўрашибди.




Шунда биринчи бўлиб Ғайрат сўзлабди:

– Эй Илм, – дебди у, – ахир ўзинг биласан, дунёда ҳеч бир нарса йўқки, у менинг иштирокимсиз камол топсин. Аввало, мана, сенинг ўзингни билиш ҳам, эринмай, сабот ва матонат билан излаб, ўрганиб, яна уни ўз ўрнида ишла-тиш ҳам – менинг ишим. Ҳар куни ўз вақтида тоат-ибодат-ни канда қилмай ўрнига қўйиш ҳам менинг ишим. Сенга маълумки, дунёда ҳар ким ўзига лойик ҳунар ўрганиши, мол топиши, обрў қозониши, мансаб эгаллаши керак – бу-ларнинг ҳаммаси бемехнат бунёдга келмайди. Ўринсиз, бўлар-бўлмас ишларга кўнгил қўйдирмай, инсонни соф саклайдиган, уни гуноҳкорликдан, жохилликдан, шайтон-нинг гапига кириб, нафс балосига гирифтор бўлишликдан асрайдиган, адашган бандаларни тўғри йўлга солиб юбора-диган ҳам – мен эмасми, ахир? Шундай бўлгандан кейин, Ақл билан Юрак нега мен билан масала талашади? – дебди.

Шунда Ақл айтибди:

– На бу дунёда ва на у дунёда нимаики фойдали, нимаи-ки зарарли бўлса – биладиган бир менман. Сенинг сўзингни уқадиган ҳам мен. Менсиз инсон на ўз фойдасини биледи ва на ўз зараридан қочиб кутула олади. Ҳатто, Илмни ҳам ўқиб ўргана олмайди. Шундай бўлгандан сўнг, бу иккаласи мен билан нега ғижиллашади? Мен бўлмасам бу иккаласининг кўлидан нима иш келади? – дебди.



Нихоят, Юракка навбат келибди ва у шундай дебди:

– Мен инсон танасининг подшосиман, қон мендан та-райди, жон менда макон қуради, менсиз ҳаёт йўқ, – дебди у. – Иссиқ уйда, юмшоқ тўшакда ётган тўқ бир одамни: оч-яланғоч, тўшаксиз совқотиб юрган камбағални ҳоли нима кечди экан, деб ўйлантириб, уни у ёнидан-бу ёнига ағанатадиган, уйқусини қочириб, жонини ачитадиган ҳам менман. Катталарга нисбатан ҳурмат-иззат, кичикларга нисбатан меҳр-шафқат қилдирадиган ҳам менман. Бироқ инсон мени ҳамма вақт ҳам соф сақлай олмайди. Охир бир куни хор қилади. Агар мен тоза бўлсам, инсон боласини олаламаган бўлур эдим: яхшисини яхшиликка етказадиган ҳам – мен, ёмонининг таъзирини берадиган ҳам – мен. Адолат, инсоф, ор-номус, раҳм-шафқат, меҳрибончилик каби нарсаларнинг ҳаммаси мендан чиқади. Менсиз буларнинг кўрган куни – кунми? Шундай бўлгандан кейин, бу иккаласи мен билан яна қандай қилиб масала талашишади? – дебди.

Шунда Илм учаласининг гапини бафуржа тинглаб олиб, учаласига шундай дебди:

– Эй Ғайрат, сенинг айтган гапларингнинг ҳаммаси тўғри. Ҳатто у айтганларингдан бошқа хунарларингнинг борлиги ҳам рост, шунингдек, уларнинг сенсиз ҳеч эканлиги ҳам тўғри. Аммо шу билан бирга, куч-қувватингга яраша қаттиқчилигинг ҳам бор. Кўпгина фойданг билан бирга, за-

раринг ҳам йўқ эмас. Баъзан яхшиликка, баъзан эса ёмонликка маҳкам ёпишиб оласан – ана шунинг ёмон!

Сўнг Ақлга айтибди:

– Эй Ақл! Сенинг айтган гапларинг ҳам тўғри. Сенинг иштирокингиз ҳеч нарсанинг бўлмаслиги ҳам рост. Яратгани ҳам сен танитасан, мавжуд ҳар икки дунёнинг қорихолини ҳам сен биласан. Бундан ташқари ҳам кўлингдан кўп нарсалар келади: турли амал, ҳийла-найрангларнинг бари сендан чиқади; яхшининг ҳам, ёмоннинг ҳам таянгани – сенсан. Сен иккаласига ҳам бирдек хизмат қиласан, истаганини топиб берасан – мана шу одатинг ёмон! – деб сўзини давом эттирибди Илм. Энди мен учалангнинг бошингни кўшиб, иттифоқларингни келиштириб қўйишим керак. Бу ишда йўл-йўриқ кўрсатадиган бошлиқ Юрак бўлса яхши бўлади. Чунки, Ақл, сенинг ножўя томонларинг кўп, шу сабабдан Юрак сен етаклаган томонга қараб юравермайди: яхши йўлга бошласанг – жон дилидан юради, ҳатто хурсанд ҳам бўлади; ёмон йўлга бошласанг – сендан жирканади, айтганингга юрмайди, балки кўкракдан ҳайдаб чиқаради.

Сўнгра Илм яна Ғайратга айтибди:

– Эй Ғайрат! Сенинг ҳам куч-қувватинг жуда кўп. Лекин Юрак бош бўлса, сени ҳам ўз эркингга қўймайди. Уни фақат ўринли ишларгагина сафарбар қилади. Ўринсиз нарсаларга-чи, қўл урдирмайди. Менинг гапимга кириб,

учовлон бирга бош кўшинлар, тинч-тотув яшанлар ва ба-
маслаҳат иш кўринлар! – деб маслаҳат берибди Илим. – Агар
учалангиздаги хусусиятлар бирикиб, бир одам бўлсалари-
нгиз – у ҳолда сизнинг босган изингизни табаррук қилиб
кўзга суртса бўлади. Борди-ю, учовингиз ола бўлсангиз,
бир келишимга келиша олмасангиз – у ҳолда мен фақат
Юракнинг тарафинигина ёклайман. Чунки китобларда:
одамгарчилик кишининг қалбида бўлади, қалбингни пок
сақла, дейилган...

ЎН САККИЗИНЧИ СЎЗ

Инсон фарзанди ўз уст-бошини йиртиқсиз-ямоқсиз,
тоза, сипо қилиб кийиниб юргани маъкул. Лекин ўз давлати-
дан ортиқ кийиниб, керилиб ёки ҳаддан ташқари ўзига зеб
бериб юрмоқлик бу – олифтагарчиликдан бошқа нарса эмас.

Олифтанинг икки турли қилиғи бўлади: бири – афт-
башараси, қош-қовоғига оро бериб, сокол-мўйловини
қиртишлаб, кўкрагини кериб, юриш-туришини ўзгартириб,
ясама савлат тўкиб юради; иккинчиси эса – «е, тўним е,
ич, тўним, ич» дегандек, кийган тўнини, минган отини
кўз-кўз қилиб, шу орқали ўзини сипо, бой-бадавлат йигит
қилиб кўрсатиш, ўздан юкорирок кишилар олдида эъти-
бор қозониш, тенгқурларининг ҳавасини келтириб, ҳасад

килдириш, ўзидан пастроқдагиларнинг эса: «Эҳ, эсиз-эсиз дунё, мана бу йигитнинг отидай от миниб, тўнидай тўн кийиб юрганларнинг ҳам армони бормикан!» дегизиш учун шундай қилиб юради.

Бунинг ҳаммаси – камоли масхарабозлик ва аҳмоқликдир. Аввало, одам бунинг кетига бир тушмасин, тушгандан кейин унинг қайтиб одам бўлиши қийин.

«Одобни кимдан ўргандинг? Беодобдан ўргандим!» дегандек, камина олифтагарчиликни ўзига касб қилган бундай кишиларни ёқтирмайди. Зотан, инсон фарзанди бири-биридан кийим-боши билан эмас, балки аксинча, ақли, фазилати, илм-хунари, ор-номуси билан фарқ қилади. Бундан бошқа нарсалар билан, мен фалончидан ортиқман, дейиш бу – аҳмоқликдир.

ЎН ТЎҚҚИЗИНЧИ СЎЗ

Одам онадан ақли бўлиб туғилмайди, балки туғилгандан кейин, дунёда нима яхши, нима ёмон эканлигини эшитиб, кўриб, ушлаб, топиб, зехн кўйиб билади. Кимки, дунёда кўпни кўрса, кўп нарса эшитса – ана шу одам билимдон бўлади. Инсон учун фақат ақли бўлишнинг ўзи камлик қилади. Агар у ақли кишилардан эшитган, билган, кўрган нарсаларини амалда қилса, ёмон нарсалардан ўзини сақла-

са – шундагина у аклли, кўлидан иш келадиган, киройи одам деса арзийдиган бўлади. Агар эшитган гапларини тушунмаса- ю, қайта сўраб, уқиб олмаса, ёки бу гапларнинг қанчалик рост эканлигига кўзи етиб турса-да, эшикдан чиқиши билан эшитган гаплари у қулоғидан кириб, бу қулоғидан чиқиб кетса – бундай одамларга гап гапириб жонни койитиш керак эмас! Бир донишманд: «Гапни гапир уққанга, жонни жонга сукқанга. Гапни айтиб не-тарсан, гап укмас гумроҳларга? Чунки бундайларга гап гапиргандан кўра, гапирмаган маъкул!» – деган экан. Шунга ўхшаб, гапни уққанга гапирган маъкул.

ЙИГИРМАНЧИ СЎЗ

Тақдирнинг ҳақ эканини биласизлар, у – ўзгармасдир. Инсон табиатида бир толиқиш, зориқиш, зериқиш, кўнгил совиш деган нарса бор. Лекин бу хусусиятни инсоннинг ўзи кашф этган эмас, балки у инсон билан бирга яратилган нарса. Одам унга бир бўй берса, қутулиши кийин бўлади. Сен уни қанча ғайрат қилиб, ўзингдан силкиб ташлаб кетмагин, барибир, ундан қутула олмайсан: у сенга яна қайта келиб ёпишаверади. Дунёда ҳеч ақл-хуши жойида бўлган одамнинг кам-қўстсиз, ташвишсиз ўтгани бормикин? Емоқ-ичмоқдан ҳам, ўйин-кулгидан ҳам, тўй-томошалардан ҳам, манман-

лик, мактанчоқлик ва олифтагарчиликдан ҳам зерикади, кўнгли қолади. Ҳаммасидан айб топади, қарорсизлигини билади ва бурунгисидан ҳам кўнгли совий бошлайди. Дунё бир қолипда турмаганидек, одамнинг куч-қуввати, умри ҳам бир маромда, бир қолипда турмайди. Дунёда нимаики мавжуд – Аллоҳ таоло уларга ҳам бир маромда турмоқликни ато қилган эмас. Шундай бўлгандан кейин, қандай қилиб, энди кўнгил бир қолипда турсин?

Бироқ бу зерикиш ҳаммада ҳам баб-баравар бўлавермайди, балки ҳаётга қизиқадиган, кўпни кўрган, ҳамма нарсанинг аччиқ-чучугини тотган ва унда ҳеч қандай маъно йўқлигини билган, ҳамда шунга ақли етадиган одамларгина тирикчиликдан зерикади. Агар шундай бўлса, аҳмоқлик, беғамлик ҳам ғанимат бир нарса эканми, деб қолдим?

ЙИГИРМА БИРИНЧИ СЎЗ

Инсон озми-кўпми мактанчоқлик одатидан холи бўлиши қийин. Мен ўша мактанчоқлик одатининг икки тури мавжудлигини пайқадим. Менингча, биттасини – катталик, иккинчисини – мактанчоқлик деса бўлади.

Биринчиси – каттаконлик, бу – одамлар ичида ўзини ўзи баобрў деб ҳисоблашликдир. Яъни: нодон, енгил,



мақтанчок, одобсиз, орсиз, беқарор, бевурд, тиланчи, ғийбатчи, ёлғончи аталмаслик ва бу ярамас фазилатлардан ўзини эҳтиёт тутиб, уни ўзига ор билиб, ундай нарсалардан ўзини бегона санамоқликдир. Бу – ақллилар, орлилар ода-тидир. Бундай кишилар: ўзимни яхши демасалар, демасин, бироқ ёмон аталмасам бўлди, деб ташвиш тортади.

Иккинчиси – мақтанчоклик, бу – одамлар ичида қандай қилиб бўлса ҳам ном чиқаришга уриниш, нима деса ҳам – десин, ишқилиб, десин, демоқликдир: истасин бой десин, истасин ботир десин, истасин қув, пишиқ десин, ҳар қалай, нима деса ҳам мудом «десин» деб куйиб-пишиб юриб, «де-масин» деган сўзни унутиб қўйишлиқдир. Унутмоқ бу ёққа турсин, ҳатто у сўзнинг керак эканини писанд ҳам қилмайди. Бундай мақтанчокларнинг ўзи уч турли бўлади. Биринчи-си – ётга мақталсам, дейди. Бу нодонлик, албатта, лекин шундай бўлса ҳам – одамгарчилик. Иккинчиси, ўз элимга мақталсам экан, дейди. Бу ҳам бориб турган нодонлиг-у, аммо одамгарчилиги йўқ одамнинг гапи. Учинчиси, бу эса ўз овулимда ё бўлмаса, ақалли ўз уйимда мақталсам экан, дейди. Бундай дейиш – бориб турган нодонлик бўлиши билан бирга, умуман одамгарчиликдан ҳам эмасдир.

Ётга мақталсам деган одам, элим мақтаса экан, дейди. Элимга мақталсам экан, деган одам, ошна-оғайниларим мақтаса экан, дейди. Энди, ошна-оғайнилари ўртасида

мақталишни излаган одам ўзини ўзи мактагани билан баб-баравардир.

ЙИГИРМА ИККИНЧИ СЎЗ

Шу кунларда мен қозоқлар ичида кимни яхши кўрсам экан, кимни қадрласам экан, деб ўйладим.

Бойларни қадрласаммикин? Бироқ ундай десам, бу элда тузуккина бой ҳам йўқ. Бор бўлса – у ўз бошига ва ўз бойлигига ўзи хўжайинлик қилмасмиди? Бирорта бой йўқки, ҳозир у ўз молига ўзи эга бўлсин. Баъзи бир бойлар бировлар билан тиллашиб, ўзининг ёнини олдириш учун юз кишига ялиниб-ёлвориб, топган-тутганини уларга улашиб юришибди. Улар ўйлайдики, ялинтириб бердим, деб. Йўқ, бу аҳмоқликдир. Аксинча, улар ўзлари ялиниб бериб юрибди. Бу хайр-эҳсон ҳам, хотамлик ҳам эмас. Балки фақат ўз эли билан ўзи низолашиб, текинхўрларга қўйинини очиб, мол-дунёсини бекорга сочишлиқдир. Баъзи бир бойлар: эл аёнлари эса бир-бири билан келиша олмагач, дов-жанжаллар кўпайиб кетиб, ана шуларни муросага келтирганларга чор-ночор мол-дунёсини сочиб юрибди.

Мирзалар¹ни қадрлай, десам, шу кунларда эл ичида битта ҳам ҳақиқий мирза йўқ. Бекордан-бекорга мол-дунё соча-

¹ Бу ерда амалдор маъносида.

диган мирза итдан ҳам кўп. Баъзилари фойда кўраман деб мирза бўлиб юришибди, баъзилари – ўлганининг кунидан...

Бўлислар билан бийларни хурмат қилай десам, шу кунларда элда худо берган бўлислик билан бийлик ҳам йўқ. Сотиб, бош уриб, ялиниб олган бўлислик билан бийликда эса – хосият бўладими?

Зўравонларни хурмат қилай, кадрлай десам, ёмонликка келганда – элнинг бари ҳам зўравон, яхшиликка келганда-чи – элдан биронта ҳам зўравон тополмайсан киши.

Ақл-хушли, адолатли, ор-номусли, инсофли кишиларни топиб кадрлай десам – бундай кишилар эл ичида йўқ. Қувлик, шумлик, ҳаромлик, инсофсизлик, амалпарастликка келганда-чи – одамларнинг ҳаммаси эслик бўлиб кетади.

Ғариб-ғураболарнинг бошини силаб, хурмат қилай десам, у ҳам элда камдан-кам. Ётган туяники эплаб мина олмагандан кейин нима кераги бор бундай мўминликни? Агар, энди, эплаб мина оладиган бўлса, бундай ғариб эплаб ғайирлик ҳам қила олади.

Энди қувлар билан шумлар қолди. Ҳаммага аёнки: бундай одамлар бировларни алдамаса, бировларга алданмаса ва шумлик қилмаса тура олмайди.

Хўш, энди кимни яхши кўрай, кимнинг манфаатини ўйлаб, тилагини тилай? Чунки бундан бошқа илож йўқ, ал-

батта! Рост шундай экан, «Кул ўлмас, ризки камимас» деган-дек, ўзининг ўлмас тирикчилигини қилиб, еб тўймай, кийиб ёлчимай, ўғри, муттаҳамларга, золимлар ва қувларга ем бўлиб, хор-зор бўлиб юрган чин маънодаги мўминларнинг манфаатини кўзлаб, тилагини тиламай иложим йўқ. Шундан бошқа чора топа олмадим.

ЙИГИРМА УЧИНЧИ СЎЗ

Бизнинг козокларни ўнгирмай юрган бир қувонч, юпанч деган нарсалар бор. Улар эл ичида бир ёмонни кўришса, ёки ўзи қилмаган қилиқни қилаётган бошқа бировни кўришса ўлгудек қувонади ва: «Худойим бизни фалончидай бўлишдан сакласин! Шу ҳам ўзини дунёда одамман деб бош кўтариб юрибди-да. Унга қараганда бизлар обрўлимиз-ку, унга қараганда бизлар одаммиз-ку?» дейишади. Унга Аллоҳ таоло айтибдимики: «Сен ишқилиб фалончидан тузук бўлсанг бўлгани» деб? Ё билимдонлар айтибдимики: «Агар сендан ҳам ёмон кишилар топилса, сен у ёмонларнинг қаторига кирмайсан» деб? Нахотки яхши турганда, ёмондан ибрат олинса? Ибратни яхшидан олган яхши-ку, ахир!

Масалан, дейлик: юз от пойгага кўшилса-ю, бир от пойгада ўзиб чиқса, ўша пойгада ўзиб чиққан кишидан: олдинда неча от бор эди, деб сўрайди-ку! Орқангда неча от бор

эди, деб сўрашнинг нима қизиғи бор? Мен беш отдан, ё ўн отдан илгари эдим, деган сўзнинг нимаси кувонч?

Яна улар: «Ёлғиз менми, эл-юртнинг ҳаммаси шундай қилиб юрибди-ку! – дейди. «Кўпга келган улуғ тўй, кўп нима бўлса, биз ҳам шу-да» деган сўзларни ўзларига юпанч қилишади. Наҳот унга худой таоло: «Ишқилиб кўпчиликдан қолмасанг бас, кўпчиликка қаҳрим йўқ, кўпчиликни тизгинлаб олишим қийин» деб айтган бўлса? Ахир ҳамма бирдек илмли бўлмайди-ку? Ёки у бир одамдангина тарқалибдими? Илм-хунар кўпчиликдан тарқаладими? Ёки бир одамданми? Кўпчилик озор чекмайдими? Масалан, бир уйли жон тугал касал бўлиб қолгани енгил тегадими, ёки ярми касал бўлиб қолганими? Наҳотки кўпчилик йўл билмай адашиб қолганда, йўл биладиган бир одамнинг кераги йўқ бўлса? Ёки кўп йўловчининг оти ҳоригани яхшими, ё ярмисининг оти ҳориганими? Агар ют келса, эл-у юртнинг ҳаммаси ютагани, ё ярмиси ютаб, ярмиси омон қолгани яхшими?.. Хўш, мана шу кўп аҳмоқнинг бир аҳмоққа нимаси юпанч?

Уруғ-аймоғимиз билан ўзи ҳаммамизнинг оғзимиз шунақа сассик, деб важ қилган ёмон куёв қаерда қайлигини тинчита олибди экан шунчалик? Ёки қайси бечора қайлик ҳеч замонда: бўлмаса сен ҳам ўшаларга ўхшаб оғзингни са-ситиб юравер, деб розилик берибди?



ЙИГИРМА ТҮРТИНЧИ СЎЗ

Дунёда икки миллиарддан ортик халқ бор. Жумладан, икки миллиони қозоқлар. Бизнинг қозоқларнинг дўстлиги, душманлиги, мақтанчоқлиги, зўрлиги, мол топиши, ҳунар ўрганиши, эл-юрт таниши дунёда ҳеч бир халқниқига ўхшамайди. Биз доимо бир-биримиз билан ёвлашиб, бир-биримизнинг молимизни ўғирлаб, бир-биримизнинг қилмиш-қидирмишларимизни киприк қоқдирмай пойлаганимиз-пойлаган. Дунёда уч миллиондан ортик халқи бор шаҳар ҳам бор. Дунёни уч марта айланиб чиққан сайёҳларку тўлиб ётибди. Шундай қилиб, наҳот биз ўла-ўлғунимизча ер юзидаги барча халқлар ўртасида энг хори бўлиб, бир-биримиз билан довлашиб, ёвлашиб, пойлашиб ўтамыз? Ё эса бизлар ҳам ўғрилиқ, муттаҳамликни бас қилиб, одам бўлиб, ер кўриб, эл кўриб, мол-дунёни ҳалоллик билан орттириб, тинч-тотув кун кечирадиган замон келармикин? Ҳай, қайдам?.. Юз молга икки юз одам кўз тикиб юрган бир кезде бир-бирларини қуритмай ё ўзи қуримай тинч топишармикин?

ЙИГИРМА БЕШИНЧИ СЎЗ

Болаларимизни ўқитиш керак, аммо туркийни танийдиган, қўлидан бир иш келадиган, кирои ўқигандан кейин, росмана одам бўладиган даражада ўқитиш керак. Аммо, бу

жойлар дорул харобдир. Бунинг учун ўқийдиган бола бечора, аввало, мол-дунё топиши ва шундан сўнггина араб, форс тиллари билан шуғулланиши керак. Қорни оч кишининг бошида ақл, кўкрагида илмга иштиёқ бўлади, дейсизми? Еб-ичишга мол-дунё бўлмаса, ошна-оғайнининг ўртасига низо тушади – уларни ҳар турли балоларга: ўғирликка, зўрликка, қувликка, шумликка дучор қилади. Мол топса – қорни тўяди. Шундан кейингина илм-хунарга эҳтиёж туғилади. Қорни тўк бўлсагина, илм ўрганагин, ё эса ўғилқизимга ўргатагин, деб унинг кетига тушади. Русларнинг илмини ўрганиш, ўқиш керак. Ҳикмат ҳам, илм-хунар ҳам, билим ҳам, мол ҳам – ҳаммаси русларда. Уларнинг зараридан овлоқ, фойдасига шерик бўлиш учун ҳам тилини, илмини, билимини ўрганишимиз керак. Чунки улар дунёнинг тилини билади. Сен уларнинг тилини билсанг, қалб кўзинг очилади. Уларнинг тилини, илмини билган киши руслар билан тенг ҳуқуқлик даъвосини қила олади, уларнинг олдида ор-номусини сотиб ялинмайди. Тил билмаган нодон қандай қилиб уларга яхши кўринсам экан, деб ким елкасига қоқиб кўйса – шунга ота-онасини ҳам, ошна-оғайнисини ҳам, эл-юртини ҳам, динини ҳам, одамгарчилигини ҳам сотади. Фақат рус майори кулса бас, деб ўзининг обрўси кетганига ҳам парво қилмайди. Русларнинг илм-хунари – дунёни билишнинг калитидир, уни билган одамга дунё арзонроқ

тушади. Бирок шу кунларда боласига русча ўргатган одамлар ўглининг илми билан тагин ҳам козоқларни алдаш пайига тушишган. Йўқ, асло бундай ёмон ният қилиш керак эмас. Балки аксинча, мол-дунёни ҳалоллик билан топишни ўргатишимиз ва бошқалар ҳам биздан шундай ибрат олсин, дейишимиз керак. Ана шундагина биз русларнинг баъзи бир қонунсиз зўрликларига йўл қўймаган бўлур эдик. Илм ўрганганда ҳам козоқларга ғамхўр бўлай деб, бизлар ҳам элу юрт бўлиб, одамлардек тинч-тотув яшайлик, деб ният қилиб ўрганиш керак. Ҳозирча, русча ўқиган козоқ болалари орасидан тузукроқ чиққанлари кам. Чунки уларни ота-оналари, ошна-оғайнилари йўлдан урмоқдалар. Лекин шундай бўлса ҳам улар анов ўқимаган козоқ болаларига қараганда анча дуруст, ҳар ҳолда уларга гап уқтирса бўлади. Ўзига тузук, бой-бадавлат оилаларнинг болалари кўп ўқишмайди. Аксинча, гадо болаларини хор қилиб, руслар қўлига топширишиб қўйишди. Улар бундан бошқа қаерга ҳам борсин энди? Бундан ташқари, баъзи бир козоқлар ошна-оғайнилари билан аразлашиб қолса: «Сенинг зўрлигингга чидаб юргунча, боламни солдатликка бериб, бошимга соч, оғзимга мўйлов қўйиб кетмасамми!» дейишар эди. Мана шундай бемаъни гапларни худодан кўркмай, бандадан уялмай гапирадиган козоқларнинг болалари ўқиб ким бўларди дейсиз? Бирор нарсани ортиқроқ ўрганиб қойил қилар дейсиз-

ми? Ўрганганда ҳам ҳаммаси юзаки ўрганади, кунт килиб ўқийдиган козок боласи йўқ hozирча. Ота-онаси ўғлини халк пулига зўрға ўкитади-ю, ўз ёнидан пул сарф килиб бўпти! Ҳақиқатини айтсам, ўғлингга хотин олиб берма, энчисини берма, балки бутун мол-дунёнгни сарф килиб бўлса ҳам, русларнинг илмини ўқит! Менинг бу айтган гапларим, кўрсатган йўлим – мол аяйдиган гаплар эмас!

Худодан кўрк, бандадан уял, болам одам бўлсин деса – ўқит! Аммо ҳеч мол-дунёнгни аяма! Бўлмаса, у ҳам бир нодон козок бўлиб қолгандан сўнг – на сенга, на ўзига ва на халкка роҳат кўрсатади.

ЙИГИРМА ОЛТИНЧИ СЎЗ

Бизнинг козоклар пойгага кўшган оти олдинда келса, курашга туширган полвони йикитса, учирган куши ов олса, югуртган ити ўзганинг итидан илгари бориб ов тутса ер-кўкка сиғмай қувонишади. Билмадим, бундан ўзга ҳам қувончи борми экан уларнинг? Ҳай, қайдам, йўқ бўлса керак! Айтингчи, шу хайвондан хайвоннинг ўзгани, ё эса бир одам иккинчи одамни курашда йикитганининг нима қизиғи бор? Ҳолбуки, йикитган ҳам, йиқилган ҳам, олган-олдирган ҳам – унинг на ака-укаси-ю ва на қариндош-уруғи бўлади... Бу нарсаларнинг ҳаммаси козокларнинг ўз-ўзлари билан душманлиги, тугмадай нарсани туядай килиб кўрсатиб,

бир-бирлари устидан мазах қилиб қулишдан, уларни изза қилишдан бошқа нарса эмас. Бировни изза қилиш эса ҳаром, рўзғорга зарар, ақлга сиғмайдиган нарсадир. Шундай экан, ҳайронман, бировни изза қилмоқнинг нимаси давлат-у, нимасига қувонишар экан-а? Ё эса мағлуб бўлган томон нимасига шунча изза бўлиб, қора ерга кириб кетгудек бўлиб қоларкин-а?

Чопқир от баъзан у элда, баъзан бу элда бўлаверадиган нарса. Шунингдек, учқур қирон ҳам, юғурик ов ити ҳам баъзан у одамнинг қўлида, баъзан бу одамнинг қўлида бўлади. Кучли йигит ҳам доимо бир элдан чиқаверади деб ўйлайсизми? Бундай йигитлар ҳам баъзан у элда, баъзан бу элда туғилади. Буларнинг ҳаммасини одам ўз эрки билан ясамайди. Бир марта пойгада ўзиб чиққан от, йикитган йигит доимо шундай бўлиб қолавермайди-ку, ахир. Энди шуларни билиб турса ҳам, бу одамлар гўё бир айби очилиб қолгандай, нимасига шунча уялишар, изза бўлишар экан-а?

Энди сиз бу гаплардан шундай хулоса чиқариб олсангиз бўлади: қувонмас нарсаларга нодон одамлар қувонишади, яна қувонишганда ҳам босар-тусар жойини, нима айтиб, нима қўйганини ўзлари ҳам билмай, ақлидан озиб, мағрурланиб кетишади. Яна бундай одамлар уялмаслиги керак бўлган нарсадан уялишиб, уялиши лозим бўлган нарсадан уялишмайди. Буларнинг бари нодонлик

ва аҳмокликнинг асаридир, албатта. Сен уларга бу гапларни айтсанг, баъзилари бўйинини эгиб, «рост, рост» деб гап уқишган бўлишади. Бирок сен бунга инонма. Эрта-индин у ҳам ҳалиги гап укмасларнинг бири бўлиб кетади. Гарчанд шу гапларнинг рост эканлигига кўзи етиб, кўнгли ишониб турса ҳам, худди ҳайвонга ўхшаб, аввалги тушунчасидан ўзини тўхтатолмайди ва ҳеч ким унга гап уктиролмайди. Қозок қандай бўлмасин ёмон ишни бир касб этдими, у бу одатидан ё ўлардай кўрққанда, ё эса ўлганда қайтади. Бўлмаса, ўз акли билан менинг бу ишим чакки экан, деб ўз билгича қайтган қозокни топиш жуда қийин.

ЙИГИРМА ЕТТИНЧИ СЎЗ

(Сукрот файласуфдан)

Бу Сукротнинг Аллоҳ тобарак ва таолонинг бандаларига юборган амр-фармонларига сўзсиз бўйсунмоқ юзасидан шогирди Арастуга айтган сўзи. У худога бандачилик қилгувчилар устидан кулгувчи эди. Бир куни Сукрот ундан шундай деб сўрабди:

– Эй, Арасту, дунёда ҳеч бир одам бормики, у ўз хунари ва қилган ишлари билан таҳсинга сазовор бўлсин?

– Тўлиб ётибди бундай одамлар, хазратим, – деб жавоб берибди Арасту.

– Қани бўлмаса, шулардан биттасининг отини ата-чи?—
деб сўрабди яна Сукрот ундан.

– Гомернинг шоирлигига, Софоклнинг фожиасига, Зевснинг рассомлигига таҳсинлар ўқисанг арзийди, – дебди Арасту ва яна шунга ўхшаган бир нечта хунари билан оламга машҳур бўлган кишиларни айтибди.

– Ундай бўлса сен кимга кўпроқ таҳсин ўқийсан: жонсиз, ақл-хушсиз, куруқ тананинг шаклини чизадиган расомгами, ё эса одамга ҳам жон, ҳам ақл-идроқ ато қилиб яратувчи олий руҳгами?

– Мен кейингисига кўпроқ таҳсин ўқийман, – дебди Арасту, – бироқ, у шунчаки яратмай, аввали азалда билиб яратган бўлса.

– Бунинг маъқул. Энди сенга яна бир савол. Дунёда фойдали нарса кўп: бирининг фойдаси ошқора кўришиб, билишиб туради, иккинчисиники эса – билинмайди. Шуларнинг қайси бирини ҳикмат деб биласан? – деб сўрабди Сукрот.

– Албатта, ошқора манфаат келтирганини, – деб жавоб берибди шогирди.

– Баракалла, агар ундай бўлса, худой таоло бандасини яратганда кўп ўйлаб, унга беш муча ато қилган, лекин буларнинг қайси бири фойда, қайси бири зарар келтиришидан кўра ҳам кўпроқ, уларнинг зарурлигини ўйлаб ато қилгани бу – ҳаммага маълум ва машҳур-ку. Мана, масалан, кўрсин

деб, аввало, кўз берибди. Борди-ю, кўзимиз йўк бўлса, унда биз дунёнинг гўзаллигидан қандай қилиб лаззатланардик? Яна бир мучамиз ғоят нозик бўлганлигидан, вақтида очиб, вақтида ёпиб турсин учун қовок ато қилибди. Чанг-тўзондан сақласин учун – киприк, пешона терини кўзга туширмаслик учун кош берибди. Кулоғимиз бўлмаса тақир-тукур товушни қандай қилиб эшитар эдик, қандай қилиб мусиқанинг гўзаллигидан баҳра олардик? Борди-ю, бурнимиз бўлмаса – биз дунёдаги хушбўй, муаттар ҳидларга ошиқ бўла олмаган ва ёмон хидларни фарқ қила олмаган бўлур эдик. Оғзимиз, тилимиз ва танглаймиз бўлмаса – биз дунёда нима ширин, нима аччиқлигини қаёқдан билардик? Бунинг устига, кўзни, бурунни, оғизга яқин қилиб яратиб, ейдиган-ичадиган нарсаларни кўриб-билиб, ҳидлаб, есин-ичсин, деди... Буларнинг ҳаммаси бизларнинг фойдамиз эмасми? – дебди Сукрот.

Шунда Арасту ўйлаб-ўйлаб, Яратгувчининг бениҳоя ҳикмат эгаси эканлигидан шубҳаси қолмабди.

Сукрот сўзида давом этибди:

– Бунинг устига: ҳамма махлуқларни ўз болаларига меҳрибон, ўлимни ёмон кўрадиган, ҳаётни, тирикчиликни севадиган, ўсиб-унишдан бошқа нарсани кам фикр қиладиган қилиб яратганлиги – бу унинг марҳамати эмасми? Шунинг билан бирга, уларни яратганда кўнгилларига

мухаббат солганини ўзи ҳам Яратгувчининг яратган нарсаларига нисбатан меҳри-мухаббатининг окибати эмасми?

Сукрот сўзида яна давом этибди:

– Эй, Арасту! Сен нима учун одамдан бошқа нарсада ақл йўқ деб ўйлайсан? Одамнинг танаси шу ўзинг юрган ернинг бир парчасига ўхшамайдими? Танангдаги тер, буғ ердаги сувларнинг бир томчиси каби эмасми? Хўш, ўзинг бу ақлга қаёқдан эга бўлдинг? Ким сенга жон ато қилди, ёки сен уни қаердан олдинг? Оламини кўзинг билан кўрасан, лекин унинг ўлчовига ақлинг бовар қилмайди, гўзаллигига қараб тўймайсан. Бу кўринишларнинг барига ҳайрон қоласан, ақлинг етмайди. Хўш, буларнинг бари сенингча, гўё бир тасодифми, ё эса яратганнинг ўзи буюк ақл эгасими? Агар бу ақл билан бўлмаганда, дунё бундай ўлчовга ақл бовар қилмайдиган даражада бир-бирига боғлиқ қилиб яратилмаган бўлур эди. Бинобарин, буларнинг барчаси ақл билан яратилгандир ва ўзига яраша мустаҳкам конун-қондаси бордир.

Шунда Арасту Сукротга:

– Ҳазратим, бу айтганларингизнинг ҳаммаси рост, яъни Яратгувчининг бениҳоя буюк ақл эгаси эканлиги маълум бўлди ва шахсан худонинг улуғлигига шубҳам қолмади, – деб жавоб бериб ва яна сўнггида: – бироқ шундай улуғ ху-

дой таоло нахот менинг бандачилигимга шу кадар мухтож бўлса? – деб сўрабди Сукротдан.

Сукрот айтибди:

– Эй, Арасту! Сен нотўғри айтяпсан. Мухтож бўлмаганда ҳам биров сенинг ғамингни еса, сен унга қарздор бўласанми ё йўқми?

– У менинг ғамимни ейдими ё йўқми, мен буни қаёқдан биламан? – дебди Арасту.

– Хўп, ундай бўлса, сен ҳамма махлуқларга бир қара, кейин ўзингга ҳам қара, худой таоло ҳаммага ҳам бирдек жон ато қилган-у, бироқ уни ҳаммага ҳам баробар онг, тушунча билан бирга ато қилмаган, ахир? Одам шу кунини, ўтмиши билан келажагини ҳам ҳис қила олади, кўра олади, учаласи хақида бирдек фикр қила олади, текшира олади. Ҳайвон эса ўтмишини ҳам, ҳозирги кунини ҳам яхши билмайди ва келажакда нима бўлишини ва нима кўйишини ўйлашга, ҳис қилишга қодир ҳам эмас. Энди ҳайвонга берган танани қара-ю, бандасига берган танани қара. Одам икки оёғи устида тик юришга, тик ўсишга, дунёни кўришга ва унинг сиру асрорларини синчиклаб текширишга, ҳамда ўзга ҳайвонлардан ишчи кучи сифатида фойдаланишга қодир. Ҳайвон эса оёқларига, қуш бўлса қанотларига ишониб ўзига ўхшаган бошқа бир ҳайвон, ё эса паррандани қўллаб-қувватлашга ва фойдаланишга қодир эмас.

Агар одамни шундай хайвонсифат қилиб яратса, унда у ҳеч нарсага ярамаган бўлур эди, ё эса, хайвонларга султон бўларди. Агар, борди-ю, инсон ақлини хайвонга берса-чи, барибир, у бу қадар усталик ва донишмандлик билан бир-бирига илм-хунар ўргатарлик даражадаги салоҳият унинг гавдасига мутлақо мос тушмаган бўлур эди. Масалан, қайси ҳўкиз шаҳар курибди, қурол-яроғ ишлаб чиқарибди ва сипоҳиликнинг уддасидан чиқибди экан шунчалик? Одам боласига шундай гўзал гавда бериб, уни ажойиб ақл ва тенгсиз салоҳият эгаси қилиб яратишининг, ҳамда унинг барча ўзга махлуқлар устидан ҳукмронлик қилишининг ўзи ҳам худонинг инсонга бўлган катта марҳамати эмасми? Шундай экан, бу гаплар худой таоло бандасини барча яратган мўъжизаларидан ортиқ кўриб, олдиндан унинг ғамини еб, унга кўпроқ ғамхўрлик қилганидан далолат бермайдимиз? Хўш, энди одам боласининг худой таоло олдида бандачилик қилмоққа қарздор эканлиги шундан ҳам маълум эмасми? – дебди Суқрот.

ЙИГИРМА САККИЗИНЧИ СЎЗ

Эй, мусулмонлар! Биров бой бўлса, биров гадой; биров соғ бўлса, биров касал; биров ақлли бўлса, биров аҳмоқ; биронинг кўнгли яхшилиққа мойил бўлса, биронинг кўнгли



ёмонликка мойилдир. Биров сиздан: «Хўш, нима учун шундай?» деб сўраса, сизлар унга: «Такдири азалда Аллоҳ таолонинг яратган иши-да» деб жавоб берасизлар. Хўш, ундай бўлса, биз Аллоҳ таолонинг айби йўқ, одил, деб имон келтирмаганмидик? Энди, кўриб турибмизки, худой таоло онт урган, меҳнат қилмайдиган бандаларига мол-дунё берар экан-да. Худодан мол-дунё сўраб, кечаси-ю кундузи меҳнат қиладиган бечораларга эса, ақалли бир амал-тақал қилиб хотин, бола-чақасини боқишга етгудек ризқ ҳам бермай, уларни гадо қиларкан. Баъзи бир ўғри - мутғаҳамларнинг танини соппа-соғ қилиб, бировга зарарсиз меҳнаткаш мўминларни ногирон қилиб қўяркан. Бир ота-онанинг болаларини бирини эслик, иккинчисини тентак қилиб яратаркан. Худой таолонинг ўзи бандаларига: «Бузук бўлма, тузук бўл! Тузукни жаннатга, бузукни дўзахга соламан!» деб айтар экан-у, тагин бандаларининг бирини яхшиликка, иккинчисини ёмонликка мойил қилиб яратиб, яна уларни ўз қудрати билан бирини яхшиликка, бирини ёмонликка ундаб, йўлга солиб тураркан. Хўш, мана шу гапларнинг ҳаммаси меҳрибон-мушфик, раҳм-шафқатли, адолатли, айбсиз парвардигорнинг шаънига тўғри келармикин? Халқ ҳам, мулк ҳам –ҳаммаси худоники. Унинг қилаётган ишларига бирон нарса дея оламизми? Ўз мулкини ўзи нима қиламан деса қилаверади, ихтиёри, деймиз. Борди-ю, энди у айбдор эмас

десак, бу – Аллоҳ таолонинг айби кўп-у, бироқ уни айбдор деб айта олмаймиз, деганимиз эмасми? Шундай бўлгандан сўнг, бандаси минг ҳаракат қилгани билан кўлидан нима келарди дейсиз? Ҳамма нарсани қилдиргувчи Яратганнинг ўзи экан, бандаларининг нимасидан ўпкалаймиз? Ким яхшилик, ким ёмонлик қилса ҳам, худонинг буйруғи билан қилиб юрган экан деймизми?

Аллоҳ таоло: ҳар бир ақли бор кишига – имон фарз, ҳар бир имонли кишига ибодат фарз, деган экан. Ҳолбуки, баъзи бир ишлар ақл билан ҳисоблашмай қилинади. Хўш, энди, агар шундай экан, Аллоҳ таолонинг, ақлли кишига имон келтириш фарз, деган сўзи қаёқда қолди? «Мени таниган одам фақат ақл билангина танийди» деган сўзи қаёқда қолди? Динимизда яширин, ёлғон сўз йўқ бўлса, у ҳақда одам фикр юритишдан маҳрум бўлса, банданинг бандалиги қаёқда қолди? Ақлимизни юрита олмаганимиздан сўнг, диннинг ўзи қаёқда қолади? Аввало, имонни мустаҳкамламай туриб, қилган тоат-ибодатларимиз қабул бўлармикин? Йўқ, яхшилик билан ёмонликни худо қилдираётгани йўқ. Касалликни яратган ҳам худо, лекин сени касал қилган худо эмас, бойлик билан камбағалликни яратган ҳам худо-ю, бироқ бировни бой, бировни камбағал қилган худо эмас. Бунини тушуниш керак, тушунмасанг бўлмайди!

ЙИГИРМА ТЎҚҚИЗИНЧИ СЎЗ

Бизнинг козокларнинг айтиб юрган мақоллари ичида ишга яроклиси ҳам, яроксизлиси ҳам бор. Баъзилари яроксиз бўлиши у ёқда турсин, ҳатто, на мусулмончиликка ва на одамгарчиликка тўғри келади.

Авалло: «Фақир бўлсанг – орсиз бўл!» дейишади. Ордан айрилиб тирик юргандан кўра ўлган афзал. Агар бу: ёлганиб юрганинда жонингни қийнасанг ҳам, мол топ дегани бўлса– бу орсизлик эмас. Балки, аксинча, бировларнинг қўлига термулмай, ҳалол меҳнат қилиб мол топмоқ – бу орли, номусли одамнинг иши.

«Қаловини топсанг қор ёнар», «Сўровини топсанг одам боласининг бермайдиган нарсаси йўқ» дейишади. Бу энг худо урган аблаҳона сўздир. Бундай қилиб қаловини топаман, сўровини топаман, деб эсиз умрингни хор қилиб ўтказгунча, мол-дунёни ё ердан, ё эса пешона теридан сўраш керак.

«Номинг чиқмаса, ер ўрта!» дейишади. Ер ўртаб ном чиқаришнинг нимаси қизик? Ёки: «Юз кун қари туя бўлгунча, бир кун бувра бўл» дейишади. Тангрига ёзиб, минмай-нетмай, бировга нафи тегмай, бир кун бувра бўлишликдан нима фойда?

«Олтин кўрса фаришта ҳам йўлдан озади» дейишади. Сатқан фаришта кетгурлар-эй! Фаришта олтинни нима



қилсин? Бу шунчаки, улар ўзларининг шум ниятларини маъқулламоқчи бўлиб айтганлари эмасми?

«Ота-онадан мол ширин, олтинли уйдан жон ширин» дейишади. Ота-онасидан ҳам молни ширин кўрадиган бу онг ургур аблахларнинг қанақа ширин жони бор экан ўзи? Ахир, дунёда энг азиз ота-онасини молга сотмоқлик – бу энг орсиз, номуссиз одамнинг иши эмасми! Ота-она бечора чамаси келгунча меҳнат қилиб, мол-дунё йиғиб, ўлсам орқамдаги болаларимга қолсин, дейди. Шундай экан, ота-онани сотиш – худога душманлик эмасми?

Мана шундай калтабинлик билан айтилган сўзлардан эҳтиёт бўлмоқ керак.

ЎТТИЗИНЧИ СЎЗ

Бизда бир мақтанчоқлик деган ярамас нарса бор. Асли шу нарсанинг нима кераги бор ўзи? Зотан, бу – орномуссизлик, нодонлик, ўй-хаёлсизлик, ҳамда на ботирлик ва на одамгарчиликдан хабари йўқликнинг аломатидир! Тагин, безрайиб туриб: «Э, худо! Кимдан ким ортиқ экан шунчалик? Бировнинг насибасини биров топиб берармиди ҳеч? Кимнинг боши кимнинг эгари қошида юрибди... Биров менинг козонимни қайнатиб берибдими, ё мен бировнинг қўлига қараб қолибманми?» деб керилади. Баъзан эса дағдаға қилиб: «Ҳаммага бир ўлим!.. Вой онасини фалон



килай! Бундай юргандан кўра ўлганим ортиқ! Жуда нари борса – ҳайдаб юборар, отиб юборар! Қаерга борсам ҳам бир ўлим!» деб кекирдагини чўзадиганлар кўп-ку.

Мана, ўзларингиз кўриб юрибсизлар: ҳозир ҳеч бўйига қараб тўн бичадиган, айтган гапида қатъий турадиган қозоқ борми дунёда? Йўқ, мен ҳали ўлимга бардош бера оладиган қозоқни ҳам, ёки, аксинча: мен ўлимга бардош бера олмайман, деб очиқ гапирадиган қозоқни ҳам кўрганим йўқ... Борди-ю, ақлсиз бўлса-да, шундай журъатли қозоқ топилса, у кишини ҳайратга солган бўлур эди! Афсуски, йўқ. Бунинг ўрнига шундайлар борки, зўр келганда сичқоннинг инини минг танга қилиб, қочиб кирарга тешиқ топмай қолади. Хўш, бундай кишиларни нима деб атаймиз? Эй, худо! Ўз жонига ортиқча ҳотамлик қиладиган, мол-дунёни писанд қилмайдиган бечораларнинг аҳволига қаранг. «Уялмас юзга толмас жағ беради» деб шуни айтишар эканлар-да... Бундай кишилар ҳам уятсиз, орсиз кишиларнинг бири-да.

ЎТТИЗ БИРИНЧИ СЎЗ

Киши эшитган нарсасини унутмаслик учун тўртта шарт бор: аввало, бунинг учун зеҳнли бўлмоқ керак; иккинчидан, бир нарсани кўрганда, ё эшитганда – унга чин юракдан ихлос қўйиб, фаҳм-фаросат билан уқиб олмоқлик лозим; учин-

чидан, эшитганларини ичида бир неча марта такрорлаб, кўнгилга жо қилмоқ керак; тўртинчидан, кўнгилга бошқа нарсаларни мутлақо келтирмаслик ва келса ҳам унга заррача эътибор бермаслик керак. Масалан: беғамлик, бепарволик, ўйин-кулги ёки ихлос қўймаслик керак. Акс ҳолда, бу тўрт нарса ақл билан илмга путур етказадиган омиллардир.

ЎТТИЗ ИККИНЧИ СЎЗ

Илм ўрганишни талаб қилган киши, аввало, шуни билиши керакки, бунинг бир неча шартлари бор. Буларни билмай туриб ўрганилган илм юкмайди.

Аввало, ўрганилаётган илм-хунарини охир бир кун келиб бирон қор-ҳолимга яраб қолар, деб ўрганмасдан, ҳаётда уни турмушга татбиқ қилиш мақсадида ўрганмоқ керак. Чунки илмни фақат билиб қўйиш учунгина ўргансанг ва шу билан қаноат ҳосил қилсанг, бундай илмнинг кимга кераги бор? Киши ўзининг билмаган нарсасини билиб ўрганса – бундан қанчалик ҳузур-ҳаловат топишини асти қўяверинг! Агар сен илмга астойдил меҳр қўйиб ўргансанг, сенда, яна кўпроқ билсам экан, деган муҳаббат пайдо бўлади. Шундагина сен кўзинг кўрган ҳар бир нарсани кўнглингга маҳкам тугиб, уқиб оладиган бўласан.

Агар борди-ю, кўнглинг бошқа нарсада бўлиб, ўқиб-ўрганаётган илмингни шунга сабаб қилиб кўрсатсанг,

яъни уни ана шу кўнглингдаги нарса учунгина ўрганаётган бўлсанг, унда илмга деган меҳринг гўё ўгай онанинг меҳри каби бўлади. Агарда чин ният билан ўрганаётган бўлсанг, унда илмга деган меҳринг худди ўз онангнинг меҳридай илиқ ва самимий бўлади. Сен илмга чиндан ҳам ихлос қўйсанг, у ҳам сенга меҳр қўяди ва сен уни тезроқ қўлингга киритасан. Агар сен унга чала меҳр қўйсанг, ўрганган илминг ҳам чала-чулпа бўлади.

Иккинчидан, илмни ўрганганда яхши ният билан ўрганиш керак. Аммо биров билан баҳс бойлашмоқ, талашишмоқ учун ўрганиш керак эмас. Баҳс, аввало, кўнгилдаги ишончни мустаҳкамлаш учун бўлса – бу зарар эмас, лекин ҳаддан ошиб кетса – кишини тузатишдан кўра ҳам кўпроқ бузиб қўйиши мумкин. Бунинг сабаби: баҳс қилувчилар кўпроқ ҳақиқатни аниқлаш учун эмас, балки бир-бирларини енгмоқ учун ҳаракат қилишади. Бундай баҳс хусуматни кучайтириб, одамгарчиликни йўқотишгача олиб боради. Бундай ҳолда асосий мақсад илм ўрганиш бўлмай, одамнинг юзини ёлғон сўзга бурадиган бўлиб қолади. Бундай мақсад фақат бузуқ кишилардагина бўлади. Тўғри йўлдан кетаётган юзта одамни адаштирган киши, эгри йўлдан кетаётган битта нотавонни тўғри йўлга солган кишидан саткаи кетсин! Баҳс – бу ҳам аслида илм ўрганишнинг бир йўли. Бироқ унга ортиқча ҳирс

кўйиш ярамайди. Чунки баҳсга ортиқча ҳирс кўйишдан мағрурлик, мақтанчоқлик, хусумат, ёлгончилик, ҳатто, арзимаган нарсадан жанжал чиқариш ва бировга мушт кўтариш каби ёмон иллатлар туғилади.

Учинчидан, агар ҳар бир ҳаракатинг туфайли ҳақиқатга эриша оладиган бўлсанг, ўлсанг ҳам бу йўлдан қайтма, маҳкам тур! Ахир, ўзинг шубҳа қилган нарсага ўзгалар қандай қилиб ишонч билдирсин? Ўзинг ҳурмат қилмаган нарсани ўзгалар нега ҳурмат қилсин?

Тўртинчидан, илмни кўпроқ ўрганиш учун одамда яна икки нарса бўлиши лозим: бири – мулоҳаза юритиш, иккинчиси, муҳофаза қилишлиқдир. Бу икки хусусиятни борган сари кучайтира бориш керак. Бу нарса кучаймай туриб илм ўрганиш қийин.

Бешинчидан, шу насиҳатларнинг ўн тўққизинчи сўзида ёзилган ақл касали деган тўрт нарса бор, шундан эҳтиёт бўлиш керак. Шуларнинг орасида беғамлик, бепарволик, деган нарса бор, зинҳор-зинҳор шу нарсадан эҳтиёт бўл! Чунки, бу, биринчидан – худонинг, иккинчидан – халқнинг, учинчидан – давлатнинг, тўртинчидан – ибратнинг, бешинчидан – ақлнинг, ор-номуснинг душманидир; ор-номус бўлган ерда булар бўлмайди.

Олтинчидан, сенда илмни, ақлни бир меъёردа сақлайдиган феъл-атвор, хулқ деган нарса бор. Сен шу нар-

сани эхтиёт сакла! Кўрган нарсангга қизикаверсанг: ё бировнинг ўринли, ё бировнинг ўринсиз гапига ишониб кетсанг, ёки тўғри келган нарсаларга кўнгил кўяверсанг – феъл-атворингнинг бузилиб кетиши ҳеч гап эмас. Феъл-атворинг бузилганидан кейин эса ўқиб илм ўрганганингдан ҳеч фойда йўқ. Кўкрагингда унга ўрин бўлмагандан кейин, уни қаерда сақлайсан? Аксинча, кирови илминг бўлгандан кейин, уни эхтиёт қиладиган фаҳм-фаросатинг, ақл-ҳушинг, орномусингни қўлдан бермайдиган феъл-атворинг ва ғайратинг бўлса – нур устига аъло нур! Лекин бу эхтиёткорлигинг, шубҳасиз, ақл учун, ор-номус учун қилинган бўлсин!

ЎТТИЗ УЧИНЧИ СЎЗ

Агарда сенга мол-дунё керак бўлса, ҳунар ўрган. Мол-дунё қўлнинг кири, ювса кетади. Аммо ҳунар – адо бўлмас бойликдир. Кимки ёлғон гапирмаса ва қўлида ҳалол ҳунари бўлса, козоқларнинг ичидаги энг авлиёси шу! Бироқ Аллоҳ таоло козоқларнинг қўлига оз-моз ҳунар берса – улар босар-тусар жойларини билмай қолишади.

Аввало, малакамни оширай, ишларимни яхшила, излай, кўрай, ҳунар ўрганай демайди. Қўлидаги билган оздан-овлоқ ҳунари билан мақтаниб: «Шу ҳам бўлади-да» деб козоқларда мавжуд талабсизликка юз буриб кетади.



Иккинчидан, эринмай меҳнат килмок керак. Ҳолбуки, бизнинг қозоқлар бир-иккита мол топса шу билан худди мол-дунёга ботиб, фарқ бўлиб кетган кишидек, хотиржамликка берилиб, ялқов бўлиб қолади.

Учинчидан, биров-бировига: «Сен касбдошларинг ичида яккаю яғонасисан», ё эса: «Ака, сиздан нима кетади, мана бу нарсамни қилиб берсангиз-чи?» деса, у: «Менга ҳам одамлар ялинадиган бўлиб қолибди-ку» деб гурурланиб кетади ва шу билан ҳам ўзини, ҳам унга мурожаат қилган одамни алдаб, эсиз-эсиз вақтининг қандай ўтганини ҳам билмай қолади.

Тўртинчидан, дўстингман деган одамларга хотамтой бўлиб кетади. Баъзи бир қув-шум одамлар: «дўст бўламиз» деб арзимаган нарсани бериб, алдаб: «Кейинчалик сени ундай қиламан, бундай қиламан, менинг сендан ўзга азиз дўстим йўқ» деса, лакқа тушиб, мен ҳам керакли одамларнинг бири бўлиб қолибман-ку, деб ўйлайди. Кейин, ким «тўрга чиқ» деса – шунга алданиб, ана шу одамга қил деганини қилиб, керагини топиб бераман, етмаганини етказаман, хушомад, дўстлик қиламан, деб юриб, бутун қимматли вақтидан, бисотидан айрилади. Овқат, уст-бош топиш эсидан чиқиб кетади. Бориб-бориб, охир бир кун, кун кечирмок қийинлашгач, бировдан қарз кўтаради ва уни қилиб бераман, буни қилиб бераман, деб ўлиб-тирилиб ҳаракат қилади-ю,



барибир, бирон нарсанинг бошини қовуштиролмайди. Кейинчалик бориб, топган-тутгани еган - ичганига етмай, иши дов-жанжалга айланиб, сарсон-саргардонликка тушади. Ниҳоят, одамгарчиликдан чиқиб, хор-зор бўлади. Хўш, бунисига нима дейсиз? Ахир қозокларнинг ўзи алдамчи бўла туриб, яна бировларга алдангани нимаси?

ЎТТИЗ ТЎРТИНЧИ СЎЗ

Ўлимнинг ҳақ эканлигини, унинг қариликни кутиб юрмай, истаган маҳалда келишини, ўлган одам қайта дунёга келмаслигини ҳамма билади. Қозоклар, шубҳасиз, бунга ишонишади, бироқ ўз акли билан мулоҳаза қилиб кўриб эмас, балки аксинча, шунчаки, ишониш керак бўлганлиги учунгина ишонишади. Яна: Аллоҳ таолонинг борлигига, унинг охирадда сўроқ қилишига, ёмонларни ёзғириб, яхшиларни ёрлақашига ва бу мўъжизалар бандасининг қўлидан келмаслигига ҳамда Яратганнинг меҳри тушса, истаганча раҳм-шавқат қила олишига ва агар ғазаби кўзгаса, беҳисоб қийноқларга сола олишига – ҳамма-ҳаммасига ишонамиз, дейишади. Йўқ, мен уларнинг ишондик деганларига сира ҳам ишонмайман. Агар ишонсалар ҳам, барибир, бу нарсаларнинг ҳақиқатлигига кўзлари етиб эмас, ҳали биз юқорида айтганимиздек, ишониш керак бўлганлиги

учунгина ишонишади. Агар ишонганликлари рост бўлса, унда нима учун ваҳимага тушиб, ташвиш чекишади? Нега мудом яхшилик қилиб, гуноҳга ботмай, ўзларини ўзлари эҳтиёт қилишмайди? Агар улар худонинг борлигига ва унинг меҳр-шафқати билан бирга ғзаби ҳам мавжудлигига ишонадиган бўлса, унда биз уларни яна нимага ишонтиришимиз керак? Ёки қандай қилиб уларни тузата оламиз? Қайси йўл билан уларни мўмин-мусулмон, имони саломат деймиз?

Агар кимда-ким икки дунёда хор бўлмай деса, мана бу гапларни беш бармоғидай билиб олиши керак: ҳеч қачон бир одамнинг кўнглига айни вақтда икки қувонч, икки севги-иштиёқ, шунингдек, икки кўрқинч, икки қайғу, ҳасрат бир йўла сиғмайди. Бир маҳалда икки нарсанинг кўнгилга сиғиши қийин ҳам, тўғрироғи – мутлақо мумкин эмас. Борди-ю, бирор одамнинг кўнгилидаги дунёга бўлган қайғуси билан қувончи, охиратга бўлган қайғуси билан қувончидан ортиқ бўлса, у ҳолда, бу одам мусулмон эмас. Мана энди ўзингиз ўйлаб кўринг, бизнинг қозоқлар қандай мусулмон қавмига кирар экан! Масалан, дейлик, мабодо бир одамнинг олдидан иккита нарса чиқиб қолса-ю, улардан бири охират учун, иккинчиси шу бугунимиз, яъни бу дунё учун керак бўлса, бунинг устига, бирини олган киши иккинчисини олишга ҳақли бўлмаса, кўриниб турибдики,

бундай ҳолда бизнинг қозоқлар охиратга кераклисини эмас, балки, албатта, иккинчисини олган бўлур эди. Чунки улар: охиратга кераклисини яна бир кези келганда оларман, бу гал мени раҳм-шафқатли худонинг ўзи кечирсин, деб ўйлайди. Хўш, энди, бир кун келиб, у бу дунёдан ўтса, унинг: ўз охиратимни мол-дунёга сотганим йўқ, деганига ким ишонади?

Жамики инсон фарзанди бир-бирига дўстдир. Чунки дунёда ҳаёт экансан, қавм-қариндошлигинг, ўсиб-унишинг, тўқ ва фаровонлигинг, оч-яланғочлигинг, қайғу-ҳасратинг, истиқомат қилишинг, борди-келдинг, дунёга келишинг, тана бичиминг, ўлишинг, қора ерга киришинг, чиришинг, маҳшар куни сўроқ беришинг – ҳамма-ҳаммаси бирдай: икки дунёда ҳам бирдай ўйнаб-қуласан, бирдай қайғу-ҳасрат чекасан, роҳати, азоби, укубати, хавф-хатарини бирга тортасан. Бас, шундай экан, беш кунлик умринг борми-йўқми – бир-бирингга ғаниматсан, кўноқсан ва бу дунёга омонат меҳмонсан! Нега энди шундоқ бўла туриб бир-биринг билан арзимаган нарсалар учун ғижиллашасан? Бировнинг боғ-роғига, мол-дунёсига кўз олайтирасан? Насибангни худодан тиламай, банданинг улушидан олиб бер деганинг, ўзинг меҳнат қилмай, бировнинг насибасидан умид тутиб ўтирганинг лойикми, ўзингга? Худо биров учун бировга жабр қиладими? Икки оғиз сўзни эплаштириб гапира ол-

майдиган нодон, ақлсиз, илмсиз бўла туриб, ҳар он: «Худо урсин агар, меники тўғри!» деб талашаверишдан нима фойда? Шу ҳам одамгарчиликми, энди!

ЎТТИЗ БЕШИНЧИ СЎЗ

Аллоҳ таоло маҳшар куни ҳожилар, муллалар, сўфилар, хотамтойлар ва шаҳид ўлганларни қатор турғизиб қўйиб сўрок қилармиш. Бу дунёда иззат-хурматда бўлиш учунгина хожи, мулла, сўфи, хотам бўлганларни ва шу мақсадда шаҳид ўлганларни бир томонга, охиратда Яратганнинг марҳаматига сазовор бўлиш учунгина яшаганларни бир томонга турғизиб қўярмиш. Мол-дунё, бойлик орттириш учун яшаганларга: «Сизлар у дунёда хожи ака, мулла ака, сўфи ака, мирза ака, ботир ака аталиш учунгина шу йўлни танладингиз. Энди бу дунёда у нарсалар йўқ. Сизларнинг у дунёларинг, сурган давру давронларинг, шу билан бирга, мансабларинг ҳам тамом бўлди. Энди бу ерда иззат-хурмат эмас, сўрок берасизлар! Мен сизларга мол-дунё бердим, азиз умр бердим, нима учун энди сиз ана шу мол-дунёларингизни, азиз умрларингизни дин йўли ва охират бу ёқда қолиб, бандаларни алдамоқ учун сарф қилдингиз?» –деб айтармиш. Сўнгра, ҳалол ниятли, бир худодан бошқа нарсани ўйламаган бандаларига: «Сизлар фақат менинг меҳру шафқатимга сазовор бўлиш учунгина азиз умрларингизни



ва мол-дунёларингизни сарф қилдингиз. Мен сизлардан розиман. Сизлар учун марҳаматимни дариғ тутмай, тайёрлаб қўйган жойим бор – марҳамат қилгайсизлар. Бундан ташқари, бу ерда – махшар ичида, гарчанд ўзлари яхшилик қилмаган бўлса ҳам, у дунёда сизларнинг қилган олийжаноб ишларингизга хайрихоҳлик билдирган кишиларни учратсангиз, марҳамат, уларни ҳам ўзларингиз билан бирга олиб киришлар ва меҳр-шафқат қилишлар!» – дермиш.

ЎТТИЗ ОЛТИНЧИ СЎЗ

Пайгамбаримиз саллаллоху алайхи васаллам ўзларининг ҳадиси шарифида: «Мин ла ҳаёун вала имонун лаҳв» – деган экан. Бунинг маъноси: кимда уят, ор-номус, ҳаё йўқ бўлса, унда имон ҳам йўқ, демақдир. Бундан ташқари, бизнинг козоқларда: «Ҳаё кимда бўлса – имон ҳам шунда» – деган мақол ҳам бор. Бу ҳадиси шарифдаги: «Алҳаёйи минал имон»га тўғри келади. Бас, шундан маълум бўлдики: уят деган нарсанинг ўзи имоннинг бир бўлаги экан. Ундай бўлса, уят деганимиз нима ўзи? Буни билмоқ керак!

Бир уят борки: баъзи одамлар худди ёш болага ўхшаб нодонлик қилиб, оддий гапларни айтишга ҳам уялиб, тортиниб туришади. Ваҳоланки, унинг айтолмай турган гапида на шариатга, на ақлга ва на виждонга зид гап бор. Бундай қилиб ҳеч уяти йўқ нарсадан уялиш – нодонликдир.



Чин маънодаги уят эса – ё шариатга, ё ақлга тескари иш қилинса ва шу билан киши обрўсига доғ тушадиган бўлса, бунинг уят деса бўлади. Бундай уят икки турли бўлади. Бири шуки – одам ўзи уят бўларлик иш қилмайди-ю, бировнинг қилган уятли ишидан уялади. Бунинг сабаби, ана шу уятли иш қилган одамга нисбатан ачинганликдан бўлади. Бундай пайтда: «Ё тавба, мана бу шўрликка нима бўлди, энди бу ёғи нима бўларкин?» деган каби бир аччиқ туйғу ҳалқумингга келиб тикилади, унинг учун сени қизартиради. Иккинчиси шуки – қилган ишинг ҳам шариатга, ҳам ақлга, ҳам обрў-эътиборга зид бўлади; сен бундай ишни билмасдан, ё ғафлат босиб, ё эса нафс балосида қилиб қўясан. Мана бунинг чин маънодаги уят деса бўлади. Баъзан бундай қилмишингни бошқа киши пайқамаса ҳам, ўз ақлинг билан топиб, ич-ичингдан ачиниб, ўзингни ўзинг койийсан. Уялганингдан ер ёрилмайдики, ерга кириб кетсанг; кишиларнинг юзига тўғри қараёлмайсан, азоб чекасан. Бунинг натижасида баъзан уятли кишилар уйқудан, иштаҳадан қолади, ҳатто, чидаёлмай ўзини ўзи ўлдирадиганлари ҳам бўлади. Уят – кишининг ор-номуси, ўз ярамас фазилатларига қарши ички исёндир. Бундай пайтда тилингга тузукрок бир сўз, бошингга тузукрок бир фикр келмайди. Ҳатто, кўзингнинг ёши билан бурнингдан оққан сувни ҳам артолмай қоласан. Кўзингга ҳеч нарса кўринмайди. Шунчаликка бориб уялган,

ўз айбига ўзи иқроф бўлган одамни, ўлганнинг устига чиқиб тепган дегандек, таъна қилиш – ярамас одат ва бундай ишни одамгарчилиги йўқ кишилар қилади.

Шу кунларда менинг кўриб-билиб, муомила қилиб юрган кишиларим уялмоқ тугул, ҳатто, қизаришни ҳам билмайди. «Ҳа, хўп, биз айбдор дедик-ку, бўлди-да энди» дейди ё эса: «Хўп, хўп, бунга мен уятли бўла қолай, ўзинг-чи, ўзинг! Ўзинг ҳам бир вақт шундай қилмаганмидинг?» дейишади. Ё бўлмаса: «Фалончи ҳам бир тирикчилигини қилиб юрибди-ку, ахир; фалон қилди, тугун қилди, холбуки униқининг олдида меники ҳалво-ку!..» деб, ҳатто, даъво ҳам қилишади. Хўш, буни уялган киши дея оламизми? Борди-ю, уяти бор десак, ҳадис нима дейди бунга, яхшилардан қолган сўзлар нима дейди?

Қани, айтинг-чи: имони борми, йўқми бундай одамларнинг?!

ЎТТИЗ ЕТТИНЧИ СЎЗ

1. Инсоннинг инсонлиги ишни қандай бошлаганидан билинади, лекин қандай тугатганидан эмас.

2. Кўнглингдаги кўркам ўй оғзингдан чиққач хираланади.

3. Сен агар фақат ўзини ўйлайдиган нодонга ҳикматли сўз айтсанг, у сени ё хурсанд қилади ё эса, хафа.

4. Кишига билимига қараб яхшилик қил, ёмонга қилган яхшилигинг бошингга бало бўлиб тушади.

5. Отанг боласи бўлма, одам боласи бўл! Одам боласи – элнинг лоласи.

6. Яхши одам кўп сўрайди, аммо, оз берсанг ҳам рози бўлади. Ёмон одам оз сўрайди, аммо, кўп берсанг ҳам рози бўлмайди.


7. Ёлғиз бошинг учун меҳнат қилсанг, ўз корни учун ўтлаган ҳайвоннинг бири бўласан. Инсоний бурчинг учун меҳнат қилсанг эса, Яратганнинг суйган бандаси бўласан.

8. Сукротга оғу берган, Иоанна Аркни оловга ташлаган, Исони хочга тортиб, Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васалламни туянинг ўлимтигига кўмган ким? Халқ! Шундай бўлгач, халқда ақл йўқ. Йўлини топ-да, халққа раҳнамолик қил.

9. Инсон боласини замона парвариш қилади. Кимдаким ёмон бўлса, айб замондошларида.

10. Агар давлат менинг кўлимда бўлганида, инсон фарзандини тузатиб бўлмайди, деган одамнинг тилини кесиб ташлардим...

11. Дунёда танҳо яшагандан – ўлган яхши. Ёлғиз одамни қайғу-ҳасрат босади. Дунёда нимаики бор: у яхшиликми, ёмонликми, хурсандчиликми, қайғу-ҳасратми – ҳаммаси халқда бўлади. Аввалгисига ким чидай олади? Кейингисисиз ким яшай олади?



12. Дунёда ким ёмонлик кўрмаган дейсиз? Умидсизлик – бу ғайратсизликдир. Дунёда ҳеч муқим нарса йўқ, шунингдек, ёмонлик ҳам мудом бўлмайди. Ахир, қори қалин қаҳратон киш кетидан, кўк майсали, тиниқ сувли ёз келмасму?

13. Баджаҳл одам камгап келса, заҳари ичида бўлгани. Борди-ю, ҳеч кимга гап бермай, лўлилик қилиб шовқин солса – бу одам ё кўрқоқ ё эса мақтанчок келади.

14. Қувонч ва мағрурлик – мастликдир. Фақат мингдан бир кишигина бу нарсадан ўзини эҳтиёт тутиб юра олади.

15. Ишнинг омади – ўз вақти.

16. Буюк мансаб – гўё бир буюк қоя. Унга эринмай, ўрмалаб юриб илон ҳам чиқади, учиб-қўниб юриб қирон ҳам чиқади.

17. Дунё каттакон кўл. Замона эса эсиб турган ел. Олдиндаги тўлқин оғалар бўлса, кетиндаги тўлқин – инилардир. Навбат билан ўлишар, аввалгидай бўлишар.

18. Туядек бўй бергандан, тугмадек ақл берган ортик. Соқолини сотган қаридан, меҳнатини сотган ёш ортик.

19. Мўлтони мулла эл талар.

20. Ёмон дўст – бир кўланқадир: куёшли кунда қочсанг ҳам қутулолмайсан, булутли кунда эса изласанг ҳам тополмайсан.

21. Дўсти йўқ билан сирлаш, дўсти кўп билан сийлаш. Яхшига яқин бўл, ёмондан – йирок.



22. Ғайратсиз жаҳл – тул, кайғусиз ошиқ – тул, шогирдсиз олим – тул.

23. Бахтиёр бўлгунингча бахтингни элинг ҳам тилайди, ўзинг ҳам тилайсан. Бахтиёр бўлганингдан сўнг эса – фақат ўзинггина тилайсан.

ЎТТИЗ САККИЗИНЧИ СЎЗ¹

...Баъзи бир одамлар фақат усту-бошига зеб бериб, олифта бўлиб юришни ўзича бир давлат деб ҳисоблайди. Бу фақат ўзини кўрсатиш, ўзини ўзи бозорга солиш, баъзи бир ақли кўзига битган аҳмоқларнинг ҳавасини кўзғатиб: «Қани энди бизлар ҳам шундай бўлсак» ё эса: «Худо бизларга ҳам шундай бўлишни насиб этмади» деб куюнтиришдан бошқа нарса эмас. Хўш, бундан нима чиқади? Бирор фойда чиқадими? Йўқ, албатта! Ахир, хосият кишининг сиртида эмас, ичида бўлади. Кечасию кундузи ўзини ойнага солганларнинг ақли расо бўлади дейсизми? Ақл ёмонликдан эмас, яхшиликдан чиқади ва эзгу ниятлар йўлида камол топади.

...Ҳаётда инсоннинг муқаддас бурчларидан бири – дўст-ёр орттирмақликдир. Дўст ўзгаларга яхши муносабатда бўлсанг ва қўлингдан келганча яхшилик қилсанг, меҳроқибат кўрсатсанг ортади ва кўпаяди, сен кимга дўстлик

¹ Бу сўз жуда қисқартириб таржима қилинди.

қилсанг, у ҳам сенга дўстлик қилади: сенга нисбатан ишончи, меҳр-муҳаббати ошади. Агар дўстим кўп бўлсин десанг, ҳеч кимга душманлик қилма, ҳамда ўзгалар ичида ўзингга оро берма, мактанма ва ўзингни бировдан ортиқ санама!

Ўзингни бировдан ортиқ қўйишнинг уч хили бўлади:

Биринчиси: бирор ёмон иш устида шохид бўлиб турган бўлсанг, унинг сени бузадиган оқибатларидан ўзингни тия ол. Бу сенга яхши фазилат ўрнини ўтайди.

Иккинчиси: ўзингни ўзгалардан ортиқ кўрсатишга уришишнинг, бу сенинг одамгарчилигинг йўқлигини кўрсатади.

Учинчиси: бировга қасдлик қилсанг, хўрласанг, масхара қилсанг ва камситсанг – бу фазилатлар фақат сенга душман орттиради.


Мен бошқалардан ортиқман дейиш – сени мактанчоқликка олиб боради. Ҳар қандай мактанчоқликнинг тагида: «Мен фалончидан ўтиб кетсам экан!» деган каби ичи қоралик, кўра олмаслик одатлари ётади. Ҳаммага маълумки, ҳар қандай кўра олмасликнинг оқибати жанжалга олиб келади. Бу уч хил одатдан холи бўлган кишининг кўнгли тинч бўлади. Ҳар бир кўнгли тинч кишининг эса – яхши нияти, эзгу хис-туйғуси бўлади.

Одамзодни хор қиладиган учта нарса бор. Шундан эҳтиёт бўлмоқ керак! Биринчиси – нодонлик, иккинчиси – эринчоқлик ва учинчиси – золимликдир.

Нодонлик – билимсизлик ва дунёдан хабари йўқликдир. Билимсизлик эса – ваҳшийликдир. Эринчоқлик – дунёдаги мавжуд ҳамма нарсанинг душманидир. Танбаллик, ғайратсизлик, уятсизлик, журъатсизлик, камбағаллик каби нарсаларнинг ҳаммаси шундан келиб чиқади. Золимлик – бу инсонликнинг душманидир. Одам золим бўлдимми – у одамгарчиликдан айрилади, инсонлик киёфасини йўқотади ва йиртқич хайвондан фарқи қолмайди.


ЎТТИЗ ТЎҚҚИЗИНЧИ СЎЗ

Тўғри, қадимги ота-боболаримизнинг илм-хунари, тили, сипоҳилиги ва озодалиги ҳозирги бизларникига қараганда анча тубан бўлган. Бироқ шунга қарамай, уларнинг бизларникидан ортиқ иккита одатлари бор экан. Аммо биз ота-боболаримиздан мерос қолган бир қатор ёмон одатлардан аста-секин қутулиб келаётганимиз билан бирга, афсуски, ҳатто, ана шу иккита ортиқ одатни ҳам мутлақо йўқотиб қўйдик. Ҳолбуки, агар биз, гарчанд ўрмалаб бўлса ҳам ўсиб бораётганимиз ҳозирги бир кезде ота-боболаримиздан мерос қолган ана шу иккита яхши одатни йўқотмай турганимизда, балки, бизлар ҳам бошқа халқлар каби эл қаторига кирган бўлармидик? Бироқ биз мана шу иккита одатни йўқотиб қўйганимиз учун қилаётган ишларимиз,



касб-коримиз инсон боласиникига эмас, гўё шайтонларнинг ишига ўхшайди. Назаримда: одамгарчилигимизнинг кундан-кунга йўқолиб бораётганлигининг асосий сабаби шу бўлиб кўринади. Хўш, бу икки одат нималардан иборат?

Биринчидан: аввало, у замонларда эл боши, тўп боши деб аталувчи кишилар бўлар экан. Кўчиш-қўниш, довжанжал масалаларини шулар ҳал қилиб, шулар бошқарар экан. Ўзга одамлар ҳеч нарса билан ишлари бўлмай, тинч, ўз тирикчиликлари билан овора бўлар эканлар. Шу билан бирга, эл боши, тўп бошилар нима иш қилса, нима қўйса, нима деса ҳам халқ ўшаларнинг айтганларига рози бўлар ва уларнинг қанчалик тўғри, нотўғри иш қилаётганликларини ипидан-игнасиғача суриштириб, кетидан қувиб юрмас эканлар. Балки аксинча: «Бош-бошинга бий бўлсанг, ҳеч қаерга сиғмайсан, бошлиқларинг бор бўлса, ёнар ўтга қуймайсан...» деб уларни кузатиш, тергаш у ёқда турсин, ҳатто, етмаганини етказиш, нуқсонни бўлса тузатиш, ёмонлиги бўлса беркитиш, яхшилигини ошириш учун тиришарканлар. Улар ўз бошлиқларини гўё бир қучли авлиё деб ҳис қилишарканлар-у, сўнгра улар ҳам шундай бўлишга ҳаракат қилар эканлар. Тўғри-да, ҳаммаси ўз одами, ўз бағри-жигари ва ҳамма мол-дунё ўз мол-дунёси бўлгандан кейин, ҳар қандай раҳбар ҳам ўз халқининг ғамини емай, кимнинг ғамини ейди дейсиз?



Иккинчидан: ота-боболаримиз бизларга нисбатан номусли эканлар. Борди-ю, уларни иззат-хўрмат килиб бирор ерга, ёки ишга чакиришса, ўрталаридаги араз, гина-кудуратларга карамай борар ва жонини фидо қилар эканлар. Улар: «Оға-инининг озори бўлса ҳам, безари бўлмас», «Олтовлон ола бўлса, оғзидагин олдирар, тўртовлон тугал бўлса, кўкдагини ундирар», «Йўл қувлаган хазинага йўлиқар, гап қувлаган – балога» дейишиб, шу маромда иш тутишар эканлар.


Қани энди, бизда мана шу одатлар борми? Албатта, йўқ? Чунки бу одатлар ор-номусли, бир сўзли одамлардагина мавжуд бўлади. Биз буларнинг ҳаммасидан ажралдик, эндигиларнинг дўстлиги – дўстлик эмас, алдамчиликдан, душманлиги кўнгил қолишдан эмас, балки бир-бирини кўра олмасликдан иборатдир.

ҚИРҚИНЧИ СЎЗ

Сизлардан бир нарсани сўрамоқчи эдим:

Нима учун бизнинг қозокларда ўлганининг ёмони, тиригининг эса ўзгани ёмонлашдан омони йўқ?

Нима учун куч-қуввати қайтган чоллар ёшлар билан муроса қила олади-ю, аммо ўзлари, гарчанд кўпгина тенгқурларидан айрилган бўлсалар-да, бир-бирлари билан муроса қилиша олмайди?



Нима учун ўзга юртлик бировни кўрсак «ёруғлик» деб атрофида парвона бўламиниз-у, ўзимизнинг элимиздаги ундан ҳам обрўли кишиларнинг қадрига етолмаймиз?

Нима учун бир сайёҳ ёки йўловчи ўзга юртга борса, ўз элини ўлардай мактайд-ю, қайтиб келгач, ўша бориб келган ерини, ёлғонни рост қилиб, ўз юртига ҳаддан зиёд қилиб мактайд-ю? Нега?

Қайси қозокни олиб қараманг, боласи ёш кезида атрофида парвона бўлишад-ю, улғайгандан сўнг совуқ кўришад-ю? Нега?

Нима учун баъзи одамлар тукқан-туғишганлари, яқин ошна-оғайнилари яқин тўйида, азасида, умуман шунга ўхшаган зарур лозимандаларида қорасини кўрсатмайди-ю, бировларнинг моли-ҳолини талаб, қароқчилик қилиб, ҳайдаб келайлик, ўғрилик қилайлик деса, жон-жон деб бош қўшади, оёқ-қўли ерга тегмай етиб келади? Нега?

Нима учун пойгага от қўшганинда отингга ёрдам бермаган оғайнинг, олган пойгандан бермадинг, деб ўпкалайди? Нега?

Қадимги замонларда одамлар: фалон вақтда бечора отим пойгада ҳориб келаётганда фалончи ёрдам қилган эди, деб оғайнисининг ўша яхшилигини ўла-ўлгунча айтиб юришар эди. Нима учун энди ҳозир бу йилги қилган яхшилигинг келгуси йилда унутиб кетади-а? Нега?

Нима учун бой ўгли камбағал бўлиб қолса, меҳнат қилишга уялади-ю, ўғрилиқ қилишга уялмайди? Нега?

Нима учун иккита яхши бир элда дўст бўлиб, тинч-тотув яшай олмайди-ю, қай-қаёқдаги қасам урганлар бир-бири билан бош қўшишиб, тинч-тотув яшашади? Нега?

Нима учун бировга дўстим деб от миндирсанг-у, бошка бир душманинг келиб унга той миндирса, дарҳол ўртага совуқчилик тушади, муносабат бузилади? Нега?

Нима учун баъзан ҳар кун айтганингни қиладиган дўстингдан бир кун айтганингни қилган душманинг меҳрибон бўлиб қолади? Нега?

Нима учун баъзи бировлар, дўстим ўссин-унсин демайди, балки аксинча, бирон мартабага эга бўлса, унга ашаддий душман бўлиб қолади? Нега?

Нима учун баъзи бировлар изласа ҳам ақл ўргатадиган кишини ҳеч қаердан топа олмагани ҳолда, ўз феъл-атворини ипидан-игнасиғача биладиган одамлардан қочиб юради? Нега?

Нима учун одамлар бировникига меҳмон бўлиб борса, минг қўйли бой бўлиб боради-ю, ўз уйига меҳмон келса, бор молини ҳам яйловга ҳайдаб юборади? Нега?

Нима учун тинчлик излаб топа олмай юрган юрт, тинч яшай бошлаганидан сўнг, дарров ундан зерика бошлайди? Нега?

Нима учун элга пишиқ одам бийлик қилади? Нима учун ҳаётда пишиқ одамларнинг кўпчилиги камбағал бўлишади? Нега?

Нима учун тўқол хотин мағрур бўлади? Нима учун касал киши мард бўлади? Нима учун камбағал киши акс, тақаббур бўлади? Нега?

Нима учун нафсини жиловлаб, ёмон йўлдан қайтган киши ёмон аталади-ю, нафс балосида юрган, мақтанчоқ, балохўр, ёмон одам яхши аталади? Нега?

Нима учун қозоқлар тўғри сўзга ишонмай, ҳатто, кулоқ ҳам солмай, балки, аксинча, ёмон, ёлғон-яшиқ сўзларни эшитса, мойдек эриб, сутдек балқиб, топган-тутгани сувга оқиб кетса ҳам, бундай гапларни тағ-тағига етмагунча қўймайди? Нега?

ҚИРҚ БИРИНЧИ СЎЗ

Қозоқларга ўргатаман, уларни тузатаман, деган кишига иккита нарса керак.

Биринчидан: ё ҳокимият эгаси, ё эса қўлида ёрлиғи бор киши бўлиши керак. Булар: катталарни ўз ҳукмларига бўйсундириб, кичикларнинг қўлидан етаклаб мактаб-мадрасаларга олиб бориб бера оладиган, бирига у соҳада, бирига бу соҳада илм-хунар ўрганиши учун йўл-йўриқ кўрсата оладиган ва уларга кетадиган сарф-харажатларни овулда яшов-



чи халқ зиммасига солишга қодир бўлган, ҳатто, қизларни ҳам, ақалли мусулмончилик илмига ўқитиш учун жалб қила оладиган одам бўлиши керак. Шундагина ҳозирги ёшлар ҳунар эгаллаб, замон ўтиши билан оталарининг ўрнини босиб, эл-юрт сал тузалган бўлур эди.

Ёки, иккинчидан: элни тузатаман деган одам катта бой бўлиши керак: у оталарига пора бериш йўли билан болаларини ўқишга юбориши ва ҳалигидай илм-ҳунар ўргатиши лозим – шундай қилса ҳам эл тузалган бўларди. Бирок, афсуски, бундай куч-қувват, давлат ҳеч кимнинг пешонасига битмайди ва битиши мумкин ҳам эмас. Маълумки, қозокларни ё кўрқитмай, ё пора бериш йўли билан қўлга олмай туриб, ақл ўргатишинг, айтганингга кўндиришинг ва ўз етагингга юргизишинг ҳеч мумкин эмас. Чунки отабоболаридан мерос қолган, сут билан кириб, қон - қонига сингиб кетган нодонлик уларни аллақачон одамгарчиликдан чиқариб қўйган. Улар ўзларининг миш-мишларидан, ғийбатларидан, ўпкасини қўлтиқлаб ҳовлиқишларию шовқин-суронларидан бошқа нарсаларни кизиқ кўрмайди, гап айтсанг укмайди, қулоғи сенда бўлса ҳам, кўнгли бошқа жойда бўлиб, кўзлари аланг-жалаң қилиб туради. Хўш, энди нима қилишимиз керак? Наҳот шундайлигимизча қолиб кетаверсак!

ҚИРҚ ИККИНЧИ СЎЗ


Қозоқларнинг ёмон ишларга мойил бўлаверишининг бирдан-бир сабаби – иши йўқлигидандир. Ё деҳқончилик билан шуғулланишса, ё эса савдо-сотик ишлари билан банд бўлса, эҳтимол, бундай ишларга қўллари тегмасмиди? Улар бундай қилиш ўрнига отлик-яёв у овулдан бу овулга санкиб, бировларнинг от-уловларига ялиниб, овқат излаб, гап пойлаб, ё эса одамзодни йўддан оздириш учун қувлик-шумлик кидириб, ишсиз -юмушсиз, бекордан-бекорга тентираб юришни ўзларига касб-кор қилиб олган. Ҳалол меҳнат қиламан, мол-дунё орттираман, деган киши учун шундай санкиб, итдан баттар хор бўлиб юриш муносибми? Яхши бўлса ўз касб-корини ташлаб бекордан-бекорга тентираб юрармиди? Мол-дунёси кўп бойлар молларини чўпонларга, болаларга топшириб қўйиб, худо берган давлатининг роҳатини сурмай, мол-ҳолини ўғирлатгани, қароқчига олдиргани ва итга, қушга едирганига рози бўлади-ю, аммо миш-миш гаплардан, бир овулдан иккинчи овулга бориб, қувлик-шумлик қилишдан, текин томоқдан, сафсата сотишлардан қолишга сира ҳам рози бўлмайди. Чунки бундай бемаънигарчиликлар бутун халққа одат бўлгандан сўнг, булар ҳам кўпчиликдан қолишни, тўғри йўл тутишни, тўғри маслаҳат беришни истамайди, аксинча, ҳалигидай яра-

масликларга бош қўшишни ва шундай ишларни қилишни ўзларича афзал кўради...

Мана, шунинг учун ҳам ҳозирги қозоқлар ичидаги «ишга ярайман» деганлари ўзларининг оздир-кўпдир молини бировларга боқтириб қўйиб, ўзлари сўз пойлашади, текин томоқ кидиришади, эл кезиб санкиб юришади.

Бинобарин, бу кунги одамлар учун мол-дунё ҳам, ақл-идрок ҳам, ҳатто, обрў-эътибор ҳам фахр эмас, балки бировларнинг устидан арз-дод қилиш ва ёлғон-яшиқ гапларни гапириб алдай билиш фахр. Буни билган киши, гарчи остида оти, қўлида қамчисидан бошқа ҳеч нарсаи йўқ камбағал бўлса-да, эл ичида иззат-хурматда бўлади, қаерга борса тўрдан жой берилади, оғзи ошга, қўли гўштга тегади. Бундай кишилар, баъзи бир лакма бойларга: «Сиз бир оғиз бир нима десангиз бас, бу ёғини биз ўзимизга қўйиб бераверинг, сатқай бир оғиз сўзингиз кетсин!..» деб уларни ховликтириб қўйиб, ўзлари шунинг орқасидан ишламай-нетмай обрў орттириб, отини миниб, тўнини кийиб, кунини ўтказиб юраверади.

Бой бўлса ўзининг фойдаси нимаю зарари нималигини ҳам билмайди. Мабодо бир иш бўлиб қолса: «Буни нима қиламиз?» деб яна бояғи расво одам билан маслаҳатлашади. У тағин қувлик-шумлигини ишга солади: ёлғиз ўзим маслаҳат берсам экан, маслаҳатчиси кўпайса қадрим кетиб



колади, деб ўйлайди ва: «Э, шу ҳам гапми? Мана буниси бундоғ-у, ана, униси ундок, унга ундок деб қувлик қилинг, бунга бундок деб шумлик қилинг!» деб қай-қаёқдаги бемаъни макр хийлаларни ўргатади. Шундан кейин бойни умуман одам боласига ишонмайдиган қилиб қўяди. Кейин, бойга ҳеч ким ишонмайдиган бўлиб қолади... Оқибат натижада эса, яна бояги расво одам бойга: «Ана мен айтмадимми сизга, у ўзи ундок одам, бу ўзи бундок одам, мана кўрдингизку» деб бойга иши тушган одамларни унга ёмонлаб, ўзи эса бойни ўзига аввалгисидан ҳам кучлироқ ром қилиб олади.

Мана, ҳозирги одамларнинг ақли ҳам, истаги ҳам шундай.

ҚИРҚ УЧИНЧИ СЎЗ

Одамзод икки нарса билан ҳаёт: бири – тан билан, иккинчиси – жон билан.

Бу иккаласидан қайси бири одамзоднинг ўзига боғлиғ-у, қайси бири боғлиқ эмас – буни билмоқ керак.

Ичсам-есам, ётсам-турсам, ухласам дейишлик – бу инсон учун ғайри ихтиёрий эҳтиёж. Озми-кўпми кўрсам-билсам, деб орзу қилиш ҳам даставвал шундай ғайри ихтиёрий эҳтиёждан туғилади...

Энди, ақл-идрок, илм-ҳунар – булар меҳнат билан топиладиган ва камол топадиган нарса. Одамзод кўз билан



кўриб, кулок билан эшитиб, кўл билан ушлаб, тил билан тотиб, бурни билан хидлаб ташки дунёни танийди. Борликнинг мавжудлиги хоҳ салбий, хоҳ ижобий бўлсин, ҳар нечук кўнгилда ўз аксини қолдиради, яъни таъсир этади. Бу бизга нисбатан ғайри ихтиёрий эҳтиёждир. Уларнинг бири кўнгилда мангу унутилмас яхши хотира, таъсир қолдирса, иккинчиси мангу унутилмай ёмон хотира, таъсир қолдиради.

Бу таъсирлар дастлаб жуда кучсиз ва кўримсиз бўлади. Лекин унга аҳамият берилса, парвариш қилинса – бора-бора улғайиб, мустаҳкамланиб боради. Борди-ю, аҳамият берилмаса, секин-аста йўқолиб кетади, йўқолмаган тақдирда ҳам, заифлашиб, ҳеч нарсага аҳамиятсиз бўлиб қолади.

Кимда-ким кўп билса, ташқи дунёдан олган нарсаларини мулоҳаза билан ўринлисини ўринлига, ўринсизини ўринсизга ажрата билса – бундай одамнинг ҳам акли расо бўлади.

«Худой таоло ўзи ақл бермагандан кейин нима қилайлик?» дейишлик, бу: «Худой таоло сен билан мени бирдай яратмади!» дейишлиқдир. Бу эса Яратганга бўхтон ёғдириб, ўзини қутқариб қолишлиқдир. Бу ақлсиз, қилай деса ҳунари йўқ, нодон одамнинг ишидир. Наҳотки унга худой таоло кўрма, эшитма, кўрган-эшитган нарсангни инобатга олма, ёдингда сақлама деган бўлса? Худо унга ўйин-

кулги, маишат, уйку, мақтанчоқлик билан овора бўлиб, қалбингдаги мавжуд бойлигингни сувга оқизиб, ҳайвонлар қаторига қўшил деган эмас-ку, ахир!

Баъзи бир одамлар: «Ақл ихтиёрий бўлмаса ҳам, талаб, истак ихтиёрий бўлади, одам истаса ақлни ҳам топа олади. Истаксиз, умидсиз кишида ақл бўлмайди» дейишади. Бу бекор гап. Талаб, истак деган нарсалар ёш болаларда ҳам бўлади. Чунончи, биз юқорида: идрок этилган нарса, аввало, жуда заиф ва кучсиз бўлиб, одам улғайган сари, у ҳам камол топиб боради, деб айтиб ўтгандик. Жон қуввати билан топилган ҳунарни ҳам қанча парвариш қилсанг – шунча сайқаллашади. Аксинча, унга аҳамият бермасанг ва кўнгил бўлмасанг, бир кун келиб, ҳатто, уни йўқотиб қўйганингни ҳам, шунингдек, ўзингнинг тамом бошқа одам бўлиб қолганингни ҳам билмай коласан. Чунки ҳар қандай унутилган ҳунар: «Мана, мен кетдим» деб хабар бериб йўқолмайди. Бир марта йўқотган ҳунарингнинг кетига қайта тушсанг – бу аввалгисидан ҳам қийинроқ бўлади.

Жон қувватининг таърифи жуда кенг нарса. Бирок ҳаммасини ёзиб улгуриш қийин. Бу куч шундай кучки, у сени ташки дунёдан топган барча билимларингни ўзида маҳкам сақлаб тура олиш қобилиятига эга. Шундай қилиб, биз юқорида киши ўз топган нарсасини мудом парвариш қилиб бормаса, унинг энг нозик томонларини унутиб қўяди,

дедик. Кейинчалик бориб, бу одам, шу хунарини, яъни топган нарчасини сақлайдиган жонидан ҳам айрилади. Кейин эса – буларни қайта тиклашнинг ҳеч иложи йўк...

Бу қувватнинг ичида ортик учта қувват борки, зинҳор уни йўқотиб қўйишдан эҳтиёт бўлиш керак. Уни йўқотган киши одамгарчилигини ҳам йўқотиб, ҳайвон қаторига қўшилиб қолиши ҳеч гап эмас.

Биринчи қувват: буни руслар «подвижной элемент», деб аташади. Бу нима дегани? Бу – кўрган, билган, эшитган нарсаларингни зудлик-зийраклик билан уқиб, фақат уқиш билангина кифояланмай, унинг қаердан пайдо бўлгани ва охири нима билан тугашини ҳам мулоҳаза, муҳокама қилиб кўришга сени мажбур этади. Агар сенда бу фазилят бўлмаса, минг ўқиганинг билан, барибир, одам бўлишинг қийин ва зарур нарсаларни ўз вақтида уқиб ололмай, вақт ўтгач: «Аттанг, бундай қилсам бўларкан! Ундай қилсам бўларкан!» – деб пушаймон бўлиб, мудом ҳамма яхши нарсадан ғофил қолиб юраверасан.

Иккинчи қувват: буни руслар «сила притягательная однородного», дейишади. Бу бирор нарсани кўрган, билган, эшитган бўлсанг ва у сенга маъқул бўлса, сен дарҳол у нарсани бошқа нарсаларга ўхшашлиги борми ё йўқлигини, унинг ўхшашлик даражасини текширасан. Ҳар қалай, бу сени қизиқтиради ва сен уни билишга, бошқалардан сўраб



суриштиришга ҳаракат киласан, унгача эса ҳеч тиниб-тин-чимайсан.

Учинчи қувват: бу ташқи дунёнинг инсон қалбига таъсиридан олинадиган яхши-ёмон фазилатлардир. Агар сен қалбингни пок ва тоза тутсанг, ҳамда уни турли-туман нарсалардан, манманлик, мактанчоқлик, мол-дунёнинг кетидан қувишлик, енгилтаклик ва беғамликдан эҳтиёт сақласанг – унга чизилган ташқи дунё таассуротлари ҳам тоза ва равшан бўлади ва бундай таассурот қон-қонингга сингиб, узок вақт эсингда қолади. Борди-ю, қалбингни бояги тўртта ярамас одат билан кирлатиб қўйсанг, у ҳолда қалб оинанг бузилади – борлиқни ғубор ва қийшиқ қилиб кўрсатадиган бўлади. Ниҳоят, бундай бузиб кўрсатадиган қалб кўзгусидан на келажагинг ва на ўтмишинг учун ҳеч қандай наф тегмайди!

Тана қуввати билан сиртдан топилган нарса сиртда сақланади. Бунинг отини давлат, бойлик деб аташади. Бу қувватнинг ҳам ўзига яраша ташвишлари бор. Агар уни билмасанг, тарбия қилмасанг – бундан ҳам айрилишинг мумкин. Ахир, жон қуввати кашф этмиш нарсалар: ақл-идрок, илм-хунар ҳам қарамасанг, тарбия қилмасанг – сўниб битиши ва сен ундан айрилиб қолишинг мумкин эди-ку!

Шунингдек, ҳар бир яхши нарсанинг ўзига яраша меъёри бор. Агар меъёридан ошиб кетса – у ярамайди. Зотан,

ҳар нарсанинг меъёрини билиш – бу жуда катта иш, катта ишгина эмас, катта санъат ҳамдир.

Ўйланмоқлик ҳам яхши нарса. Аммо кўп ўйлаб хаёлга берилиб кетишлик ҳам ярамайди.

Ичмоқ-емоқ, маишат қилмоқ, кўнгил хушламоқ, севмоқ-севилмоқ, кучмоқ-суймоқ, мол-дунё тўпламоқ, мансаб орзу қилмоқ, ҳийлакор бўлмоқ, алданмаслик – бу нарсаларнинг ҳам ҳаммасининг меъёри бор, меъёридан ошиб кетса расвоси чиқади.

«Ниманинг кизигини кўп кўрсанг, ўшанинг жабрини бир торгасан» – деган қадимги донишмандлар. Боя айтиб ўтганимиз, бизга маълум бўлмиш учта қувватнинг иккитаси, яъни «подвижной элемент» билан «сила притягательная однородного» – бу иккаласи бир-бирига мутлақо алоқадор нарсалардир. Ҳамма фойдали ишлар ҳам шундан келиб чиқади, шунингдек, ҳамма зарарли ишлар ҳам. Мансабпарастлик, мақтанчоқлик, баджаҳллик, ёлғончилик ва умуман шунга ўхшаган одамни ақдан оздириб, ёмон йўлга бошлаб кирадиган ярамас одатларнинг ҳаммаси шундан келиб чиқади. Бинобарин, киши чуқур мулоҳаза юритиб, бундай ёмон одатлардан ўзини имкони борича эрта тутиб ола билмоқ керак.


Кишига нима фойда-ю, нима зарар эканини ажрим қиладиган куч-ақлдир. Лекин, юқорида қайд этилган ёмон

одатларнинг барчасини биргина ақл кучи билан даф қилиб бўлмайди. Бунинг учун катта ғайрат ҳам керак. Шундагина бу иккаласи енгилмас куч-қувват пайдо қилади. Агар бу иккови кимда бор бўлса, бунинг устига ҳали юқоридаги икки қувват қўшилса – нур устига аъло нур: минган отингни қаердан солсанг, шу ердан кесиб чиқади. Борди-ю, бу икки куч оз бўлса, ёки бири бор бўлиб, бири йўқ бўлса – унда бояги икки қувват гўё эгар-югансиз асов отга ўхшайди. Маълумки, асов от эгасига бош бермайди: у ўзини истаганча тоққа, тошга уриши, сувга, жарга отиши мумкин. Бундай ҳолда эркинг қўлингдан кетади ва ўлгунигча доғда кетасан...

ҚИРҚ ТЎРТИНЧИ СЎЗ

Одамзоднинг энг ёмон ҳунари – талабсизликдир. Аммо талаб қилувчилар ҳам, шунингдек, талабнинг ўзи ҳам бир неча турли бўлади; ҳамда шу талабларнинг кетига тушган одамларга улар бир-биридан аъло бўлиб кўринади.

Инсон боласи хоҳ у талабли, хоҳ у талабсиз бўлсин, унинг табиати бировнинг мактовини эшитишни хоҳлаб туради. У қаерда ва қайси соҳада ишламасин, ўз соҳасидаги кишилар билан сирдош бўлади. Унинг учун ўзга соҳадаги кишиларнинг «ҳа, баракалла!»сини эшитишдан кўра кўпроқ, ўз соҳасидаги кишиларнинг «ҳа, баракалла!» сини эшитиш мароклироқ бўлади ва у шуни истайди.



Инсон боласи бирор ҳунарнинг кетига тушар экан, аввало, ўз қадрини ўйлайди. Баъзи бировлар мол-дунё топиш пайига тушишган. Хасислик, ҳаромлик қилиб бўлса ҳам, мол топсам экан. «Мол топган эрнинг ёзиғи йўқ», «Моли борнинг юзи ёруғ» – дейишади. Мол- дунё ҳам фойда, ҳам хосият бўлади, деб ўйлашди. Қозоқларнинг хулқи билан қараганда, бу сўз бир ҳисобдан тўғри, бироқ одамгарчилик, ақл нуқтаи назаридан қараганда эса – мутлако нотўғридир. Мана шу йўлда баъзилар мулла ака, баъзилар эса ҳожи ака аталаман, деб шу ҳаракатда юришибди...

Ушбу кунда уларнинг излаб топган талаблари ўқиш, ўрганиш натижасида топилган талаблар эмас, балки одамлар юзасидан ўрганилган талаблардир.

Китоб оркали ўрганиладиган ҳунар учун, аввало, қалбни пок сақлаш, ундан кейин эса, тоат-ибодат қилиш керак. Борди-ю, қозоқларнинг юзига қараб ҳунар ўрганмоқчи бўлсанг, унда шу ҳунарингдан қолма, тоат-ибодат қилиб овора бўлиб юрма, сенинг қалбингнинг пок эканлигини ким кўриб ўтирибди, дейсан! Бироқ қалбинг тоза бўлмагунча топган-тутганингда қуват-барақа бўлмайди.

Энди, бундан буён мана шу гапларга қараб иш тутсанг янглишмайсан.

ҚИРҚ БЕШИНЧИ СЎЗ

...Инсон фарзандининг камолот даражаси – унинг муҳаббат, адолат ва ҳис-туйғу эгаси бўлишлигидадир. Бу фазилатларнинг керак эмас жойи йўқ, шунингдек, булар иш-тирок этмайдиган жой ҳам бўлмайди... Айгир ўз биясига эга бўлиши учун ҳам муҳаббат, ҳис керак. Бу адолат, муҳаббат, ҳис кимда кўпроқ бўлса – ўша одам олим, ўша одам оқилдир. Биз ўз-ўзимиздан илм кашф қилолмаймиз, балки яратилиб қўйилган нарсаларни кўриб, сезиб, ҳис қилиб, ақл мезонида ўлчаб, кейин илмга айлантирамиз.

(1890–1898)

ҚОЗОҚ ХАЛҚИНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШИ БОРАСИДА МУХТАСАР СЎЗ¹

Бизнинг халқнинг ихлоси отасини араблардан чиққан дейишни, ёки Баний Исроилдан² чиққан дейишни хуш кўрадигандай. Униси – ҳар нима таворихдан³ хабар тегса, шу томонлардан текканлигидан, яқин ислом дини бурунги ота-боболарни унуттириб, диндошларни яқин кўрсатганлигидан ҳамда ортги томони хабарсиз қоронғиликда қолганликдан бўлган иш. Ҳаммага маълум, аввалда одам болалари бул кунги ўринларига икки томондан тўлқиниб⁴ келганлиги. Бири – Ҳиндистон тарафидан; у ёқдан келган халқларнинг кўпи – билимли юрт бўлиб, эртароқдан илм-фанга ҳавас

¹ Улуғ қозоқ шоири, мутафаккири, донишманди Абай қаламига мансуб ушбу асар ўзбек тилига биринчи бор таржима қилинаётгани сабаб, изоҳ ўрнида қуйидагиларни айтиб ўтишни лозим деб ўйладик. Таржимада Абай лексикасига, сўз бойлигига, ифода услубига хос бўлган ўринларни ўзгартирмасликка ҳаракат қилинди, баъзи сўзлар маъносини тўлароқ ва теранроқ англаш учун шу сўзнинг эквивалентини, маънодошини қавс ичида келтириб ўтдик. Умуман олганда, мазкур асар Абайнинг тарихчи, этнограф, каттикқулоқ (қувваи хофизаси кучли) шахс бўлганлигидан ўқувчини хабардор қилиш билан бирга, Марказий Осиёдаги туркий халқлар тарихига назар ташланганлиги жиҳатидан ҳам муайян кизиқиш уйғотиши шубҳасиздир. (Таржимондан).

² *Бани Исроил* – Мусо алайҳиссалом пайғамбар қилиб юборилган қавм.

³ *Таворих* – «тарих» сўзининг қўплик шакли.

⁴ Тўлқиндай оқиб.

қилганлар, (ўзларининг) қайдан чиққанлигини билганлар. Иккинчиси – мўнғул томондан келган, улар вақтларининг кўпини илмсизлик билан ўтказиб, таворихларини тегран билмай, туби¹ эътиборсиз қолиб, ота-боболарини оқсоқолларининг айтиши билан, оғзаки хабарлардан билганига қаноат қилиб юришган. Шунинг бири, яъни ўша мўғулдан чиққан халқнинг бири – бизнинг қозоқ. Бизнинг халқнинг мўғулдан чиққанлиги бизга уят эмас, балки бизнинг билимсиз-илмсиз қолмоқлигимиз уят.

Қалмоқнинг тўрт отасининг бири – Хазар. Ўша Хазардан уч отанинг ўғли форслар юртида қолиб эди: Қажар, Афшар, Учтошли деган. Ўша қизилбош, дунёдаги эски подшоларнинг саркити – Касирай. Ажам юрти ўша. Бизнинг қозоқнинг Амударёдан кўрқиб қочиб келиб, Сирдарёнинг оёғида қалмоқдан енгилиб, «Оқтовон чувиринди»², кўрадиган сабаби Нодирдан қочаман деб бўлган. Ўша Нодир – Афшардан эди. Ушбу кунги Носириддиншоҳ – Қажардан чиққан киши. Ким етса (изланиб етиб борса), топади, ҳаракати билан етади. Уларга отанг қалмоқ деб ким бўғот бўлади?

¹ Қайдан чиққанлиги, асли.

² «Ақтабан чубиринди» – 1723 йилги жўнғор босқинчиларининг қозоқ далаларига бостириб кириши воқеалари халқ орасида шундай айтилади.

Эсда йўк эски маҳалда мўғулдан бир татар аталган халқ бўлинган (ажралиб чикқан) экан. Хитойлар «татан» деб ёзади. Асл туби қозокнинг – ўша татар. Шу кунларда ҳам қозокнинг тўра (аслзода) насллари ўзларини ўзлари «биз – татармиз» деб айтишади. Униси «биз келимсок (келгинди) эмас, тубсиз эмас, тоза тухуммиз» деган сўз ўрнига айтилади, татарнинг ким эканлигини билганлигидан айтгани эмас (бу).

Ушбу кунда кунчиқар Сибирда қозокнинг дини исломга киролмай қолган оғайнилари бор. Тилидан, одатларидан, кўринишидан қариндошлиги аниқ билиниб туради. Айниқса, «Енесайский губирне»¹нинг Минусинский уездида «ясишинай татар» номли бир халқ бор. Қозокни ўзига оғайни тутуди, дейишади, кўрган одам ҳам уларнинг бир тухумдош эканлигига талашмайди. Тагин ҳеч бир қозок қирғиз билан қозокнинг бир тухумдош эканлигига талашмайди. Ўша қирғизни хитойлар «брут» деб атади, ўз таворихларида бунинг сабабларини, нима учун «брут» деб аташини билдим деган (одам)ни ҳеч кўрмадим.

Бизнинг қозоклар Бийскдаги, Кузнецкийдаги калмоқларни «билеут» дейди. Менинг фикрим: ўша «билеут», «брут» битта сўздан чикқанми, дейман, улар ҳам қирғизларнинг наслидан бўлмоғи ажабланарли эмас. Ўша

¹ Губирне – русча «губерния» сўзининг бузилган шакли.

татарлар уришқоқ, овчи, нима бўлса, шуни кийиб, нима топилса, шуни ичиб-еб юрадиган бир турпойи (ўжар) халк экан. Уларнинг ўрни Енесей, Анкара сувининг бош томонида бўлибди. Шулардан овчилар йил юриб, икки йил юриб қайтадиган одатлари бор экан. Ўша овчилардан эшитган, кўрган хабари билан, бурун кўрмаган ерга, бўлмаган мактов айтиладиган одатига кўра, киши оз, ёзи кўп деганларига аввалдан ўзлари ер чорвасини¹ қилмай, мол сақловчи халк бўлгани учун, «мол боқишга яхши ерга борамиз», дейишиб, бу ёққа қарай неча маротаба халки (йўлга) чикибди. Шуларнинг бири бизнинг қозоқ экан. Қайси йўл билан келганлиги, қанча йилда келганлиги маълум эмас. Ҳайтовур, Олатоғнинг бўқтарига келиб, маконлаб тўхтаганлар.

Нариги томон бурундан уйғур насли халқнинг жойлашиб, эгаллаган ери бўлиб, ундан нарига бора олмаганлар. Уйғур халқининг хони ўзига қарайдиган халқларга ҳисоблаб юраверган. Булар ҳам бўйсундик дейишса-да, ичларидан душман бўлиб юраверганлар. Аввалдан ўзини ўзи бийлаб, озод-эркин юрган халк, биратўла бировга бўйсунгани оғир кўрибди. Тубида улар ҳам мўнғул насли бўлишса ҳам, буларга ёт кўринибди. Ўша пайтларда араблардан Ўрта Осиёга дини исломни ўргатувчи (тарғиб қилувчи)лар кўп аскарлар билан келиб, халқни янги динга қаратиб юрган-

¹ *Ер чорваси* – бу ерда экин-тикин, деҳқончилик деган маъноларда.

ларида Кутайба исмли киши Қашқаргача келиб, халкни исломга кўндирганида, булар ҳам мусулмон бўлдик дебди. Шундай қилсалар ҳам, бурундан бахши-фолбинларга ишониб, ўтга, чирокка (нурга) топинадиган одатларига кўра исломга тез тушуниб кета олмабди. У кезде чала-чулпа хат танийдиган кишиси бўлса – уни «абиз» деб аташар экан. «Абиз» деганлари – қадимда шомонларнинг ўз муллаларига кўядиган оти экан. Дунёда нимаики нарсанинг сабабига кўзи етмаса, шу нарса худонинг қудрати ила бўлиб турибди деб, дин тутинадиган одатларининг сарқинини (қолдиғини, натижасини) биз ҳам ҳар жой-ҳар жойда кўрганимиз бор: келин тушганда улкан уйнинг гулханига мой қуйиб, «Ўт Она, Мой Она, (ўзинг) ёрлақа!» дегизиб, бош урғизиб (тавоф қилдириб), уйга киритгани каби. Ёки, «ўлган (одам) арвоҳига бағишладик» деб, чирок ёққанлари каби. Ёки, ёз пайти авваллари булут гуркираганда хотинлар чўмич билан уй сиртига уриб, «Сут кўп, кўмир оз!» деганлари каби. Бунга ўхшаган иримлар кўп эди, худога шукур, бугунги кунда йўқолиб бораётганга ўхшайди.

Ўша араблар кўчманчи халқларни «хибаи» деб, «хузағи» деб атабди. «Хибаи» дегани кигиз чодир билан юрувчи дегани экан. «Хузағи» дегани ўз юртида «жани хузағи» деган кўчманчи халқи бор экан, шунга ўхшатиб айтган экан. Ўша вақтларнинг бир хони кўчиб келаётганда буларнинг тирков-

ли туясини кўриб, «мана, мановилар чиндан ҳам қаз-оқ (ғоз-оқ) экан» дебди, атайин қайтиб келаётган ғозга ўхшайди-ёк экан деб. Шу билан булар ўзини ўзи ҳам, ўзга юртлар ҳам қозок деб атаб кетибди, бурун ўзларини «улус» деб атаб юраверар экан.

Ўша даврда «Наврўз» деб аталган бир баҳорий байрам бўлиб, наврўзлама қиламиз деб, (одамлар) тўй-томоша ўтказар эканлар. Ўша кунни «улуснинг улуғ куни» дейишар экан. Бугунги кунда бу сўз Қурбон ҳайитига айтилади. У пайтларда янги динга киргандан кейин, энди бир Бухородан бошқа шаҳарларнинг ҳам, ер-сувларнинг ҳам, халқларнинг ҳам бурунги номлари бузилган. Шу сабаб бўлса керак, ҳайтовур шундан сўнг қозок (деб) аталибди.

Бул қозок Олатоғ бўқтарида юрганида қўшниларидан кўриб, экин-тикин каби, савдо-сотик каби ишларга ҳам айланишган экан. Ўзларини ўзлари «кўнғир қозокмиз, қора қозокмиз» дейиши – «қозок бойнинг боласимиз» дегани, ўша пайтдагина бироз мўминлик билан турган кези бўлса керак.

Қирғизга қирғиз деб уйғур хонларидан бири ном қўйган. Уларнинг отлиқ лашкарининг олдида юрадиганлари шулар бўлиб, қирғиз деб аталган. «Ўлдир, йўкот», яъни душманни қирувчи деган (маъно)дан қўйилибди. У пайтларда тинч яшаган қозокнинг: «Арвоҳ (қабр)ни хатлаган ўнгмайди»,

«Эр озиғи билан бўри озиғи йўлда» деб, «Отланиб бориб йилқи олган, от устидан уйку олган» деб, баримтачини¹ мақтаб, бузилган кези Чингиздан кейинги воқеалар бўлса керак.

Қачонки мўғулдан Чингизхон чикқанда, козоқлар «қутлуғ бўлсин»га борибди. Бироқ қай ердалиғи маълум эмас, шундай қилиб, ўша Чингиз тоғида, лашкарлар Қоравул ўзанининг бўйида ётиб, ўн икки уруғдан киши мўнғулнинг ўз қонуни бўйича «хон» деган улкан бийикнинг² бошида, ок кигизга Чингизни ўтирғизиб хон (қилиб) кўтарган дейишадди. Тоғнинг Чингиз номи билан аталиб, бийиғи «хон» деб аталишининг сабаби ҳам шу бўлса керак.

Ўшанда ўн икки кишининг бири қозоқдан Майкибий деган киши экан. «Тугал сўзларнинг туби бир, туб отаси Майкибий» деган мақол бўлган. Майки – ўша киши экан. Чингиз оломончиликка³ отланиб, лашкар тортиб чикқанда аскарларининг кўпи татар экан дейишади. Бунинг сабаби: мўнғиллар ўзлари татардай очликка, сувсизликка, иссиқ-совуқка чидамли бўлмаса керак. Қозоқнинг (хам) урушга ярокли одами Чингизнинг аскарига кўшилибди, буларга

¹ *Баримта* – ёвлашган томоннинг ёки одамларнинг зўрлик билан бир-биридан мол хайдаб келиши. Баримтачи – шу жанжалда иштирок қилувчи.

² *Бийик* – тепалик, баландлик, тоғ усти.

³ *Оломончилик* – босқинчилик, юриш.

Чингизнинг Жўжи деган катта ўғли бийлик (рахбарлик) қилибди.

Аввал Кўрхонни ўлдириб, уйғур юртини олибди, ундан кейин Осиёнинг теранига (ичкарасига) қадар эниб (кириб) борибдилар. Сабаби, козокда мақол (нақл) бўлиб қолган «Илон йили жилис¹ бўлди, йилқи йили уруш бўлди, қўй йили занғар тўкиш (учрашув, дучлашув) бўлди» дегани, «Самарқанднинг сар (сарик) йўли, Буланойнинг тор йўли» дегани – бари Чингизнинг сафарини кўрсатадиган сўз. Буланай деб Ҳимолайни айтганими, Ҳиндукуш тоғиними? Ҳайтовур, бир тоғни айтган сўз эканлиги «Буланайдан улкан тов бўлмас, буландан² улкан ов бўлмас» деган мақолдан маълум.

Шундан сўнг булар бурунги Олатоғни қолдириб, Тошкент теварагидаги тоғларни макон қилган. Қайсисида қанча юрган, қайсисида аввал, қайсисида кейинроқ юрган – аниқ маълум эмас. Бу ерга келганларидан сўнг, уларни Чингизнинг Чиғатой деган боласининг насллари бийлаб (рахбарлик қилиб) турибди. Чиғатой наслининг хони Тошкентда туриб, бир инилари буларни бийлайди экан. Шундаги бийлаган хонлари, бийлари буларни ҳеч бир тўғри ҳаракатга (ишга) тушунтирмай (йўллагандан), доимо баримта, мол ҳайдаш,

¹ Жилис – боскин, хужум.

² Булан – овланадиган қийик ёки бугунинг бир тури, ов.

овул чопиш, гоҳ у эл, гоҳ бу эл билан ёвлашмоқ, кирпичок бўлиб кун кечириб, бошқа касб-хунарга ўргана олмай, ўзлари ҳам кашшоқ бўлган, ўсмаган (ривожланмаган) ҳам. Бугун бировни ўзи талаб, кириб келса, эртасига биров уни талаб, кириб кетаверган. «Эр каби бориб, ит каби қочиб» юриб, молини, бошини ёвдан ҳимоя қилишнинг маънисини ҳам билмаган. Қозоқнинг бор қаттиқ¹ ўса бошлагани – куба² қалмоқнинг юрти бузилганидан сўнг, ўша Сариорқага³ келиб ўрнашганларидан сўнггина бўлди. Ундан бурунгиси (аввалги ҳаёти) «Бориб ёвдан қиз опкелиб хотин қиларсан, ё оғангни ўлдириб, янғангни оларсан» деган мақолга ўхшайди.

Амир Темури наслидан Умаршайх (мирзонинг) боласи, машҳур Бобур подшонинг онаси билан бир туғишган икки бовури (қариндоши) бўлган. Каттаси Тошкентда хон бўлиб, кичиги қозоқни бийлаган. Булар – Чигатой наслидан Юнусхоннинг болалари бўлган. Қозоқни бийлаганининг исми Аҳмад экан. Ўша пайтда отланиш⁴га яроқли қозоқдан уч юз аскар чиқибди, уч юзбошига бийлатибди. Ҳар юзнинг халқи ўз интимоғи (иттифоқи) билан бир туғишганга ҳисоб

¹ *Бор қаттиқ* – бор куч билан, жуда.

² *Куба* – жангари, урушқоқ, жанговар.

³ *Сариорқа* – манзил номи, ўлка номи.

⁴ *Отланиш* – харбий сафар, сафарбарлик, уруш тадориги.

бўлибди. Қозоқларнинг «Уч юзнинг боласи» дейиши – шундан.

Аҳмадхон қалмоқни кўп чопибди, кўп қирибди. Қалмоқ (унинг) раҳмсизлигига қараб «манов бир олачи бўлди-ку» дебди, «жон олувчи бўлибди» дейишининг ўрнига. Шунинг учун у одам Алаша (Олача) хон аталибди. «Бобурнома»да шундай ёзилган. Шундан сўнг эса «бу номни қалмоқ кўркқани учун кўйди-ку, энди сизлар чопган вақтда «алаш-алаш» деб урон-сурон¹ солинлар» деб буюриб, буларга айғай (хой-хуй, жар) солганда, кўп жоннинг айғайи билан «алаш-алаш» деб (бўлиб) кетибди. Шу-шу, «Алаш-алаш» бўлганда, Алаша хон бўлганда қалмоққа нималар қилмадик-а?!» дейишиб, «урони алаш бўлган козоқ» деб аталганининг сабаби шу экан.

Булар Чигатой наслига қараб юрганда² Жўжи насли ўзбек халқини бийлаб юрган экан. Ўша Жўжининг Сибан ёки Шибан деган боласининг тухумидан бир атокли Шайбақ деган хон чиқиб, Амир Темур тухумидан Ҳирот, Бухоро, Самарқанд шаҳарларини тортиб олиб юрганда, охирида буларнинг олдидан Алашахон Тошкентдаги Жанкехон деган билан қўшилиб, қалин (кўп) аскар билан

¹ Урон (ўрон) – жанг маҳали жангчилар шу сўзни айтиб-қичқириб, жангга кирганлар. Парол сўз. Бир-бирини таниб олиш учун шу сўз айтилади.

² Яъни, буларни Чигатой наслидан бўлган хонлар бошқариб юрганда, демоқчи.

чикиб, Ўратепада енгилиб, оға-ини икковини ҳам, бола-чақаларигача Шайбақхон ўлдирганда, бизнинг қозок «биз аввалдан ўзбек юрти билан отадош эдик, яна ҳам (бунинг устига), Чингизхон тирик кунда бизни Жўжигга топшириб эди, сарт – садағам, ўзбек – ўз оғам» деб, Шайбаққа қараб кетибди.

Ўша сўз шу бугунгача мақол бўлиб қолган. Шундан кейин бизни қайтиб Чиғатой тухуми бийлаган эмас. Шундан сўнгги бизнинг хонимиз, тўрамиз – бари-да Жўжи наслидан бўлиб келган.

МУНДАРИЖА

Қозоқ халқининг улуг намояндаси. Қалдибек СЕЙДАНОВ.....3

ШЕЪРЛАР

Бургутчи. <i>Уйғун таржимоси</i>	20
«Порлаган оқ кумушдай кенг манглайли...». <i>Музаффар Аҳмад таржимаси</i>	23
«Ёшлиқдан билим излаб югурмадим...». <i>Миртемир таржимаси</i>	25
«Йигитлар ўйин арзон, кулки қиммат...». <i>Ғулом Шоди таржимаси</i>	26
«Қаридик, ғамга ботдик, уйқу сергак...» <i>Уйғун таржимаси</i>	32
«Қозоғим, шўрлик юртим, вайрон юртим!...» <i>Миртемир таржимаси</i>	35
«Бозорга қараб турсам, ҳар ким борар...». <i>Уйғун таржимаси</i>	37
«Пошшо худой, сиғиндим, <i>Музаффар Аҳмад таржимаси</i>	38
«Хўп ўйландим, тўлғандим...». <i>Музаффар Аҳмад таржимаси</i>	39



«Интернатда ўқийди...». <i>Музаффар Аҳмад таржимаси</i>	41
«Бойлар юрар йикқан молин кўрғалатиб...». <i>Музаффар Аҳмад таржимаси</i>	45
«Кўнглим қайтди дўстан-да, дўшмандан-да...». <i>Музаффар Аҳмад таржимаси</i>	46
«Ўлан – сўзнинг пошшоси, сўз сараси...». <i>Миртемир таржимаси</i>	49
«Қалин соч орқасига тушган ўрим...». <i>Абдулла Рустамов таржимаси</i>	52
«Ёришмас қора кўнглим не қилса ҳам...». <i>Абдулла Рустамов таржимаси</i>	53
«Мен ўланни ёзмайман эрмак учун». <i>Миртемир таржимаси</i>	54
«Қалбингда ўтинг бўлса...». <i>Ғулом Шоди таржимаси</i>	56
Йигит сўзи. <i>Уйғун таржимаси</i>	58
Қиз сўзи. <i>Уйғун таржимаси</i>	60
«Маст бўлади бўлисинг...». <i>Музаффар Аҳмад таржимаси</i>	62
Куз. <i>Миртемир таржимаси</i>	65
«Ёз кетди, қишнинг боши, дала бежой». <i>Миртемир таржимаси</i>	67
Кўклам. <i>Миртемир таржимаси</i>	69
«Сулувлар сараси...» <i>Миртемир таржимаси</i>	72
«Талай сўз бундан бурун кўп айтганман». <i>Уйғун таржимаси</i>	76
«Севги тили – сўзсиз тил...». <i>Миртемир таржимаси</i>	77

«Баъзи ўсмир ёшлар хафа қилар...». <i>Асқад Мухтор таржимаси</i>	78
«Оч киши тинчланарми тўймагунча...». <i>Миртемир таржимаси</i>	79
«Ёшлик ўтди, билдингми?...» <i>Миртемир таржимаси</i>	81
«Соатнинг чиқиллаши эмас эрмак.» <i>Музаффар Аҳмад таржимаси</i>	82
Раҳимчолга. <i>Музаффар Аҳмад таржимаси</i>	83
«Молга дўстнинг ғами йўқ молдан бошқа...». <i>Уйғун таржимаси</i>	84
«Курук хой-хув бақирган». <i>Музаффар Аҳмад таржимаси</i>	85
«Мен бўламан» – деманглар...». <i>Музаффар Аҳмад таржимаси</i>	86
«Мен салом ёзаман...». <i>Музаффар Аҳмад таржимаси</i>	87
«Эркам-ай, мен индамай юраман кўп...». <i>Музаффар Аҳмад таржимаси</i>	88
«Хаста юрак уради ҳеч шошилмай...». <i>Музаффар Аҳмад таржимаси</i>	89
«Эсингда борми ёш кунинг?...». <i>Музаффар Аҳмад таржимаси</i>	90
«Юракда кўп ғазна бор, бари яхши...». <i>Музаффар Аҳмад таржимаси</i>	91
«Юрагим менинг қирқ ямок...». <i>Раззоқ Абдурашидов таржимаси</i>	92
«Ошиқлик излаб тентима...» <i>Музаффар Аҳмад таримаси</i>	93

«Нурли осмонга интилиб ўсгансан сен...». <i>Музаффар Аҳмад таржимаси</i>	94
«Бўғинсиз тилинг...». <i>Музаффар Аҳмад таржимаси</i>	95
Эшак. <i>Музаффар Аҳмад таржимаси</i>	96

ПОЭМАЛАР

Маъсуд. <i>Миртемир таржимаси</i>	100
Искандар. <i>Уйғун таржимаси</i>	106
Азим ҳикояси. <i>Музаффар Аҳмад таржимаси</i>	113

НАСИҲАТЛАР

45 қора сўз. <i>Носир ФОЗИЛОВ таржимаси</i>	138
Қозок халқининг келиб чиқиши борасида мухтасар сўз. <i>Музаффар Аҳмад таржимаси</i>	232

Адабий-бадiiй нашр

**АБАЙ
ЁРҚИН ЮЛДУЗ**

Шеърлар, поэмалар, насиҳатлар...

Мухаррир *Рауф СУБҲОН*
Мусаввир *Э. Абдикайырова*
Бадiiй муҳаррир *Ш. Ходжаев*
Техник муҳаррир *Т. Харитонов*
Кичик муҳаррир *Д. Холматова*
Мусахҳих *С. Салохутдинова*
Компьютерда тайёрловчи *Б. Душанова*

Нашриёт лицензияси АІ № 158.14.08.2009.

**Босишга 2015 йил 10 июлда рухсат этилди. Бичими 60x100^{1/32}.
Офсет қоғози. «Times New Roman» гарнитурасида офсет усулида
босилди. Шартли босма табағи 8,60. Нашр табағи 7,48.
Адади 1000 нусха. Буюртма № 15-511.**

**Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг «O‘zbekiston»
нашриёт-матбаа ижодий уйи. 100129. Тошкент,
Навоний кўчаси, 30.**

Телефон: (371) 244-87-55, 244-87-20

Факс: (371) 244-37-81, 244-38-10

e-mail: iptdzbekistan@iptd-uzbekistan.uz

www.iptd-uzbekistan.uz